

1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз, аввало она-ларимиз, она-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ҳурматли китобхон!

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир.

Шу маънода, истиқлолга эришган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

1999 йилнинг мамлакатимизда “Аёллар йили” деб эълон қилиниши ана шу улкан ишларнинг амалий-манتيқий давомидир.

Қўлингиздаги китоб ҳам жамиятимизда аёлларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром рамзидир. Тўпладан Президентимиз Ислом Каримовнинг аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги фикрлари, расмий ҳужжатлар билан бир қаторда ўз жасорати ва матонати, ақл-заковати билан ўчмас ном қолдирган улуғ момоларимиз ва уларнинг бугунги кундаги издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, рассомлик санъати, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари, ҳозирги замон шоир ва адибларининг опа-сингилларимизни тараннум этувчи шеър ва очерклари жой олган.

Китоб Ўзбекистон хотин-қизларининг мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, санъат ва спорт соҳаларида эришган катта ютуқларини, уларнинг оила ва ижтимоий ҳаётдаги ўрнини акс эттирувчи рангли фотосуратлар билан безатилган.

134

АЁЛГА ЭҲТИРОМ



ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"

Таҳрир ҳайъати:

Р. Шоғуломов

М. М. Дўст

Х. Султонов

А. Тошхўжаев

А. Болиев

О. Мусурмонова

М. Улуғова

Т. Содиқова

А. Ғуломов

И. Латипов

Аёлга эҳтиром: тўплам //Таҳрир ҳайъати: Р. Шоғуломов, М. М. Дўст, Х. Султонов ва бошқ./.—Т.: "Ўзбекистон", 1999. — 320 б.

ISBN 5-640-02637-5

№ 130-99

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

А 0804000000 — 33 99
М 351 (04) 99

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1999 й.

**АЁЛНИ УМУМАШ –
ОИЛАНИ, ВАТАНИ, ҲАЁТИНИ
УМУМАШДИР**



**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
1998 ЙИЛ 5 ДЕКАБРДА
КОНСТИТУЦИЯНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСДА
СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН**

Муҳтарам дўстлар!

Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади.

Шу боис ҳам бу масалалар давлатимиз сиёсатининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, ўтиб бораётган 1998 йилнинг эса Оила йили деб эълон этилгани ва шу мақсадда махсус ҳукумат дастурлари қабул қилингани катта маънога эга.

Ҳадемай бизга кўпдан-кўп шодлик ва қувончлар, шу билан бирга турли хил ташвиш ва муаммолар олиб келган 1998 йил поёнига етади. Яъни, Оила йили ҳам якунланади. Хўш, ўтган давр мобайнида ҳукумат дастурини бажариш юзасидан нима ишлар қилинди?

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бу борада талайгина салмоқли ишлар бажарилди.

Биз оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-

одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз зарур.

Оила масаласига жамиятимизда бу қадар катта аҳамият берилаётганининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биз оилани хўжакўрсинга кўтар-кўтар қилиш, уни қандайдир этнографик ёдгорлик сифатида кўз-кўз қилиш ниятидан мутлақо йироқмиз.

*Аёлни улуғламоқ — оилани,
Ватанни, ҳаётни улуғла-
моқ демакдир.*

Ислом КАРИМОВ

Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажакимизни қураётганда беқийс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғам-хўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Ишонаманки, бундан буён ҳам ота-боболаримиздан қолган, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, бугунги кун талабларига ҳам жавоб берадиган эзгу анъаналарга содиқ бўлсак, Аллоҳ таолонинг ўзи бизга инъом этган миллий ўзлигимизни қайтадан тикласак, бу билан доимо ғурурланиб, айни вақтда шу эътиқодимизга масъул бўлиб яшасак, иншооллоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Қани энди, шу оддий ҳақиқатни инсоф ва диёнатни унутган, халқимизнинг асл табиатига зид бўлган турли нопок ишларга қўл ураётган кимсалар ҳам тушунса!..

Бунинг учун эса ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш,

иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгида шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд-прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди.

Фуқароларимиз тафаккурида ана шу олий туйғуларни тарбиялаш, **яъни бошқача айтганда, инсонга инсонлигини англатиш** — бизнинг мафкура ва маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмунига айланиши керак.

Мана шуларнинг барчасини эътиборга олиб, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ҳаётимизда оиланинг ўрни, маъно-моҳияти, таъсирини кучайтириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни келгусида ҳам аямаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз Янги йил арафасида турибмиз. Бошлаган ижобий ишларимизни Янги йилда ҳам изчил давом эттиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бизнинг белгилаб олган буюк мақсадларимиз ва улуғвор режаларимиз, олға қараб қўяётган қадамларимиз бир-бири билан узвий боғлиқ. Бугун тараққиёт ва фаровонлик йўлида амалга ошираётган ишларимиз эртанги ёруғ кунимизнинг пойдеворидир.

Биз Янги йилдаги вазифаларимизни белгилар эканмиз, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланиш режаларини тузар эканмиз, эришган ўсиш суръатларимиз келгуси йилда бу

Аёлларга имкон қадар алиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим.

Амир ТЕМУР

йилгига нисбатан янада юксак ва самарали бўлишига, халқимизнинг эртанги турмушини янада ёруғ қилишга интиламиз.

Қадрли дўстлар!

Мен 1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ўйлайманки, мана шу залда ўтирганлар ҳам, бутун халқимиз ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг сабаби нимада?

Аввало, бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўп-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. **Чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.**

Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Мен инсонни инсон қиладиган ҳам, майиб-мажруҳ, бахтиқаро қиладиган ҳам оиладир, деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб айтиш мумкинки, **Худонинг марҳамати билан оилани оила қиладиган зот — бу Аёлдир.**

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Чиндан ҳам, аёлларимизнинг оилада тутган ўрни беқиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг

ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда “муқаддас” деган сўзга энг муносиб зот ҳам — Онадир.

Онани эъзозлаш — бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, **ҳаёти-мизнинг чироғи, умримизнинг гули** деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдуллажон Орипов айтганидек:

*Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.*

Муҳтарам дўстлар!

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда Аёлни фариштага қиёс қилишади. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл — аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу, ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Аввал айтганимдек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Шундай экан, ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қилади, ким уни Ватанга, халққа садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказади?

Албатта, халқ тақдири, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қилар эканмиз, аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг

жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Албатта, шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилишимиз керак.

Азиз юртдошларим!

Ишончим комилки, Янги йилимизни мунис ва дилбар аёлларимиз тимсолида Нафосат йили, Гўзаллик йили, Меҳр-муҳаббат йили деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва тус беради, маънавий ҳаётимизда янги муҳим босқич бўлиб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

1. Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадида, 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан Республика комиссияси тузилсин.

2. Республика комиссиясига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан бирга бир ой муддатда мазкур Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилсин. Дастурни тайёрлашга етакчи олимлар, мутахассислар, кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинсин ва дастур лойиҳаси кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилсин.

3. Тадбирлар дастурида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилсин:

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилиши ва маданий қурилишда, жамиятни маънавий ва демократик янгилашда уларнинг ролини оши-

ришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

— оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— оилада, қулай маънавий-ахлоқий оилавий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш;

— иқтисодий ўзгартиришлар ва ислоҳотларда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш;

— аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат қонунлари ҳамда бошқа қонунчилик ва ҳуқуқий нормалар амалга оширилиши устидан мониторинг тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш;

— давлат ҳокимияти органлари бошқаруви, жамоат ўзини ўзи бошқарув органлари, корхоналарни бошқариш тузилмаларида, ноҳукумат ташкилотларида, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларда хотин-қизлар ролини ошириш;

— гендер муаммоларини илмий ва ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларда ва жамиятни ривожлантиришда аёлларнинг ролини ошириш.

4. Давлат, нодавлат ва ҳудудий ҳокимият ва бошқарув тузилмалари юқорида айтиб ўтилган дастурни тайёрлашда Республика комиссиясига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 декабрь.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДАГИ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА 1999 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИНГ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Хотин-қизларнинг ижтимоий ва моддий аҳволини янада яхшилаш, уларнинг оила ва жамиятдаги ролини кучайтириш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этиши учун шароит яратиш мақсадида, шунингдек кишилар онгида ҳамда жамиятимиз ҳаётида юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш бўйича:

хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат, жамият ва маданий қурилишдаги, жамиятни демократик ва маънавий янгилашдаги ролини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга;

хотин-қизлар манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий меъёрларнинг амалга оширилиши мониторингини ишлаб чиқиш ва таъминлашга;

хотин-қизларнинг барча даражалардаги бошқарув тузилмаларидаги ролини ошириш, хотин-

қизларнинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида, ноҳукумат ташкилотларида ва жамоат бирлашмаларида фаол иштирок этиши учун шароит яратишга;

оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашни, жисмоний тарбияни ривожлантиришни, маълумот даражасини оширишни таъминловчи шароитни вужудга келтиришга;

хотин-қизларнинг оиладаги, оилада мақбул маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, болалар тарбияси учун шароит яратишдаги, моддий-маиший турмуш шароитини вужудга келтиришдаги мақоми ҳамда ролини оширишга;

хотин-қизларнинг иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда фаол қатнашувини таъминлашга;

гендер муаммоларини, шу жумладан ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларда ҳамда жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантиришда хотин-қизлар ролини ошириш муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришга йўналтирилган 1999 йилга мўлжалланган тадбирлар Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ҳамда идоралар томонидан хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш бўйича тегишли минтақавий ҳамда тармоқ тадбирлари дастурларининг лойиҳалари ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин; бу лойиҳалар Давлат дастури параметрларидан келиб чиқиб аниқлаштирилади ҳамда белгиланган тартибда қабул қилинади.

Вазирликлар ва идоралар, ҳудудий бошқарув органлари, ноҳукумат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари Давлат, ҳудудий ва тармоқ дастурларида кўрсатилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, концернлар, корпорациялар ва компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш бўйича тегишли тадбирлар дастурлари бажарилишининг боришини ҳар чоракда ўз мажлисларида манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда кўриб чиқсинлар. Чоракдан кейинги ойнинг 5 кунига қадар Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир чорак якуни бўйича ҳисобот даврида Давлат дастури топшириқларининг бажарилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этилсин.

4. Ишни мувофиқлаштириш ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш бўйича тадбирлар Давлат дастурининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 декабрдаги РҚ-919 сонли Фармойиши билан тузилган Республика Комиссияси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг оилани, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш ҳамда ижтимоий ривожланиш комплекслари котибиятлари Республика Комиссиясининг ишчи органи деб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзтелерадио, Ўзбекистон Миллий ах-

борот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялаш бўйича 1999 йилга қабул қилинган тадбирлар Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамиятини кенг тушунтиришни таъминласинлар.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т.Султоновга юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раиси

И.КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1999 йил 18 февраль
№ 73*

**Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг
ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

T/p №	Тадбирларнинг номи	Бажариш муддати	Масъул ижроочилар	Амалга оширишдан қутилган натижа
1	2	3	4	5

1. Хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат, жамият ва маданий қурилишдаги, жамиятга маънавий ва демократик янгилашдаги ролини оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига амалий шарҳлар тайёрлаш ва эълон қилиш
IV чорак
Судьялар уюшмаси, Адлия вазирлиги, "Адолат" нашриёти
Қонуннинг бажарилишини таъминлаш
- 1.2. Хотин-қизлар манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Халқаро меъёrlарга мувофиқ ҳолга келтириш соҳасидаги ишни давом эттириш
Йил давомида
Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Олий суд, Адлия вазирлиги, хотин-қизлар қўмитаси
Қонунларни ва меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш
- 1.3. Хотин-қизлар, балоғатга етмаганлар, пенсионерлар (қариялар) ва ногиронларнинг ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро

ТИВ, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази, Амалдаги қонун-
Қонунларни ва меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш

1	2	3	4	5
	ро шартномаларга қўшилишга оид ҳужжатларни ишлаб чиқишни давом эттириш		чилик мониторингинг институт	
1.4.	Алиментлар ундиришга оид ишлар соҳасида суд амалиётини ўрганиб, Олий суд Пленумига мазкур тоифадаги ишларнинг кўриб чиқилиши сифатини ва суд қарорларининг реал ижросини яхшилашга кўмаклашувчи тақлифларни киритиш	сентябрь	Прокуратура, Адлия вазирлиги, Судьялар уюшмаси, Олий суд	Аёллар ва болаларнинг алимент олиш ҳуқуқларини тўла таъминлаш
1.5.	Хотин-қизлар ва балоғатга етмаганлар орасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тадбирлари Дастурини амалга оширишни давом эттириш	йил давомида	Прокуратура, ТИВ, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳокимликлари, "Нуроний", "Қамолот", "Маҳалла" жамғармалари	Балоғатга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайиши
1.6.	Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига оид қонун кафолатларини акс эттирувчи тушунарли юридик маълумотнома нашр этиш	IV чорак	Адлия вазирлиги, Судьялар уюшмаси, хотин-қизлар қўмитаси, Давлат Матбуот қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази	Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан аҳолининг хабардорлигини ошириш
1.7.	Меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ва хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиш тўла ёки қисман тақиқланадиган ишлар	IV чорак	Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қасаба уюшмалари Федерацияси	Хотин-қизлар саломатлигини ва меҳнатини ҳимоя қилишни яхшилаш

ни таҳдид этиш ва уларнинг янги рўйхатини тасдиқлаш

рацияси Кенгаши, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Адлия вазирлиги

- 1.8. Меҳнат шaroитлари алоҳида зарарли ва алоҳида оғир айрим турлардаги ишларда банд бўлган хотин-қизлар учун қўшимча имтиёзлар беришга оид тақлифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига топшириш

февраль
Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Адлия вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси
Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояланишини яхшилаш

- 1.9. 3 ёшга етмаган болалари бўлган ва бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда 1 соат қисқартирилган иш куни (ўқув соатларидан ташқари) ҳуқуқини беришга оид тақлифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига топшириш

II чорак
Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси
Болаларни тарбиялаш учун шароит яратиш

- 1.10. Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида:

— белгиланган меҳнат стаж мавжуд бўлган тақдирда аёлларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқини бериш; ишловчи аёллар ёши бўйича пенсияга чиққандан

I чорак
Ижтимоий таъминот вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси
Хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш, аёлларнинг манфаатлари, пенсия олиб, пенсия ёшини қайта кўриб чиқиш

1	2	3	4	5
---	---	---	---	---

кейин, агар улар ўрта ва кичик тиббиёт ходими, провизор, ногирон болалар интернат уйларида, "Меҳрибонлик" уйларида тарбиячи бўлиб, шунингдек кутубхоначи бўлиб ишласа ҳамда пенсияга чиқилган аввал мажбур ихтисослар бўйича камида 10 йил иш стажига эга бўлса, тўла ҳажмда пенсия олиш ҳуқуқини сақлаб қолишни назарда тутиб, тақлифлар тайёрлаш

1.11.

Ўқув юртларида аёллар ва талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича етакчи юристлар ва амалиётчи муҳассисларни жалб этиб ойлик машғулотлар уюштириш

йил давомида

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги

Ҳуқуқий билимларни яхшилаш

1.12.

Хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини тартибга солувчи қонунларни амалда татбиқ этишга оид тақлифлар тайёрлаш, Олий суд пленумида суд амалиёти натижаларини муҳокама қилиш ва заруриятга қараб қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида тақлифлар тақдим этиш

йил давомида

Омбудсман, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази, "Ижтимоий фикр" маркази, "Оила" республика илмий-амалий Маркази, Адлия вазирлиги, Олий суд

Хотин-қизлар ва болаларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари таъминланишини яхшилаш, қонунларни ва уларнинг татбиқ этилишини тақомиллаштириш

II. Хотин-қизлар манфаатлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган халқаро, давлат ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш мониторингни тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш

- | | | | |
|---|---|---|---|
| 2.1. Ўзбекистон Республикасида оналик ва болалик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияларни амалга ошириш юзасидан миллий маърузалар тайёрлаш | Инсон ҳуқуқлари бўйича, Миллий марказ тартиби бўйича йилнинг I-III чораги | Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторингини институти, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" маркази, "Оила" республика илмий-амалий маркази, Вазирликлар, идоралар | Имзоланган халқаро конвенциялар республикада қандай бажарилаётганлиги тўғрисида халқаро жамоатчиликни кенг хабардор қилиш |
| 2.2. Аёллар ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон қонунлари ва унинг халқаро мажбуриятлари амалда бажарилишининг доимий мониторингини таъминлаш ва Олий Мажлиста таклифлар тайёрлаш | Йил давомида | Омбудсман, Амалдаги қонунчилик мониторингини институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" маркази, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, ҳамма ҳокимликлар | Хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларга риоя этилишини яхшилаш |
| 2.3. Пекинда бўлган Жаҳон хотин-қизлар анжуманида қабул қилинган ҳаракат платформасини бажариш бўйича Миллий ҳисобот тайёрлаш | I чорак | Хотин-қизлар қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Макрониктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги | Хотин-қизлар аҳолини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш |
| 2.4. "Хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида мил- | IV чорак | Омбудсман, Амалдаги қонунчилик мониторингини | Мониторингини ташкил қилиш ва унинг самардорлиги |

1	2	3	4	5
	лий мониторинг самардорлиги муаммолари" мазмунида халқаро анжуман ташкил қилиш ва ўтказиш		институт, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" жамғармаси	ни ошириш юзасидан тажриба алмашиш
2.5.	Минтақаларда хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга риоя этилиши бўйича мониторинг тизimini яратиш туғрисида таклифлар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш	I чорак	Омбудсман, Хотин-қизлар кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Амалдаги қонунчилик мониторинг институти	Мониторинг тизимини яратиш
2.6.	Хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва маҳаллий органлар амалий фаолиятини кўриб чиқиш ва уни яхшилаш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш	I чорак	Омбудсман, Олий суд, прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Судьялар ассоциацияси, ҳама ҳокимликлар	Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш
2.7.	Турмуш шароити қийин бўлган (ёлғиз, аҳрашган, ногирон, кекса аёллар ва ҳ. к.) аёлларнинг меҳнат билан бандлиги ва ижтимоий таъминланиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш	II чорак	Омбудсман, Меҳнат вазирият, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Амалдаги қонунчилик мониторинг институти, Ногиронлар жамияти, ҳама ҳокимликлар	Ёрдамга муҳтож хотин-қизларга ижтимоий хизмат кўрсатиш чоралари тизимини ишлаб чиқиш

- | | | | | |
|------|---|--------------|---|---|
| 2.8. | Жазони ўташ муассасаларида қонунчилик бажарилишининг, маҳкум этилган хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя қилиниши қандай таъминланаётганини кўриб чиқиш ва тузатиш йўлига ўтган хотин-қизларга нисбатан инсонпарварлик ақтини чиқариш бўйича тақлифлар тайёрлаш | III чорак | Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Прокуратура, тин-қизлар ҳуқуқларига риоя Адлия вазирлиги, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонунчилик мониторингинг институт | Жазони ўташ жойларида хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш |
| 2.9. | Жазони ўташ жойларида хотин-қизлар бандлигининг аҳолини таҳлил қилиш ва уларни иш билан таъминлаш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш | II чорак | Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Тадбиркор аёллар уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси | Жазони ўташ жойларида хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш |
| 2.10 | Жамиятда хотин-қизларнинг аҳоли бўйича мунтазам социологик тадқиқотлар ўтказиб туриш | Йил давомида | "Ижтимоий фикр" маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, "Оила" маркази, ҳамма ҳокимликлар | Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш |
| III. | Барча даражадаги бошқарув тузилмаларида хотин-қизларнинг ролини ошириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларида, нодавлат ташкилотларида ва жамоатчилик бирлашмаларида хотин-қизларнинг фаол иштироки этишлари учун шарт-шароит яратиш | | | |

- 3.1. Жамоатчилик ўзини-ўзи бошқариш, Хотин-қизлар
сиёсий ўзлтигини англаш; жамият ҳаёти- кўмитаси тас-
си, Қорақалпоғистон Рес- хотин-қизлар кўмита-
Хотин-қизларни жамоатчи- лик ҳаётида фавол иштирок
Хотин-қизлар этиштига тайёрлаш. Хотин-қиз-

1	2	3	4	5
---	---	---	---	---

нинг барча соҳаларида тендер балансига риоя қилиш; хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводини ошириш ва уларнинг барча даражадаги ваколатли ҳокимият органлари сайловларида фаол иштирок этишлари масалалари бўйича зонал ва минтақавий семинарлар ўтказиш

3.2. Хотин-қизларнинг жамоатчилик ва сиёсий фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

Семинарлар тавсиясига мувофиқ йил давомида

Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлардаги хотин-қизлар қўмиталари, "Маҳалла" жамғармаси, хотин-қизлар ИИЧБ

Ҳозирги замон жамиятида хотин-қизларнинг ролини ошириш

3.3. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг хотин-қизларни касаба уюшмаси тузилмаларига кўтариш, касаба уюшмаларидаги хотин-қиз ходимлар ва етакчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатиш

Йил давомида

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазириликлар, идоралар ва иш берувчилар, Хотин-қизлар қўмитаси

Хотин-қизларнинг мақомизирлиқлиги, идоралар ва ни ошириш

3.4. Раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун кадрлар захирасини яратиш мақсадида, шу жумладан чет элларда ҳам хотин-қиз-

Ишлаб чиқиш—I чорак. Амалга оши-

Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, "Оила" РИАМ,

Хотин-қизларни фаоллигини оширишга тайёрлаш

- | | | | | |
|-------|---|---------------|---|--|
| 3.5. | Хотин-қизларнинг барча даражадаги ваколатли ҳокимият органларида ишти-
рок этиши бўйича таклифларни ишлаб
чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш | I ярим йиллик | Хотин-қизлар кўмитаси,
Адлия вазирлиги, Фанлар
академияси | Хотин-қизларнинг жамият
ҳаётидаги мақоми ва фаоли-
тини ошириш учун шарт-ша-
роитлар яратиш |
| 3.6. | Минтақаларнинг қишлоқ жойларида
“бизнес-мактаблар”га мактабни тутатган
қизларни кенгроқ жалб қилиш | Йил давомида | Қорақалпоғистон Рес-
публикаси Вазирлар Кен-
гаши, вилоятлар ҳоким-
ликлари, Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги,
Қишлоқ хотин-қизлар ас-
социацияси, Товар ишлаб
чиқарувчилар ва тadbир-
корлар палатаси | Қизларни тadbиркорлик фа-
олиятига тайёрлаш |
| 3.7. | А. Фитратнинг “Ойла ёки оила бош-
қариш тартиблари” асарини нашр қилиш | III чорак | Ўзбекистон Республика-
си ФА | Ойлага болалар тарбиясида
услубий ёрдам кўрсатиш |
| 3.8. | Хотин-қизлар учун энциклопедия
нашр этиш | IV чорак | “Ўзбекистон миллий эн-
циклопедияси” нашриёти | Хотин-қизларнинг билими-
ни ошириш |
| 3.9. | Олим аёлларга бағишланган китоб ва
рисолалар нашр этиш | Йил давомида | Давлат матбуот кўми-
таси | Ўсиб келаётган авлодни го-
явий тарбиялаш |
| 4.10. | Ўзбек хотин-қизларининг оиладаги,
ҳақида балий ва ҳужжатли кино-видео-
фильмлар яратиш | Йил давомида | “Ўзбеккино” ДАК | Ўсиб келаётган авлодни ах-
лоқий-маънавий тарбиясини
яхшилаш |

1	2	3	4	5
3.11.	Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги мукофотларни таъсис этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш: * Ноҳирабегим — хотин-қизларнинг адабиёт ва санъатдаги буюк хизматлари учун * Гулбаданбегим — хотин-қизларнинг фан ва жамоатчилик фаолиятидаги буюк хизматлари учун * Гавҳаршодбегим — хотин-қизларнинг меъморчилик ва ҳайкалтарошлик соҳасидаги буюк хизматлари учун * Зулфия — ёш истеъдодли шоиралар учун	I чорак	Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Молия вазирлиги, “Қамолот”, “Умид”, “Улуғбек” жамғармалари, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази	Хотин-қиз ижодий ҳодимларнинг хизматларини рағбатлантириш ва мукофотлаш
3.12.	Тошкент шаҳрида 1999 йил 3-4 март кунлари “Ўзбекистон хотин-қизлари ижоди” миллий фестивалини ўтказиш	март	Ўзбекистон Бадий академияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, Давлатбу-отқум	Хотин-қизлар ижодини тарғиб қилиш
3.13.	Ушбу мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказиш: — “Хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятининг ҳозирги ҳолати ва уни янада ошириш йўллари”	I чорак	Адлия вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, вазирликлар ва идоралар	Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий саводини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш

- "Ахлоқ ва аёл", "Фан, маданият ва жамият ривожига аёлларнинг роли"
- I чорак
- Маданият ишлари ва- зирлиги, вазирликлар ва идоралар, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази
- Мустақиллик шароитида хотин-қизларнинг ахлоқий им- кониятини ошириш, хотин- қизлар имконияти ўсишининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий- маънавий омилларини белги- лаш
- "Хотин-қизларнинг миллий (шарқ- она) анъаналар ва урф-одатларнинг шаклланишидаги роли ва ўрни"
- III чорак
- Маданият ишлари ва- зирлиги, вазирликлар ва идоралар, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази
- Миллий қадриятларни яра- тишда ва ривожлантиришда хо- тин-қизларнинг ўрни ва роли- ни белгилаш
- 3.14. Хотин-қизларнинг демократик жами- ятдаги ҳуқуқлари ва ўрни масалалари бўйича доимий амал қилувчи семинар- лар ташкил этиш
- II чоракдан бошлаб
- Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари феде- рацияси Кенгаши, Олий риш таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, вазир- ликлар ва идоралар
- Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимлари даражасини оши- риш
- 3.15. Маҳалла хотин-қизлар кенгашлари ишлаши учун хоналар ажратиш ва ша- роит яратиш
- Йил давомида
- "Маҳалла" жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ҳокимликлар
- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларида хотин- қизларнинг фаол ишлашлари учун қулай шароитлар яратиш

Т/р №	Тадбирларнинг номи	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Харажатлар (млн сўм)	Маблағ билан таъминлаш манбалари	Амалга оширишдан кутилган натижа
-------	--------------------	-----------------	------------------	----------------------	----------------------------------	----------------------------------

IV. Оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбияни ривожлантириш, таълим даражасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш

- 4.1. "Она ва бола скрининги" маркази дастури тадбирларини амалга ошириш

Йил давомида "Она ва бола скрининги" маркази дастури тадбирларини амалга ошириш	"Соғлом авлод учун" 760 минг АҚШ доллар масъул ижрочилар сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Она ва бола скрининги" маркази, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳокимликлари
--	---
- 4.2. Хотин-қизларнинг соғлиғини яхшилаш, фертил ёшдаги аёлларда ва ўсимирларда силни барвақт аниқлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш

Йил давомида Хотин-қизларнинг соғлиғини яхшилаш, фертил ёшдаги аёлларда ва ўсимирларда силни барвақт аниқлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси Хотин-қизлар қўмитаси Бюджет маблағлари 40,0 71,9 минг АҚШ доллар 4,83
--	--
- 4.3. Қурилишни тугаллаш: акушерлик ва гинекологик илмий-текшириш

IV чорак Қурилишни тугаллаш: акушерлик ва гинекологик илмий-текшириш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бюджет маблағлари 110,0
---	--

Хомиладорлик ва ҳомила ривожланишининг ilk босқичларида ногирон болаларнинг туғилишини аниқлаш ва олдини олиш

Хотин-қизлар ва ўсимирларнинг саломатлигини яхшилаш

Бюджет маблағлари—420 минг АҚШ доллар, "Соғлом авлод учун" жамғармаси маблағлари—340 минг АҚШ доллар

Бюджет маблағлари
 "Соғлом авлод учун" жамғармаси маблағлари ФТДҚ дастури доирасидаги бюджет маблағлари
 Халқаро жамғармалар, ташкилотларнинг техник ёрдами

Болаларни соғломлаштириш шарт-шароитлари

ни яхшилаш, чақалоқларнинг касалликларини барвақт аниқлаш

институту поликлиники;	IV чорак	Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги	584,0	Бюджет маблағлари, чет эл кредитлари	ни яхшилаш, чақалоқларнинг касалликларини барвақт аниқлаш
4.4. Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида 75 ўринли "Она ва бола" санаторийсини ишга тушириш	II чорак	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	50,0	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва имкониятларини яхшилаш
4.5. "Қашқадарё соҳили" санаторийсида клуб, ошхона ва физиотерапия корпуси қурилишини тугаллаш	II чорак	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги	50,0	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва имкониятларини яхшилаш
4.6. "8 Март" санаторийсида даволаш диагностика қурилишини бошлаш	IV чорак	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси	25,0	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва имкониятларини яхшилаш
4.7. "Турон" санаторийсида хотин-қизларни миокрд инфарктдан кейин	IV чорак	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	60,0	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва имкониятларини яхшилаш

1	2	3	4	5	6	7
	даволаш учун корпус ва спорт-соғломлаштириш мажмуини қуриб фойдаланишга топшириш		ши, "Ўзкурортлар" бошқармаси			кониятларини яхшилаш
4.8.	Жисмоний касалликлар билан оғриган беморларни қайта тиклаш бўйича 150 ўринли бўлимини ишга тушириш, "Ботаника" санаторийсида спорт-соғломлаштириш мажмуини қуриб, фойдаланишга топшириш	IV чорак	Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси	90,0	Касаба уюшмалари маблаглари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва им-кониятларини яхшилаш
4.9.	Хоразм вилоятида "Хонқа" кўп тармоқли санаторий қурилишини амалга ошириш	IV чорак	Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги	40,0	Касаба уюшмалари маблаглари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва им-кониятларини яхшилаш
4.10.	"Оқтош" санаторийсида нафас йўллари касалликларига чалинган хотин-қизлар учун даволаш корпуси қурилишини бошлаш	IV чорак	Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси	25,0	Касаба уюшмалари маблаглари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва им-кониятларини яхшилаш

4.11.	Қасаба уюшмалари санаторийларида фаолият юритаётган "Она ва бола" бўлимларида 4612 нафар аёл ва болаларни соғломлаштириш	Йил давомида	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси	114,4	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва им-кониятларини яхшилаш
4.12.	"Бўстон" санаторийсида гинекология касалликлари билан оғриган хотин-қизларни соғломлаштириш учун 105 ўринли бўлим (мавжудларини қайта ихтисослаштириш ҳисобига) ташкил этиш	Йил давомида	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси	12,0	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва им-кониятларини яхшилаш
4.13.	Қўп болали, кам таъминланган ва ёлғиз аёллар фарзандларининг соғломлаштириш лагерларида bepул дам олишини таъминлаш	Ёз мавсумида	Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзкурортлар" бошқармаси	526,0	Қасаба уюшмалари маблағлари	Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шароитлари ва им-кониятларини яхшилаш
4.14.	Қамқонлик хасталигидан азият чекувчи хотин-қизларга мурувват тариқасида шифобахш ва озиклантирувчи "Гематоген" препарати берилишини ташкил этиш	Йил давомида	"Экосан", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Эколот" ҚҚ, "Наврўз" жамғармаси, Болалар жамғармаси	5,0	Ижрочилар ва ҳомийлар маблағлари	Қамқонлик хасталигидан азият чекувчи аёлларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш

1	2	3	4	5	6	7
4.15.	Хотин-қизлар орасида ногиронликнинг олдини олиш бўйича яхлит ташкилий техник ва санитария-гигиеник тадбирларнинг ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	Ишлар чиқиш — III чорак, амалга ошириш — графика муддатларига мувофиқ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазилиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, иш бевчилар рувчилар			Хотин-қизлар ногиронлигини камайтириш
4.16.	Туғиши хатарли ҳомиладор аёллар ўртасида касалликни ва ўлимни камайтиришга ёрдам берувчи тадбирларни ишлаб чиқиш	IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, АГИТИ (НИИАИГ)	1,93	ФТДҚ дастурлари доирасидаги бюджет маблағлари	Ўзбекистон Республикасида оналик касаллиги ва ўлимнинг олдини олиш ва уни камайтириш йўллари
4.17.	Тугруқхоналарга, болалар ва табибёт муассаларида суз биозлектрактиваторларини бепул etkazиб беришни таъминлаш	“Эсперо” лойиҳасига мувофиқ муддатларда	“Экосан” Халқаро жамғармаси	7,0	“Экосан” жамғармаси маблағлари	Сариқ касал (гепатит) ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш
4.18.	Аёллар саломатлигини жисмоний тарбия воситалари билан мустаҳкамлаш дастурларини ишлаб	III чорак	Давспортқўм, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси, “Соелом авлод учун”	5,0	Ижрочилар маблағи	Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний ривожлантириш

чиқиш ва амалга ошириш	Ил давомида	Давспортқўм, Мехнат вазири, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Фанлар Академияси, “Соғлом авлод учун”, “Экосан”, “Маҳалла” жамғармалари	3,5	Ижрочилар маблаг	Аёлларни жисмонан ривожлантириш
4.19. Ёши ва фаолият турини ҳисобга олган ҳолда аёлларнинг мустақил машғулотлари учун жисмоний машқларнинг оммабоп мажмуа шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш					
4.20. Миллий ўйинлар ва спорт турлари бўйича “Тўмарис” хотин-қизлар фестивалини ўтказиш, тақвим режасига мувофиқ аёллар ўртасида ҳам	Д а в л а т спорт кўмитасининг митасининг тақвим режасига мувофиқ	Давлат спорт кўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси	3,2	Ажратилган маблағлар доирасида, ҳомийлар маблағи	Хотин-қизларни соғломлаштириш ва миллий спорт турларини тарғибот қилиш, ногирон аёлларга диққат-этиборни кучайтириш
4.21. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёш оилаларни тиббиёт билимлари (ёш оналар, янги туғилган ва кўракдан ажралмаган болалар касалликларининг олдини олиш мақсади) даражасини оширишни ташкил этиш	Ил давомида	Соғлиқни сақлаш вазири, “Соғлом авлод учун” жамғармаси, “Оила” тиббиёт маркази, “Оила” РИАМ	0,15	“Соғлом авлод учун” жамғармаси, “Оила” маркази маблағлари	Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

- 4.22. Ўзбекистон Республикаси тиббий ижтимоий маркази дастурини кенгайтириш

V. Оилала қулай маънавий-ахлоқий муҳитни, болаларни тарбиялаш шарт-шароитларини, моддий-маиший турмуш шароитларини шакллантиришда аёлларнинг мақоми ва ролини ошириш

- 5.1. "Ўзбек аёли", "Аёл маънавияти", "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

- 5.2. XIV—XX асрлар аёл ижодкорларининг асарларини нашр қилиш ва Ўзбек халқининг машҳур аёллари Бибиноним, Но-дирабегим, Зебуннисо, Увайсий ва бошқаларга бағишланган асарлар

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси, "Сен мукаддассан, аёл" руқни остида телекурсагулар, очерклар ва мақолалар, бадий асарлар, плакатлар, тасвирий санъат асарлари танловини ўтказиш.

5.3.	туркумларини чиқариш ҳамда улар номларини абадийлаштириш	Йил давомида	“Ўзбекино” ДАК	120	Назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида	Ўсиб келаётган авлодни мафкуравий тарбиялашни яхши-лаш
5.4.	“Аёл”, “Аёллар санъати”, “Булут ортидаги ой” бадиий фильмлари яратилишини амалга ошириш	Йил давомида	“Ўзбекино” ДАК	5,4	Назарда тутилган бюджет доирасида	Аёллар мақомини ошириш
5.5.	“Ойла кутубхонаси” туркумидати китобларни нашр қилиш	Йил давомида	Давлат Матбуот қўмитаси, “Ойла” РИАМ	17,5	Ижрочилар маблағлари	Ёш авлодни тарбиялаш
5.6.	Биринчи синфлар ўқувчиларини бепул дарсликлар, ўқув анжомлари тўпламлари ва кам таъминланган оилалардаги бошлангич синфлар ўқувчиларини мўлжалли қўлаб-қувватлашни таъминлаш	Йил давомида	Халқ таълими вазирилиги, Молия вазирилиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	3500	Маҳаллий бюджетлар маблағлари	Оилаларни моддий қўлаб-қувватлаш

1	2	3	4	5	6	7
5.7.	Қишлоқ жойлардан келиб олий ўқув юртлири, ўрта махсус ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицейлари таълим олаётган қизларга ётоқхоналарда бепул асосда жой бериш	1999 йил 1 сентябрдан бошлаб	Олий таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ўқув юртлирига эга бўлган вазириликлар ва идоралар	0,3	Ажратилган маблағлар доирасида	Қишлоқ қизларининг ўқиш шароитларини яхшилаш ва моддий қўллаб-қувватлаш
5.8.	“Аёлнинг оила ва жамиятдаги роли” маъносида илмий конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва йиғилишларни ташкил қилиш	Йил давомида	“Маънавият ва маърифат” республика жамоатчилиқ маркази, “Наврўз” хайрия жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, “Оила” илмий-амалий маркази, “Маҳалла” жамғармаси	5	Ижрочилар маблағлари доирасида	Аёлларнинг оила ва жамиятдаги мақомини ошириш

5.9. Аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни маънавий қўллаб-қувватлашни амалга ошириш бўйича қуйидаги тадбирларни ўтказиш:

Аёлларни ва аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий қўллаб қувватлаш

кам таъминланган оилалар ва болалари 16 ёшга етмаган оилаларни;	“Маҳалла” жамғармаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	28 790	Бюджет маблағлари
миллий байрамлар кунларида кўп болали оилалар, кам таъминланганлар, ёлғизлар ва болаларни;	“Ўзбексавдо” АК, “Ёрғойтамақисаноат”, ҳокимликлари	66,5	Ижрочилар маблағлари
бевалар, кўп болали ногирон аёллар, кексалар ва боқувчисиз қолганлар, шунингдек, қариндошларининг етим болаларини тарбияловчиларни;	“Наврўз”, “Меҳр-шафқат” жамғармалари ва бошқа хайрия жамғармалари	20,0	Жамғармалар маблағлари
боласи 2 ёшга етгунга қадар болага қараётган ишламаётган оналарни;	“Маҳалла” жамғармаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	11872,3	Бюджет маблағлари
боласи 2 ёшга етгунга қадар болага қараётган ишловчи оналарни;	Вазирликлар ва идоралар, иш бевуричлар	16 900	Бюджет, корхоналар ва ташкилотлар маблағлари

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

Аёллар турмуш шароитларини яхшиловчи товарлар ишлаб чиқариш ва сотишни рағбатлантириш

Молия вазирлиги, ДСК, товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси

I чорақ

5.10. Қуйидагилардан 5 йилга озоқ қилиш тўғрисидаги таклифни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш:

— мулкчилик шаклидан қатъи назар, болалар ассортименти товарлари ва аёллар гигиенаси ашёларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни, агар улар 1998 йил база даражадан 15 фоиз паст нархларни қўласалар, барча турдаги солиқлардан;

— 75 фоиздан ортиқ товар айланиши болалар товарлари ассортименти ва аёллар гигиенаси ашёларини сотадиган ихтисослашган савдо корхоналари, агар уларнинг нархдаги рентабеллик даражаси 10 фоиздан ошмаса, даромад солиқларини тўлашдан.

- | | | | | | | |
|-------|--|---|--|-------|-------------------------------------|---|
| 5.11. | “Буюк келажак — 2000” хайрия телемаркетининг ўқашини ва маб-лағ тўплаш мақсадида унинг лотерея билетларини чиқариш | 1999 йил
21 мартдан
2000 йил
март
ойигача | Халқ таълими вазирлиги, Ўзгелерадио, “Наврўз” жамғармаси, Халқ банки, Молия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар | 20,0 | Ижрочилар маб-лағлари | Раҳм-шафқат ва сийлиқ аъналарини тарғиб қилиш |
| 5.12. | “Меҳрибонлақ” уйлариди тарбияланаётган етим болалар аҳолини ўрганиш, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш талбирларини амалга ошириш, шунингдек, “СОС-болалар маҳаллари”да ишлаш учун тарбиячиларни тайёрлаш | Йил
давомида | “Соғлом авлод учун” жамғармаси, “СОС-болалар маҳаллари” уюшмаси, Болалар жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси | 1,0 | Ижрочилар маб-лағлари | “Меҳрибонлақ” уйлари битириб чиқувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиладди. |
| 5.13. | “Инсон манфаатларини” дахалиқ хайрия лотереясини чиқариш ва олинган маблағларни болалар тарбияси, оила ва аёллар манфаатлари учун ердам кўрсатишга йўллаш | Йил
давомида | “Наврўз” жамғармаси, “Файз” холдинг компанияси | 100,0 | Ижрочилар маб-лағлари | Аҳолининг кам таъминланган табаккаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш учун 250 млн. сўм тўплаш |
| 5.14. | “Аёллар соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг оила | II чорак | Касаба уюшмаси Федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси | 0,65 | Касаба уюшмаси Федерацияси маб-лағи | Аёлларнинг соғлиғи, меҳнатини муҳофаза қилиш, |

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

ва жамиятдаги мавқеи-
ни оширишда қасаба
уошмаларининг роли ва
ўрни" мавзuida халқаро
илмий-амалий конфе-
ренция ўтказиш

уларнинг оила ва
жамиятдаги мавқеи-
га доир билимлари-
ни кенгайтириш

5.15. Қўп болади оналар ва
ногирон аёлларни уйда
бажариладиган ишларга
жалб қилиш тадбирла-
рини ишлаб чиқиш ва
амалга ошириш

Йил
давомида
Қорақалпоғистон
Республикаси Вази-
рлар Кенгаши, ҳоким-
ликлар, Меҳнат, Ижти-
моий таъминот вази-
рликлари, "Маҳалла"
жамғармаси

Иш берувчилар,
бандлик хизмати
жамғармаси маблағ-
лари
Иш билан таъ-
минлаш ва оила да-
ромадларини қў-
пайтириш

5.16. Вилоят, шаҳар, туман
хотин-қизлар қўмитала-
рининг моддий-техника
базасини мустаҳкамлаш

1 ярим
йилликда
Қорақалпоғистон
Республикаси Вази-
рлар Кенгаши, вилоят-
лар ва Тошкент шаҳ-
ри ҳокимликлари

Ҳомиёлар ва бюд-
жетдан ташқари иш шароитларини
жамғармалар маблағ-
лари
Ҳодимларнинг

22,0

VI. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг фаол иштирокини таъминлаш

Аёллар, айниқса қишлоқда яшайдиганлар учун янги иш жойлари яратиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва
рағбатлантириш устувор йўналиш деб ҳисоблансин. Шу мақсадларда:

6.1. Маблағ билан таъмин-
лашнинг барча манбала-

Йил
давомида
Қорақалпоғистон
Республикаси Вази-
р-

3000

Ҳокимликлар,
корхоналар, аҳоли
Аёлларни меҳнат
фаолиятига жалб

ри ҳисобига аёллар учун 100 минг иш ўринлари яратиш	лар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Меҳнат вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси	маблағлари, банк қилиш, уларнинг кредитлари, бюджетдан ташқари маблағлар тириш		
6.2. Фарғона вилоятининг Водил қишлоғида шойи тўқиш фабрикаси қуриш	I чорак	334,0	Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси	Аёллар учун иш жойлари яратиш
6.3. "Бизинтруд" лойиҳаси бўйича тикувчилик фабрикаси қурилишини амалга ошириш	II—III чорак	800	Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, Бизнес-фонд	Аёллар учун 800 иш жойи яратиш
6.4. Фарғона вилояти Бувайда туманидаги "Бахмал" фабрикасида аёллар учун 160 иш ўрни яратиш	I ярим йилликда	20	Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси	Аёллар учун 160 иш жойи яратиш
6.5. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятини бошлаган тадбиркор аёлларга фаолиятининг биринчи йилида 50 фоизлик имтиёзли тўлов лицензиялари белгилаш	II чорак		Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги	Аёлларни ЯМФга тортиш, уларнинг иқтисодий мақомини ошириш

1	2	3	4	5	6	7
6.6.	Ҳокимликлар томонидан яшашга мўлжалланмаган биналарни ижарага бериш шартномасини тузаётган пайда тadbиркор аёллар учун 30 фoиздан кам бўлмаган ижара квoтaси белгилaш	I чoрак	Шаҳар ва туман ҳoкимликлар			Tadbиркoрлик фaолиятига жалб этишни кучайтириш, биналарга жойлаштиришни энгиллаштириш
6.7.	"Ўзтадбиркoрбанк" ва "Зaмин" банки тизимидa аёллар кичик бизнеси учун микрокредитлар бeришни тaшкил этиш	Йил давoмидa	Дaвлат мулки қўмитаси, Тoвар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркoрлар пaлатаси, "Ўзтадбиркoрбанк", "Зaмин" банки	200	Ўзтадбиркoрбанк, "Зaмин" банки	Аёлларнинг тadbиркoрлик тaшaббусларини мoлиявий таъминлаш ва ривожлантириш
6.8.	Tadbиркoрларнинг йиллик "Тaшaббуc" тaнлови доирасидa "Ўзбекис-тон Рeспубликасининг энг яхши тadbиркoр аёли" гoлибини белгилaш	I чoрак	Дaвлат мулки қўмитаси, Тoвар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркoрлар пaлатаси, "Tadbиркoр аёл" уюшмаси	1	Ижрoчилар ва ҳoмиялар маблаг	Аёллар тadbиркoрлигини фaолаштириш
6.9.	Ўзбекис-тон Тoвар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркoрлар пaлатаси ҳузурида аёллар тadbиркoр-	I чoрак	Тoвар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркoрлар пaлатаси, "Tadbиркoр аёл" уюшмаси	0,1	Ижрoчиларнинг ўз маблаг	Аёллар тadbиркoрлигини ривожлантириш мониторинги, муaммoлар-

ни ечиш учун ама-
лий тадбирлар ва
тавсиялар ишлаб
чиқиш

лигини ривожлантириш
доймий комиссиясини
тузиш

6.10.	Ишсиз аёлларни ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкатларга айлантириш натижасида ишсиз қолган аёлларга ишлаб чиқариш фаолияти асосларини ўргатишни ташкил этиш	Йил давомида	"Тадбиркор аёл уюшмаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Меҳнат вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ҳокимликлар	20,0	Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси, Бизнес-фонд маблағлари	Тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни ривожлантириш, аёлларни иш билан таъминлаш даражасини кўчатириш
6.11.	Майнц Хунар палатаси (Германия) билан аёллар ихтисосини ўзгартириш ва малакасини ошириш қўшма лойиҳасини амалга ошириш	Йил давомида	"Тадбиркор аёл" уюшмаси	15,0	Майнц Хунар палатаси (Германия)	Аёлларни ўқитиш, ихтисосини ўзгартириш (қандолатпазлар, тikuвчилар, косметологлар, сартарошлар в. ҳ.)
6.12.	Тадбиркор аёлларнинг халқаро семинарлар, симпозиумлар, конференциялар, шунингдек, кўргазмалар, ярмаркаларда қатнашишларини таъминлаш	Йил давомида	Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Халқаро ташкилотлар	5,0	Ижрочилар ва халқаро ташкилотлар маблағи	Тадбиркор аёлларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва хорижий шериклари билан алоқалар ўрнатишини таъминлаш
6.13.	Жойларда 1 минг тадбиркор аёлларни жалб	Йил давомида	Давлат мулки қўмитаси, товар ишлаб чи-	1,0	Давлат мулки қўмитаси	

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

этан ҳолда менежмент ва маркетинг бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш

қарувчилар ва табиркорлар палатаси, "Табиркор аёл" уюшмаси

Табиркорлик бўйича аёллар билимини ошириш

6.14. Табиркор аёллар учун ишлаб чиқаришни молиявий таъминлаш ва кредит олиш масалаларини ташкил этиш бўйича бепул маслаҳатларни йўлга қўйиш

Йил давомида

Давлат мулки қўмитаси, Мехнат вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва табиркорлар палатаси, "Табиркор аёл" уюшмаси

Ижрочиларнинг биркорлик билимларини ошириш

6.15 "Частная собственность" ва "Мулкдор" газеталарида махсус "Аёллар бизнеси" рукнини ташкил этиш

I чорак

"Частная собственность", "Мулкдор" газеталари тахририяти

Давлат мулки қўмитаси

Аёллар табиркорлигини риволандтириш муаммоларини ёритиш

VII. Гендер муаммоларини илмий ва ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш

7.1. Мавжуд қонунларни гендерга оид экспертизадан ўтказиш ва уни тақомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш

I ярим йилликда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ

Ижрочилар маболаги ҳисобига

Қонун ҳужжатларининг сифатини ошириш

7.2.	"XXI аср бўсағасида Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий потенциални очишга ёрдам бериш имконияти" мавзусида симпозиум ўтказиш	I чорак	"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, Ф. Эберт фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ	0,35	Ижрочилар маблағи ҳисобига	Хотин-қизлар ижтимоий потенциални кенгайтиришга ёрдам бериш бўйича тавсиянома-лар ишлаб чиқиш
7.3.	"Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлари статистика тўпламини тайёрлаш ва нашр этиш	IV чорак	Макроиктисодиёт-стат вазирлигининг статистика Давлат департаменти, вазирликлар ва идоралар, "Оила" Республика илмий-амалий Маркази	0,3	Ижрочилар маблағи ҳисобига	Қарорлар лойиҳаларини тузиш учун имконият ва шароитларни яхшилаш
7.4.	Республикада гендер ривожланишни баҳолаш ва бошқариш учун статистик ахборот тизimini кенгайтиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш	Йил давомида	Макроиктисодиёт-стат вазирлигининг статистика Давлат департаменти	0,3	Ажратилган маблағлар доирасида	Гендер ривожланишни баҳолаш учун ахборот базаси яратиш
7.5.	Қўйидаги масалаларни ўрганиш ва улар бўйича тавсиялар тайёрлаш:	Йил давомида	Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" Республика илмий-амалий Маркази	6,1	Давлат бюджет, Фан-техника Давлат қўмитаси дастурлари доирасида	Оилани мустаҳкамлашда ва соғлом авлод тарбиялашда аёлларга ёрдам бериш

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

ойлада маънавий ва ахлоқий кадриятларни шакллантириш;
ойлада соғлом авлодни шакллантириш асослари;
Ўзбекистонда оиланинг ижтимоий-психологик муаммолари;
оиланинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш

- 7.6. Ногирон болалари бор ота-оналар учун ногиронликни тузатиш ва реабилитация қилишга доир методик рисоалар туркумини ишлаб чиқиш
- Йил давомида
- Ижтимоий таъминот вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Оила" Республика илмий-амалий Маркази
- 0,5
- Давлат бюджети, Фан-техника Давлат Қўмитаси дастурлари доирасида
- Ногирон болалари бор ота-оналарга методик ёрдам кўрсатиш
- 7.7. Даврий мабгуотда қўйиладиган мавзуларда мақолалар туркуми босилишини ташкил этиш: "Ойлада аёлларнинг роли", "Ойлада ногирон болалар тарбияси маса-
- Йил давомида
- Ўзбекистон Республикаси ФА, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, "Оила" Республика
- Ажратилган маблағлар доирасида
- Ижрочилар маблағи ҳисобига
- Аёллар оғтида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий қадриятларини ривожлантириш

лалари”, “Жамият, оила, аёл”, “Тараққиёт ва аёл”, “Аёл, оила ва аъёналар” ва ҳ.

илмий-амалий Маркази, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази

7.8. Куйидаги мавзуларда конференция ва семинарлар ўтказилди: “Гендер ва демократик ривожланишда аёллар ролини ошириш”, “Гендер муаммолари ва аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли”

Йил давомида

Хотин-қизлар қўмитаси, “Оила” илмий-амалий маркази, “Гендер ва ривожланиш” Бюроси

1,2

Ижрочилар, “Гендер ва ривожланиш” Бюросининг маблағлари ҳисобига Аёлларнинг жамиятдаги тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш

АЁЛЛАР ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЮЗАСИДАН РАСМИЙ ШАРҲ

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жамиятнинг янгиланишида аёллар иштирокини кучайтириш учун шароит яратиш — 1999 йилнинг устувор вазифаларидан биридир.

Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида, бозор иқтисодиёти шакллантириш ҳамда жамиятнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда аёлларнинг мақоми ва ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган. Уни амалга оширишга давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағлари, чет эл кредитлари ва халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдами ҳисобидан жами 72 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Тадбирларга республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 51,2 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Шу жумладан, 40,7 миллиард сўми кўп болали ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун сарф этилади. 3,5 миллиард сўми биринчи синф ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъ-

минлашга ҳамда кам таъминланган оилалар болаларига мактаб кийим-кечакларини олиб беришга сарфланади.

Аёллар ва болаларни соғломлаштириш учун соғлиқни сақлаш объектлари қурилишига ва шунингдек медицина ташкилотларини энг янги медицина ускуналари билан жиҳозлаш учун 7 миллиард сўм сарф қилиш мўлжалланган.

350 минг нафардан зиёд аёлнинг меҳнат ва ҳаёт шaroитини яхшилаш, нафақага чиқиш арафасида турган, фахрий ва ёш болали аёлларнинг даромадларини ошириш, болаларни тарбиялашдаги имкониятларини кенгайтириш учун Дастурда кўзда тутилгандек қатор қонуний чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу, биринчидан, айрим оғир ишларда банд бўлган аёллар учун қўшимча имтиёзлар жорий этишдир. Бу каби қўшимча қонуний имтиёзларнинг кучга кириши бюджетта 142 миллион сўмга тушмоқда. Агар бюджет ташкилотларида ишлаётган ва уч ёшгача боласи бўлган аёлларнинг иш кунини бир соатга қисқартиришни оладиган бўлсак, бу пулга чакқанда 1,9 миллиард сўмга айланади.

Аёлларга нафақага чиққанларидан кейин агар улар ўрта ва кичик медицина ходими, дори-дармон тайёрловчилар, ногирон болалар уй-интернатларида, “Меҳрибонлик” уйларида тарбиячи сифатида ишласалар, шу билан бирга нафақага чиқиш арафасида шу соҳада камида 10 йил иш стажига эга бўлган аёлларга нафақа пулини тўлиқ равишда олиш ҳуқуқининг берилиши учун йилига — 135 миллион сўм харажат қилиш лозим бўлади.

Кўриниб турибдики, Дастурдан жой олган тадбирлар мамлакатимизнинг деярли барча аёлла-

*Яхши одамлар кўпайсин деса-
сангиз, яхши оналарни кў-
пайтиринг.*

ЖАН ПОЛЬ

рининг эҳтиёжларини қамраб олмоқда. Бу Дастурни амалга ошириш нафақат иқтисодий соҳада, балки ижтимоий ҳамда инсонпарварлик меzonларидан қараганда ҳам катта ижобий натижалар беради.

1999 йил чора-тадбирлар Дастурининг қабул

Оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-иқромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ислом КАРИМОВ

этилиши билан Давлат ўз зиммасига қуйидаги принципал янги вазифаларни ҳал этиш мажбурияти ҳамда масъулиятини олмоқда:

иқтисодий соҳада — Дастурни амалга ошириш учун катта молиявий маблағларни ажратмоқда;

ижтимоий йўналишда — аёлларни иш билан таъминлаш, таълим савиясини ошириш, соғлиқларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни

бошқарув ва ҳукумат тизимларига, ноҳукумат ташкилотларига фаол жалб этиш, баъзи мамлакатлар, аниқроғи МДҲ давлатларидан фарқли ўлароқ, уларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча чоралар кўзда тутилган;

инсонпарварлик соҳасида — аёлларни улуғлаш учун шарт-шароит яратилиши, ғоявий-маънавий ривожланишдаги уларнинг ўрни ва ҳиссасининг юксак баҳоланиши, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялашда тенг ҳуқуқлилигини кучайтириш.

Мамлакатимиз ҳукумати Аёллар йилида Давлат дастурини қабул қилар экан, бу билан ижтимоий адолат, тенглик ва барқарор ривожланиш давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми ва демократик жамият қурилишининг асоси эканини яна бир бор тасдиқлади.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1998 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН

Яна бир муҳим масала — аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш, уларнинг обрў-эътиборини, иззат-икромини жой-жойига қўйишдир.

Ҳадисларда “Аёлларни фақат улуғ одамлар хурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди” деб бежизга айтилмаган. Аёлларни иззат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш — ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумдир.

Биз бугун шу қутлуғ удумни давом эттириб, меҳру муҳаббат ва нафосат тимсоли бўлмиш оналаримизнинг, жуфту ҳалолларимизнинг, опа-сингилларимизнинг, бир-биридан гўзал оқила қизларимизнинг жамият ва оиладаги ўринларини, мавқеларини янада юксалтиришни ният қилиб, келгуси йилни “Аёллар йили” деб эълон қилдик.

Аллоҳ уларни шундай яратмишким, аёллар ўз ақлу идроки, меҳрибонлиги, шафқату оқибати, сабру қаноати билан ҳаммамизга ибрат бўлиб, оиладаги, жамиятдаги, боринтки, бутун дунёдаги мувозанатни сақлаб турадилар.

Модомики шундай экан, аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланиши даркор.

**ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОННИ ИЖТИМОЙ-
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
1998 ЙИЛГИ ЯКУНЛАРИ ВА 1999 ЙИЛДА
ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИДА ҚИЛГАН
МАЪРУЗАСИДАН**

Барчангизга маълумки, 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш мақсадида махсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Жумладан, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳуқуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оила соғлиғини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Оилага хизмат қилувчи инфраструктура (айниқса қишлоқ жойларида) сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш борасида бир қанча ишлар қилинди. Буларнинг бари оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш, ўсиб келаётган соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиланинг ўрни ва таъсирини кучайтириш имконини берди.

Ўтган йил натижаларини умумлаштирар эканмиз, эришган энг катта ютуғимиз, авваламбор,

одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги ўсиши, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабати ўзгариши десак, асло муболаға бўлмайди...

Яна бир муҳим масала устида тўхталмоқчиман. Хабарингиз бор, 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди. Яқинда аёллар манфаатини таъминловчи махсус Дастур қабул этилди. Дастурда кўзда тутилган барча тадбирлар сўзсиз бажарилиши керак.

Миллат келажаги — она-лар қўлида.

О. БАЛЬЗАК

Шу муносабат билан дастурий тадбирларни бир ёқлама талқин этиш, тор тушунишдан сизларни огоҳлантирмоқчиман. Шунингдек англаб олиш керакки, дастурий тадбирларимиз бир кун ёки бир йил билан чегараланмайди. Муҳтарам оналаримиз, опа-сингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурмати-ни жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим.

Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соғлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сайланадиган, ўз-ўзини бошқарадиган ва иж-рочи ташкилотлар фаолиятида аёлларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган таклиф ва тадбирларни қонуний равишда тасдиқлаб олишимиз даркор.

Вазирлар Маҳкамаси яқин кунлар ичида меҳнатнинг шароити оғир ва зарарли турларида банд

бўлган, шунингдек боласи 3 ёшгача бўлган, ишлаётган оналарга қўшимча имтиёзлар бериш ҳақида қарор қабул қилсин.

Аёллар ва болаларга аталган моллар нархини арзонлаштириш мақсадида керакли солиқ имтиёзларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

*Худонинг марҳамати
билан оилани оила қиладиган зот — бу Аёлдир.*

Ислом КАРИМОВ

Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча имтиёзлар киритишни назарда тутган ҳолда фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги Қонунга ва бошқа меъ-

ёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тезлаштириш керак.

Доялик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг поликлиникаси, Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги “Оналар ва болалар” санаторийси, Хоразм вилоятидаги “Хонқа” кўп тармоқли санаторий қурилиши алоҳида назорат остига олинсин, оналарни болалари билан қабул қилишга ихтисослашган санаторийлар тармоғи кенгайтирилсин.

Албатта, Дастурда кўзда тутилган тадбирлар катта маблағ талаб этади. Ҳисоб-китоблар бўйича бу тадбирларни амалга ошириш учун тахминан 85 миллиард сўм маблағ ва харажатлар талаб қилинади. Шу жумладан, республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан камида 54 миллиард сўм.

Аммо биз Дастур қабул қилар эканмиз, амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз қимматини иқтисодий кўрсаткичлар, яъни пул билан ёки қандайдир тўхфа, сийлов сифатида ўлчаш мутлақо энгил қараш деб биламан. Дастурнинг моҳияти биз ва сиз ўйлагандан кўра анча чуқурроқдир десак, ҳеч қандай хато бўлмас.

Дастурни амалга оширишдан маъно-мақсад қатор мезонлар мажмуи, **аввало, одамлар онг-шуури, жамият ҳаётида юксак маънавий, ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши билан белгилади.**

Зеро, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз.

Аёллар йили, деб эълон қилинган йилда биз белгилаган режалар ана шу олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Муҳтарама оналаримиз!

Мунис опа-сингилларимиз!

Азиз қизларим!

Аввало барчангизни 8 март — Меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Аёл — Аллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси.

Табиат азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва нафосатни абадий фазилат қилиб берган. Ҳар бир инсон кўнглини мунаввар қилгувчи, наинки оилага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишлагувчи ҳам аёлдир.

Биз хонадонларимиз кўрки, юртимиз бекаси бўлмиш аёл зотидан — авлодлар силсиласини давом эттираётган, ҳаётимизнинг гўзаллиги ва осойишталигини кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа сингилларимиздан умрбод қарздормиз. Улар туфайли бу дунёда муҳаббат ва мурувват, инсоф ва диёнат доимо барқарордир. Жаннат оналарнинг оёғи остида, деб бежиз айтилмаган, ахир.

Фарзандларимиз қалбига покиза туйғулар, олижаноб инсоний фазилатлар аввало оналарнинг оқ сути ва меҳр-шафқати билан сингади.

Жамиятимизнинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш мақсадида энг катта таянчимиз ва умидимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтиришда мунис ва муштипар аёлларимиз, меҳрибон оналаримизнинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини юксак қадрлаймиз.

Муҳтарама опа-сингиллар!

1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишдан мақсадимиз — аввало хотин-қизлар ўз қадр-қиммати-

ни янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намоён қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни эгаллаб олишидир.

Шу билан бирга, бу йил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида халқимиз фаровонлигини ошириш, тараққий топган давлатлар даражасига етиб бориш йўлида салмоқли қадам бўлғай, иншоолло.

Менинг жамоатчилигимизга, бутун халқимизга даъватим шуки, аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик!

Яна бир бор барчангизни қутлуғ айём билан чин қалбимдан табриклайман.

Яратгандан сизларга омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Оналарнинг оёғи остидадир
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг
Бўл онанинг оёғин туфроғи.*

Алишер НАВОЙЙ

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТУҒРИСИДА

Ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, “Меҳрибонлик” уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

2. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1999 йил 17 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎТА ЗАРАРЛИ ВА ЎТА ОҒИР МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИДА ИШЛАЁТГАН АЁЛЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚ СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Оғир ишларда ишлаётган аёлларнинг даромадлари даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1999 йил 1 апрелдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 1-рўйхатининг III қисмида ва 2-рўйхатнинг I қисмида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгилансин, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарорининг 1-банди мазкур қарорнинг 1-бандида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларга нисбатан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси даромад солиғи мазкур қарорга мувофиқ тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши ус-
тидан назоратни таъминласин.

4. Вазирликлар ва идоралар идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Б. С. Ҳамидов ва Д. М. Фуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1999 йил 17 март*





Үнүтипмас учрашувлар



AIR FORCE



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
рафиқаси билан АҚШ Президентининг рафиқаси
Хиллари Клинтон хонимни кутиб олиш пайти





Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг











Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов
Андижон далаларида





Қашқадарё пахтазорларида









ВЪЗ. № 79000 21704 80
ВЪЗ. № 80771201000000
ВЪЗ. № 000605

ПРЕЗИДЕНТНА СЪВРАЩА

AMERICAN

Dacia 1300





Хорижлик ҳар бир мартабали меҳмон диёримизда
шундай илқ кутиб олинади





Давлат мукофотлари топширилмоқда











Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва
Халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч
машҳур спортчилар О.Чусовитина ҳамда А. Дзюндзяк билан







Хотира майдони. Тошкент, 1999 йил 9 май





“Наврӯз-99” байрами тантаналарида









ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ XIV СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИДАН

Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастур тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор.

Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шакллари кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шунинг унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамisha ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳ-

натимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур...

Азиз юртдошлар!

Биз ХХІ аср бўсағасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгилансин.

2. Ушбу Қонун 3-моддасининг 1-бандида назарда тутилган иш стажи мавжуд бўлган тақдирда эллик тўрт ёшга тўлган аёлларга пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган **“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, №9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №12, 269-модда; 1997 йил, №4-5, 126-модда; 1998 йил, №9, 181-модда) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

"12¹-модда. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи

Ушбу Қонун 37-моддасининг "а", "б", "в" ва "г" бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар";

2) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, №2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда):

116-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

"уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228¹-модда)";

Кодекс қуйидаги мазмундаги **228¹-модда** билан тўлдирилсин:

"228¹-модда. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳаққига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади”.

4. Ушбу Қонун 1999 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И. КАРИМОВ

*Тошкент шаҳри,
1999 йил 14 апрель*

“ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ДОИР ШАРҲ

Жамиятни иқтисодий, маданий ва маънавий ривожлантиришнинг мустақиллик йилларида эришилган даражаси давлатимизнинг хотин-қизлар тўғрисидаги эътибори ва ғамхўрлигини янада кучайтиришнинг объектив омиллари ва имкониятларини яратиб берди.

Хотин-қизларнинг мақомини ошириш, уларнинг турмушини ва фаолиятини яхшилаш учун шароитлар яратиш, жамиятда амалга оширилаётган барча ислохотларда уларнинг иштирокини кучайтиришга қаратилган куч-ғайратларни, ресурслар ва амалий ишларни бирлаштириш 1999 йил учун белгилаб олинган вазифаларнинг асосийлари сирасига киради. Бу хотин-қизларнинг оилани шакллантиришдаги, турмушни йўлга қўйишдаги, навқирон авлодни тарбиялашдаги, давлат, жамоат ва маданий қурилишдаги юксак мақеи ва улушининг эътирофи бўлиши билан биргаликда уларнинг мамлакатнинг истиқболини барпо этишдаги битмас-туганмас салоҳиятига берилган муносиб баҳо ва бу салоҳиятдан фойдаланишга бўлган интилиш ҳамдир.

Жорий йилда амалга оширилаётган Давлат дастури хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги, ўтказилаётган бозор ислохотларидаги ҳамда жамиятимиз турмушининг

маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлашда-
ги мақоми ва мавқеини оширишга қаратилган.

“Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғриси-
да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамла-
катимиз хотин-қизларининг аҳволини яхшилаш-
нинг янги имкониятларини белгилаб берди. Бу
Қонун 1999 йил 17 мартда қабул қилинган Ўзбе-
кистон Республикаси Президентининг “Хотин-
қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайти-
ришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-
ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта
зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишла-
ётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ
солиш тўғрисида”ги Қарорида назарда тутилган
чора-тадбирлар мажмуининг мантиқий даво-
мидир.

Қонун ходим давлат ижтимоий суғуртасидан
ўтказилиши лозим бўлган ишларда камида йи-
гирма йиллик иш стажи бўлган аёлларга 54 ёшга
тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини бе-
ришни назарда тутди.

Шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, 54 ёши-
да пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёлнинг ўз истаги
бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.
54 ёшга тўлганлигини асос қилиб кўрсатиб, иш
берувчи томонидан аёлларни мажбуран ишдан
четлатишга йўл қўйилмайди.

Бундай ҳуқуқдан ҳар йили қарийб 77 минг аёл
фойдаланиши мумкин, уларнинг пенсияга чиқиш
эҳтимоли республика Пенсия фонди маблағла-
ридан қарийб 3,5 миллиард сўм ажратилишини
тақозо этади.

Қонун шунингдек, уч ёшга тўлмаган болалари
бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъ-
минланадиган муассасалар ва ташкилотларда иш-
лаётган аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақ-

ланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгиламоқда. Бундай қоида хотин-қизларнинг меҳнатини енгиллаштиради, меҳнат шароитини яхшилайти, болалари билан, оилада кўпроқ бўлиш ва уларга эътибор бериш учун қўшимча имкониятлар яратади. Статистика маълумотларига қараганда бундай ҳуқуқдан 272 минг аёл фойдаланиши мумкин. Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган ҳамда уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар иш вақтининг қисқартирилиши билан боғлиқ харажатлар 3,8 миллиард сўм деб баҳоланмоқда.

ОЛАМДА АЁЛ МАДҲИГА
ДОСТОН ТУГАМАЙДИ



ЛУТФИЙ

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоқи қилич келса бошимға эшикингдин,
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашқолина ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йиғидан қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзинга кўз солғали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

САККОКИЙ

Сентек жаҳонда кўзлари айна бало қани?
Ментек анинг балоси била мубтало қани?

Эрнинг ақиқи гарчи жаҳонда яғонадур,
Чехрам менгизли ҳам яна бир қаҳрабо қани?

Кўзни губор тутти фироқингда йиғлаю,
Изинг тўзиндин ўзга анга тўтиё қани?

Лаълинг шароби бўлди кўнгул дардина даво,
Бу дард жонга етти, вале ул даво қани?

Юзумни олтун этти сенинг ишқинг, эй санам,
Мундоғ бақони олтун этар кимё қани?

Қадду ҳадингга сарву гул ўзин тутар шабиҳ,
Онла бўю юзинда бу обу ҳаво қани?

Ҳуснунг закоти бергали бир қулни изласанг,
Саккокитек бу дунёда бир бенаво қани?

ХОРАЗМИЙ

Яротқон ким, тан ичра жон яротти,
Сени кўрклуклар ичра хон яротти.

Қуёш янглиғ юзунгизни ёрутти,
Фалактек бизни саргардон яротти.

Халойиқ қибласи бўлди жамолинг,
Ўшал кунким сени яздон яротти.

Тўлун ой таъбия сарв узра қилди,
Ой ичра ғунчаи хандон яротти.

Жамолингни жаҳонга жилва қилди,
Мени ул сурата ҳайрон яротти.

Эшиттинг эрса Юсуфнинг жамолин,
Сени ҳусн ичра сад чандон яротти.

Карим тенгри камолин қилса изҳор,
Сен ойни бўйла бенуқсон яротти.

Зиҳи қодир ким ул бир қатра сувни
Муҳаббат гавҳаринга кон яротти.

Азалда қилди Хоразмийни муҳтож,
Тағи манзурини султон яротти.

ОТОЙИ

Боқар оҳудайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар,
Хаданги ғамзасин отмоғ учун гўё қаро кўзлар.

Дилу жон сайди қилмоқда киши кўрмайтурур
ҳаргиз,
Мунингтек нозанин қошлар, анингдек дилрабо
кўзлар.

Бу ҳусну шевау шаклу малоҳатни тилаб топмас,
Нечаким нозанинлар ичра ушбу мубтало кўзлар.

Висолинг давлатини шукрлиллаҳким, бу кун
топтуқ
Биҳиштеким, қиёмат маҳшаринда порсо кўзлар.

Отойининг хаёлотни маҳолин кўрки, ҳўбларнинг
Вафосизлиқларин билгач яна меҳру вафо кўзлар.

НАВОИЙ

Севунгил, эй кўнгул, охирки жисминг ичра жон
келди,
Кувон, эй жони маҳзунким, ҳаёти жовидон келди.

Сафардин ул парий етти, мени маҳзунни шод этти,
Кўнгилдин эски ғам кетти, тан ичра янги жон
келди.

Хирад, йиғ бу масофингни, таҳаммул, қўй
газофингни,
Вараъ, тарк айла лофингни, ки ошуби жаҳон келди.

Дамеким, андин айрилдим, кўнгулни ҳамраҳи
қилдим,
Бугун келди кўнгул, билдимким, ул
номехрибон келди.

Келибтур ёшурун ул шаҳ, мени мажнун эман оғаҳ,
Парий эрмас эса, бас, ваҳ, нечук кўздин ниҳон
келди.

Фалак боқти фиғонимға, ажал раҳм этти
жонимға,
Хазонлиғ бўстонимға гули боғи жинон келди.

Муганний, бир навое туз, Навоий, нағмае кўргуз,
Аёқчи, томса тут тўққиз, ки Доройи жаҳон келди.

БОБУР

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзғорим бор,
Юзунгнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон
равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен ондин бир
сўрорим бор.

Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар
алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек
ғамгусорим бор.

Агар муслиҳмен, ар муфсид ва гар ошиқмен,
ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менинг не
ихтиёрим бор.

Фиғоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу
қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгилда хор-хорим бор.

ЮСУФ АМИРИЙ

Шароби ноз то базм ичра рухсорингни ол этмиш,
Хижолат барги гулни поймоли инфиол этмиш.

Кўтармас бошини сарви сиҳи бори хижолатдин,
Хироми ноз то гулшанда ул зебо ниҳол этмиш.

Бўлуб Мажнун кийиклар суҳбатини ихтиёр
этмон,
Мени девонани то вола бир ваҳши ғазол этмиш.

Ҳазин кўнглум қуши парвоз этар кўюнғ
ҳавосида,
Ўқунгдин пар чиқориб, ҳар тараф жисмина бол
этмиш.

Нетай гар жоми Жам бирла Скандар кўзгуси
бўлса,
Букун дайр ичра соқий қисматим синган сафол
этмиш.

Фалак ҳар ой бошинда бир ҳилолин ошкор
айлар,
Магар кўнглум киби юз узра қошинда хаёл
этмиш.

Дема ҳолим кўруб не важҳдин бетоб эрур
кўнглунг,
Муҳаббат дарди онинг нотавону бемажол этмиш.

Таманнойи сари зулфинг тушиб бошимға
ҳайронман,
Жунун кўйида бу савдо мени ошуфтаҳол этмиш.

Ҳазар айлангиз, эй ушшоқ, ул бераҳм қотилдин,
Букун қиш бўркини эгри қўюб зеби жамол
Этмиш.

Мени жоним олурға, эй ажал, чекмагил заҳмат,
Ки бир сўз бирла лаъли манга ўлмаки маҳол
Этмиш.

Амир оламға берса ишқ иршодин тонг эрмаским,
Муҳаббат пириға хизмат қилиб, касби камол
Этмиш.

ЗЕБУННИСО

Лайли зотидин эсам-да, дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгум келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Мендин ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,
Менгадур парвона ҳам шогирду, ишқимдир расо.

Зоҳиримдур ғозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,
Ўз ичинда сақлагандек қип-қизил рангни ҳино.

Баски, қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,
Кийди мотам тўнинию, бўлди қадди ҳам дуто.

Шоҳ қизи бўлсам-да, қилдим фақр йўлин ихтиёр
Бас менга бу зеби зийнатким, отим Зебуннисо.

МАШРАБ

Кокулунгму анбардур жон ичинда, жонон қиз,
Кўзларингму ахтардур рўйи моҳи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек,
Барча эл сенга қулдек хизматингда фармон қиз.

Бир кўруб сени, золим, қолмади менинг ҳолим,
Танг бўлубдур аҳволим, билмадингки, нодон қиз.

Оразинг — очилган гул, сочларинг эрур сунбул,
Тишларинг мисоли дур, лабларингда пинҳон қиз.

Кокулунгни ўрганда, бурқаъ бошга қўйганда,
Жоним ўртанур танда, офтоби даврон қиз.

Ой юзунгни кўрганда, лабларингни сўрганда,
Машрабинг бўлур банда, лаъли шаккарафшон қиз.

ОҒАҲИЙ

Эй пари, манъ этмагил базми висолингдин мани,
Баҳраманд эткил тамошойи жамолингдин мани.

Лутф ила жам эт паришон хотирим айлаб ҳисоб,
Зумраи, девонаи ошуфта ҳолингдин мани.

Комим этти талх ҳажринг заҳри, ширинком қил,
Соғари лаълинг аро жонбахш болингдин мани.

Тиғи ишқингдин ўлубман, тиргуза олмас Масиҳ,
Гар ўзинг тиргузмасанг ширин мақолингдин
мани.

Одам осо равзаи кўйингда бархурдор қил,
Лаззати наззораи наврас ниҳолингдин мани.

Хилвати васлинг аро ағёрни маҳрам қилиб,
Айлама маҳрум ҳусни бемисолингдин мани.

Нечаким ҳуру пари олимда бўлса жилвагар,
Ўтқара олмас даме фикру хаёлингдин мани.

Фам тоши синдурди айшим соғарин, эй пири дайр,
Май тутуб маст айлагил синғон сафолингдин
мани.

Ишқ таркини буюргунг Оғаҳийға, носихо,
Айлама озурда бу амри маҳолингдин мани.

НОДИРА

Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет,
Сайри чамани жаҳон этиб кет.

Бедардларинг жафоларидан
Фарёд чекиб, фиғон этиб кет.

Дунё чаманини булбулисан,
Гул шохида ошён этиб кет.

Эй, ашк, кўзимни мактабидан
Ҳайрат сабақин равон этиб кет.

Олам чаманики бевафодур,
Бир оҳ ила хазон этиб кет.

Ушшоқ мақоми бўстондур,
Азми раҳи бўстон этиб кет.

Мақсад на эди жаҳона келдинг,
Кайфиятини баён этиб кет.

Фош этма улусқа ишқ сиррин,
Кўнгулда ани ниҳон этиб кет.

Кел, ишқ йўлида кўзларингни
Эй Нодира, дурфишон этиб кет.

УВАЙСИЙ

Дунёни букун давр ила даврони ғанимат,
Келтурди халойиқни ки меҳмони ғанимат.

То булбули мастона суханрезни бул дам
Айвони жаҳон боғи гулистони ғанимат.

Бу шавкату шаънингни худойим насиб этсун,
Давлат нигини тахти Сулаймони ғанимат.

Умрингни баҳорида муҳаббатни суғорғил,
Кўз мардумини гиряйи борони ғанимат.

Очғил кўзинг, эй дил, қилакўр вақти тамошо,
Айёми жаҳонни маҳи тобони ғанимат.

Фазли била ул ғунчаи нашгуфта очилмиш,
Сайри чамани ҳам гули хандони ғанимат.

Вайсийи гадо, сен букун ўқсутма гадони,
Лутф ила тараҳҳум яна эҳсони ғанимат.

ФЕРУЗ

Келди лутф айлаб менинг кулбамга жонон бу кеча,
Гўё кирди ўлук жисмим аро жон бу кеча.

Сурма тортиб наргиси бемориға зийнат учун,
Айлади ширин лабидин бўса эҳсон бу кеча.

Тийра эрди рўзгорим сочининг савдосидин,
Равшан этди юз очиб ул моҳи тобон бу кеча.

Меҳри рухсоридин айру мажлисим эрди хазон,
Гул юзидин айлади они гулистон бу кеча.

Ҳажри муҳлик дашти ичра йиллар эрдим
ташна лаб,
Берди лаъли чашмасидан оби ҳайвон бу кеча.

Билмадим ҳеч, одамизод эрдиму ёхуд пари,
Айлади бир жилвада ақлимни ҳайрон бу кеча.

Интизорин тортар эрдим ҳажрида Феруздек,
Келди очиб ораз ул хуршеди рахшон бу кеча.

МУҚИМИЙ

Ноз бирла ҳар замон суратнамо дилдор сиз,
Балки гулрухсорларга раҳнамо дилдор сиз.

Завқдин кўрган ҳамон гул ҳам яқо чок айлади,
Жумла гуллар сизга жон қилгай фидо дилдор сиз.

Йилда қилмас бир тақаллум ғунча ҳам дил
тангидин,
Қилса ногоҳ бир табассум бесадо дилдорсиз...

Хуш табассум, хуш калому, хуш равиш
рафтор ҳам,
Андалиби бўстондек хуш наво дилдор сиз.

Оҳким, найлай тушубдур бешарар ишқ ўтингиз,
Сабр лутфи покидин қилсун ато дилдор сиз.

Найласун кўнглим қуши домиғаким тушмай
Муқим,
Хўбрўлар ичра кўп нозик адо дилдор сиз.

ФУРҚАТ

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лола ранг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.

Заъфароний кўйлак узра арғувоний камзиҳур,
Рўйимол оғушидин пешонанинг аҳволи танг.

Бори нозик панжалар олтин узукдин зебнок,
Қўл биларзукдан музайян, нуқрадин оғизда чанг.

Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баногўшида банд,
Кўринур зулфи тунда субҳи содиқдек аранг.

Ғамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,
Турфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу
сатанг.

Ақл, ҳуш элтар агар турса паридек силкиниб,
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурму шўҳу шанг.

Йўқ қутулмоғлиғ манга, ул офати жон дастидин,
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар
ҳаданг.

Ул париваш ишқидинки, телбадурмен, гоҳ соғ,
Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу гоҳи жанг.

Жаврларким, Фурқат, ул шўҳи жафожў айлади,
Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонға фаранг.

БЕРДАҚ

КЕЛИН

Қошинг қора, белинг нозик,
Ўнг қўлингда тилла узук,
Ғайратингни бугун кўрдик,
Таъзим қилиб турган келин.

Сочинг — аждар, юзинг — оппоқ,
Қундуз киприк, юпқа дудоқ,
Писта бурун, лабинг қаймоқ,
Қомати келишган келин.

Ярқирайди юзинг ойдаи,
Сени туққан онанг қандай?
Сўзинг ширин, тилинг болдай,
Паризотдан аъло келин.

Қулоғингда олтин сирға,
Юзингда зарра доғ йўғ-а,
Ҳузурингда зўрға-зўрға,
Келиб, мана, турдим, келин...

ГҮЗАЛ

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: “Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!..”

Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа,
Ул-да айтадирки: “Қизил ёноққа
Учрадим тушимда, кўмилган оққа.
Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..”

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: “Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни: шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..”

Ул кетгач кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
Ул-да уятидан беркиниб, қочиб,
Айтадир: “Бир кўрдим, тушдамас ўнгда.

Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир... мендан-да гўзал!..”

Мен йўқсил на бўлуб уни суюбмен?!
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйубмен.
Бошимни зўр ишга бериб қўйубмен,
Мен суйуб... мен суйуб... кимни суйубмен?
Мен суйган “суйукли” шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!

1919

Ғафур ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ шоири

ХОТИН

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилят,
Меҳнат бор, муҳтожлик доим бегона.
Онамсан,

ёримсан,
синглимсан фақат,
Дунёда энг азиз дўстим, ягона.

Онам деганимда, оқсоч, жафокаш,
Мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён.
Сен ахир бағрингда парвариш қилиб,
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон...

Онам зотан хотин, ёрим ҳам хотин,
Синглим ҳам, қизим ҳам уларга жинсдош
Ва булар ҳаётда, меҳнатда бутун,
Дубби Акбар каби бўлдилар йўлдош.

Базмимда шулардек шамим бўлмаса,
Лабимда не лаззат берарди шароб?
Муттасил ҳамёза, ҳаёт бебўса —
Супурги тегмаган хонумон хароб.

Муҳаббат сурмасин қўшни қизига
Олиб беролмасдан умрда бир бор,
Юзинг ҳасратида ҳатто кўзига
Ўргумчак ин қўйган йигитлар ҳам бор.

Эътироф оҳанги яхши жаранглар
Муштоқ юрак билан ростини айтсам;

Сенсиз нашъа бермас гулшанда ранглар,
Ваҳмдир бутун соз, бутун зилу бам.

Севинч йўқ, қайғу йўқ, кўклам йўқ, хазон,
Худди мақолларда айтилганидек,
Сенсиз келажак йўқ, бемаъни жаҳон,
Дарди йўқ кесакдир, ишқи йўқ — эшак.

Астойдил ҳар эркак — йўлдош, демаса,
Инсоф маҳкамаси судга беради,
Икки дўст қийинни енга олмаса,
Ҳаётнинг чиппакка чиқар омади.

Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз —
Бу туман, ёлғон ваҳм ниҳоясида,
Чақмоқдай чимрилди бирдан қошимиз
Ҳар икки чехранинг ифодасида.

Одам боласига қайта туғилиш,
Кошки бўлолсайди яна муяссар,
(Чақмоқ тош ва оташ топган ақлдай,
Доро, Искандардан эски нақлдай);
Бизнинг бу курашдан, оғирликлардан
Келажакка берар наслимиз хабар.

Не-не мусибатда қолиб бошимиз,
Не кулфат тортмадик сен билан бирга,
Ҳалол, покизадир еган ошимиз,
Минг карра ташаккур пешона терга.

Ҳаётда, меҳнатда, ишқу аламда,
Бутун мазмун билан мен бўлган ўзинг,
Мен Фарҳод аждар-ла олишган дамда,
Қоматинг ханжардир, машғалдир кўзинг.

Ростин айт, бу жангда мен ўлар бўлсам,
Бағри доғ лоладек дилинг ачишар,
Модомики, яшар ҳақиқий башар,
Наслимнинг ҳомийси сен борсан — не ғам!

Ватан озод бўлур, серҳаракат бўл,
Арафа кунлари қувонган ёшдек.
Зулматда меҳнатдир очолгувчи йўл,
Кеча ёқасини йиртган қуёшдек...

Бўйига гул ўлчаб ўғил ўстирдик,
Ўғиллар қон кечиб бугун курашда,
Хаёл паришонроқ... айтилганидек
Юрак ҳам озгина ташвишда, ғашда.

Энди кўрибмизми бу оғир кунни,
Йиғлоқи ўз бахтин душмани, ахир,
Меҳнат қуёши-ла ёритиб тунни
Қилайлик иблиснинг номин бир пақир.

Меҳнатда тафовут бўлмайди, чалиш!
Трамвай ҳайдашдан қила кўрма ор.
Саодат гарови ҳар қандай юмуш,
Хонзода қизидай ўлтирма бекор.

Душман янчилди, деб хабар бўлган чоғ
Истиғно базмига менинг ишим йўқ,
Бир-бирига очилур қадрдон кучоқ,
Бугунча талтайиш тополмас ҳуқуқ.

Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат,
Вафо ҳунаридир, меҳнат одати...

1942

*Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири*

ЎЗБЕК ОНАСИ

Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг,
Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг.
Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сени Тўмарис деб, мақтаганим бор,
Сен Темур бешигин тебратган бедор,
Сенсан Бибихоним, Нодираи зор,
Пайти келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Ватанни Она деб бекор айтилмас,
Она буюрганда йўлдан қайтилмас,
Сен ўзинг Каъбамсан, Байтул муқаддас,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Бошингдан нималар ўтмади ахир,
Ватандек тақдиринг бўлди гоҳ тахир,
Бобур шоҳ бўлсада, қошингда фақир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Гоҳида балқидинг Барчиндек тўлиб,
Гўзадек қуридинг Турсуной бўлиб,
Тимсолинг яловда юлдуздек кулиб,

Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Фарзандинг қувонса — сен ҳам қувондинг,
Фақат болам дединг, яшадинг, ёндинг,
Нокаси учраса, ўртандинг, тондинг,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Келажак тойчоғу тойингиздадир,
Жаннат ҳам, албатта, пойингиздадир,
Ватан-ку Сиз турган жойингиздадир,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

Сизга таъзим қилиб турибман бу пайт,
Сизга бахшидадир энг шоҳона байт,
Азиз Юртбошимга дуоларинг айт,
Пайт келди айтмоққа, гапнинг хонаси,
Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси.

*Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири*

ЖОН ТУГАМАЙДИР

Оламда аёл мадҳига дoston тугамайдир,
Чун ишқ тугамас, ишқдаги армон тугамайдир.

Назм этди тугал Ҳофизу Саъдию Навоий,
Не қолди, деманг, шоири даврон тугамайдир.

Гар арсаи ашъор эса ишқ баҳсига майдон,
Майдонда чавандоз кўпу, майдон тугамайдир.

Ҳусн аҳли учун бўлмас адо нозу адолар,
Ишқ аҳли учун нолаю афғон тугамайдир.

Ҳар неки ёнар, йўқ бўладир, лекин ажабким,
Мангу ёнарак ишқ ўтида, жон тугамайдир.

*Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ шоири*

ҚИЗЛАР

Бирингиз қизимсиз, бирингиз синглим,
Кўзларимнинг оқу қароси, қизлар.
Сизларсиз дунёнинг қизиғи йўқдир,
Ҳар йигит умрининг маъноси, қизлар.

Сизларсиз очилмас ҳаёт гулзори,
Шоҳсанам Ғарибнинг дил оҳу зори,
Ҳар кўнгилнинг бордир бир гул узори,
Сизлар тирикликнинг Онаси, қизлар.

Ойбарчиннинг Алпомишга вафоси,
Нодира ғазалин завқи, сафоси,
Қиз Жибек дардининг йўқдир давоси,
Дурру маржонларнинг шодаси, қизлар.

Йиғилсангиз мисли баҳористонсиз,
Гул ичида пинҳон сеҳрли жонсиз,
Бирингиз бир юлдуз, бири осмонсиз,
Кўргаъ кўзнинг дарду балоси, қизлар.

Замонамда тўйлар тўйга улангай,
Шоиру бахшиси Эрки куйлагай,
Авлодларим ҳеч ёмонлик кўрмагай,
Шу эзод Ватаннинг фидоси, қизлар.

Вақтни ортмоқлаб кунлар ўтади,
Тонг ишқида куйиб тунлар ўтади,
Ибройим ҳам ниҳтина етади,
Ижобатдир элнинг дуоси, қизлар!

*Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири*

АБАДИЙ ЁҒДУ

Хоним дейму ё эркам, жоним,
Бегим дейму ё дейму бону.
Аёл отлик буюк жаҳоним,
Сен мен учун абадий ёғду.

Ойим дейму ёхуд қуёшим,
Барча сифат ожиз қаршингда.
Сенинг билан кўкдадир бошим,
Сен порлайсан кўнгил аршимда.

Дейдиларки,
Бу олам ичра
Қолса ҳамки бир дона аёл,
Заргар зоти кундузу кеча
Безагингни этармиш хаёл.

Бешик эмас, дунё тебратган
Қўлларингни ўпсак бўлур оз.
Оёғларинг остида эркан
Жаннат деган энг олий Ёъзоз.

Битта кулгинг — ҳаёт қувончи,
Битта ғаминг — жаҳоний андуҳ.
Жаҳонларни қамрар қулочинг,
Оналарда — энг қудратли руҳ.

Сочларининг ҳар бир толаси
Сомон йўли қадар мунаввар.
Бешикдаги жажжи боласи —
У келажак аталмиш гавҳар.

Аёл номи қошида дунё
Эҳтиром-ла этгайдир таъзим.
У ҳаётнинг рамзидир гўё,
У ҳаётдай мангу ва азим!

*Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири*

ТИРИКЛИК ПАНОҲИСАН

Одам Ато наслига
Яратгандан иқболсан.
Бу беором дунёда
Ҳаловатли хаёлсан.

Сен мардона қасамсан,
Муножотсан, висолсан.
Шаҳидларнинг кўзида
Кетган армон — саволсан.

Беланчак қучганингда
Ҳур фаришта мисолсан.
Илон заҳрини кесган
Мўмиё малҳам-болсан.

Чимилдиқ ўтрисида
Жаннатий навниҳолсан.
Гўзаллик кўзгусида
Чарақлаган ҳилолсан.

Аллаларнинг шавқ сири,
Марсиялар оҳисан.
Марду номард, инсу жинс —
Тириклар паноҳисан.

Заифа деб атар ким,
Ожиза деб ким айтар:

Сен нарра шер бўлурсан
Бошга иш тушган пайтлар.

Остонадан узилган
Қадамларга уволсан.
Ҳар гўшада кезинган
Ориятсан, аъмолсан.

Тоғлар сендан ўрганар
Сукунатни, бардошни,
Дуонгдан эл кўкаран,
Қарғишинг ёран тошни.

Миллатнинг жон томири
Сен Ватанга тимсолсан.
Юртнинг ўчмас чироғи
Момо Ҳаво — Аёлсан.

*Муҳаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон халқ шоири*

АРМОН

Топмоқ — йўқотмоқдир.
Йўқотмоқ — топмоқ.
Сен сўлиб,
Мен яшнаб,
Тўлишимга боқ.
Сенсиз топганимдан
Кўпроқ йўқотдим —
Сен мени юпатдинг,
Сени йиғлатдим.
Сен мени яратдинг,
Сени тугатдим.
Уялмай Она деб,
Келишимга боқ!..

Соғинч ҳақда шеърлар
Ёздим ўзимча,
Мендан — пешонангда
Доғлар тизимча.
Ўғлинг бўлмай ўлай,
Аттанг, минг аттанг.
Қиз туғсанг нетарди,
Кўпроқ қиз туғсанг!..
Тиргак бўлолмадим
Битта қизингча,
Уялмай шоирман
Дейишимга боқ.

Жонингдан айланай,
Тургил жонажон,
Йўл қараб бўлдим
Жигаргинанг қон.
Боқма кўзларимга
Бемажол, хаста,
Менинг топганларим
Гулми бир даста,
Йўқотганим сенми
Энди Онажон?..
Ўз этимни ўзим
Ейишимга боқ.

Билсанг,
Юрагимни бир алам элар,
Буюрсанг, қўлимдан
Келмайди нелар
Айт,
Пичан йиғайми,
Ўтин ёрайми,
Ерни ҳайдаинми,
Кўк ағдарайми?..
Итдек оёғингга
Суйкалгим келар —
Учиб-учиб, мана,
Қўнишимга боқ.

Ҳеч нарса керакмас,
Болам, ҳеч дейсан.
Энди кеч дейсан-да,
Энди кеч дейсан.
Юзимни босаман

Муздай юзингга,
Онажон,
Зор қилиб кетма изингга!..
Ўлим олдида ҳам
Ғамимни ейсан.
Мен-чи, жим тақдирга
Кўнишимга боқ.

...Шеърим битди.
ХАЙР.
Дўстлар, хуш қолинг.
Бедил яшамакка
Ўрганманг мендек.
Боринг,
Волидангиз кўнглини олинг,
Эртага
Кеч қолиб,
Ўртанманг мендек.

* * *

Деразадан боқар соҳибжамол ой,
Нигоҳлари тўла карашма, чирой.
Кечиргин, бўлибман ойга маҳлиё.
Ишон, энди унга қилмайман парво.

Ойнинг сочларини майли, ўрмайман,
Мен сени ойларга бермайман.

Сулув келинчакдек безанмиш баҳор.
Далалар ҳам гулзор, боғлар ҳам гулзор.
Гулларга боққандим, кулиб очилиб,
Ёшларинг кетдилар нурдай сочилиб.

Баҳор гулларини майли, термайман,
Мен сени гулларга бермайман.

Шеър чорлар, бир лаҳза асир бўламан.
Ёнаман, куяман, тошиб-тўламан.
Сен-чи, унут бўлиб ғариб бурчакда
Турибсан... Ғам тоши чўкар юракка...

Илҳом билан, майли суҳбат қурмайман,
Мен сени ҳеч кимга бермайман...

Қанча ширин дамдан кечмоғим мумкин,
Фақат сен ўйнагин, қувонгин, кулгин.
Сен менинг тақдирим, охир азалим,
Сен менинг баҳорим, ойим, ғазалим.

Қалбимсан! Мен қалбсиз сира юрмайман,
Қалбимни ҳеч кимга бермайман...
Мен сени ҳеч кимга бермайман...

Хушид ДАВРОН

КУЛОЛ МУҲАББАТИ

Саҳардан то оқшомга қадар
Кўкда порлаб ёнмагунча ой,
Эртақ сўйлар сархуш бармоқлар,
Эртақ тинглар қизил рангли лой.

Лойни силар бармоқлар, аёл
сочларини силаган каби.
Лойга кўчар қувонч ва хаёл,
лойга кўчар кулолнинг қалби.

Саҳардан то оқшомга қадар,
кўкда порлаб чиқмагунча ой,
соғинчларин осмонга сўйлаб,
куёш билан бирга куйлар лой.

Оқшом эса, чарчаган кулол
чиқиб кетган пайт чойхонага,
оқ чодрага ўранган аёл
кириб келар устахонага.

Ёноқлари куёшдек қизиб,
қўлга олар ҳар бир кўзани
ва бармоқлар тафтини сезиб
ўпа бошлар улар изини.

Шарифа САЛИМОВА

СЕНДАН БИР ДАМ АЙРО ТУШМАЙМИЗ, ВАТАН!

Бир куни ё майса, гиёҳ бўламиз,
Шунда ҳам ҳолингдан огоҳ бўламиз.
Шоир қаламингга сиёҳ бўламиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Ё ёмғир бўламиз, бўламиз шабнам,
Фунчалар кипригин айлайжакмиз нам.
Ногоҳ хазон мисол тўкилганда ҳам,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Юлдузлар кулгусин ичганда ҳилол,
Сочларин дарёда ювса мажнунтол.
Бир бойчечак бўлиб, сурганча хаёл,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Биз сингил, ё ини, ёки оғамиз,
Бағрингда дарё ё тоғдек қоламиз.
Ғаним бошига тош бўлиб ёғамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Кўксингда қулунлар бўлиб чопамиз,
Арча бўлиб тоғлар бағрин ёпамиз.
Бургут бўлиб чўққинг излаб топамиз,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Майли, тиканларинг қонатсин қўлим,
Майли, изғиринлар қилсинлар зулм.
Сен рози бўлсанг бас, энажон элим,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Сендан хаёлда ҳам кетмаймиз нари,
Онасини қучган фарзанд сингари.
Сўнг сўз ёзганда ҳам умр дафтари,
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Туфинг нафасларин ичганда дунё,
Ўзбек деган номга тўлганди само,
Биз бағрингда ётиб, қилганча дуо
Сендан бир дам айро тушмаймиз, Ватан!

Муҳтарама УЛУҒОВА

АЁЛ

Кашф этасиз: тақдир Сизни
Офтоб қалбли, ой юзли —
Гул бекага бойлаган.
Кўнглидаги ишқи унинг
Шуълаларга айланган...
...Тонг нурига меҳрин қўшиб,
Хамир қориб ҳар куни,
Дастурхонга ёр жўшиб
Бозиллаган қалбини.
Саҳарларда сават билан
Келтирганда сутли нон,
Оташланган юзларига
Термуласиз беармон...
Ўйланасиз: қачон тикар
Қизчангиз кўйлагига гул?
Тунлар юмушдан ортиб,
Кашталарга меҳрин тўкар,
Гулдек қалбнинг рамзи ул.
...Бағрингизда шўх болакай,
Суясиз мағрур, масрур —
Оталикнинг ҳиссидан.
У ҳоришдан топиб ҳузур,
Чопар бола изидан.
Сизга азиз фарзандни у:
“Жоним!” — дея суяди.

Эркалайсиз дилбандни, у —
Сизга ихлос қўяди.
Дер: “Ўғлингиз қуйиб қўйган
Мисоли ўзингиздир...”
Кўзингизда чақнайди нур!
Шу гап билан умрингизни —
Мангуликка йўяди!
Кашф этасиз: тақдир Сизни
Офтоб қалбли, ой юзли —
Гул бекага бойлаган.

Умида АБДУАЗИМОВА

ЎЗИМ БИЛДИМ

Мени сен қанчалик севдинг, ўзим билдим.
Ойим деб, кунчалик севдинг, ўзим билдим.
Висолингда шуълаландим, тўлиқландим.
Чўғландим — шунчалик севдинг, ўзим билдим.

Жоним, дединг, жоним чиқди ҳовучимга,
Ташналаниб сипқоришинг — овунчимга
Лахча чўғман, булут тойиб йиқилди-ку,
Пойимга дўл ёмғир тушди — севинчимга.

Муҳаббатга толиб бўлдим, ўзим билдим.
Мағрур қаддан ғолиб бўлдим, ўзим билдим,
Оро йўлдан қайтолмасман, қайтолмасдан,
Меҳру қаҳрим айтолмасдан ўзим билдим.

Ичимга гап сиғдиrolмай тафтим баланд,
Кундан-кунга шижоату забтим баланд,
Қачонгача тилим тишлаб ўтай энди,
Кўтарганда бошингга ўт кафтинг билан?!.

Мени сен менчалик севдинг, ўзим билдим.
Севгимга тенгчалик севдинг, ўзим билдим.
Алишмайман ҳаловатга ҳажрингни деб,
Енгсизга енгчалик севдинг, ўзим билдим!

Сирожиддин САЙИД

СИЗГА

Ховлингиздан шарқираган сой ўтса,
Елкангиздан қуёш ўтса, ой ўтса.
Қошларингиз мангу камон ёй ўтса,
Сарв янглиғ адил қолса бўйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Бор юлдузлар сизга хизмат қилсалар,
Уммонлар ҳам сиз деб қуриб, тўлсалар.
Гуллар сиздан рангу ифор олсалар,
Чаман бўлса юрган кўча-кўйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Севинч бирлан очилсалар эшиклар,
Уйингизни тор айласа бешиклар,
Янграсалар армон бўлган қўшиқлар,
Қиқирласа кўрган қизу ўғлингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Еллар қаро зулфингизни қулф этиб,
Елиб турса ҳуснингизни мулк этиб,
Саодату малоҳатни кўрк этиб,
Сарғаймаса ҳаргиз рангу рўйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Дўстлар келиб ул кун бағрим тилсалар,
Бўғзим юлиб, андин бир най қилсалар,
Ҳаммалари қаторлашиб чалсалар,
Овозалар бўлса ўғил тўйингиз,
Тўлармиди ҳеч тўлмаган кўнглингиз?

Маҳмуд ТОИРОВ

МЕН ОФТОБГА АЛИШМАГАН АЁЛЛАР

Томиримни тирнар кўҳна саволлар,
Юрагимда гуллар ширин хаёллар,
Эй сиз ўзбекойим, офтобжамоллар,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,
Сиз атир нафасли, сиз райҳон сасли,
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Ўзбакий оҳанг бор кулгуларида,
Дурни талпинтирар ёғдуларида.
Ором ороланар туйгуларида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор,
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Офтоб ожиз асли онам олдида,
Бибихоним юрагимнинг ёдида,
Сиз яшайсиз Моҳларойим додида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Гул узсам тутгунча қўлим гуллайди,
Мен сизга етгунча йўлим гуллайди,
Ўйингизда ўлсам ўлим гуллайди,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

*Маъсуда ТОЖИБОЕВА,
ўқитувчи, Наманган вилояти*

БИР ЮРАК “ХАЛҚИМ” ДЕБ УРИБ ТУРГАНДА...

Ҳурматли Ислом АБДУҒАНИЕВИЧ!

Мен Сизни баҳор байрами бўлмиш Наврўзи айём билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, туганмас сабр-матонат, бахт ва омад тилайман.

Ҳеч бир ёвуз ният Сизнинг азиз бошингизга соя солмасин, ҳеч бир ёмон кўнгил Сизнинг ҳақиқат йўлингизга тўсиқ қўёлмасин, ҳеч бир нохушлик дилингизга афсус ва пушаймон бўлиб битмасин, чидам ва бардош билан беором, беқўним, беҳаловат ўтказаётган бебаҳо кунларингизнинг роҳатини кўринг, Сизга ишонган, Сизга суянган халқингиз билан доимо бирга бўлинг, деб ният қиламан.

16 февралда бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалар барча қатори мени ҳам ларзага солди. Бегуноҳ қурбонларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган қабих шахсларнинг қилган ишларига нисбатан юрагимда кечган нафрат ва оғир кечинмалар неча кунки мени қийнайди.

Мен ҳам икки ўғилнинг онасиман. Уларни ўн икки йилдан буён ёлғиз тарбиялаётирман. Лекин шу кунгача мен ўз бошимдан бунчалик хавотирни ўтказмаган эдим.

Содир этилган виждонсизликни, энг аввало, юзсизларнинг ўз аждодларига, ўз оиласига нис-

батан ҳақорат, ўз ширин ҳаётига қарата ўқилган охирги ҳукм деб қарайман.

Азиз Юртбошим!

Аёлнинг қадрини кўкларга кўтариб қўйдингиз. Уни муқаддас, буюк деб кўрсата олдингиз. Ана шу миллионлаб аёллар номидан Сизга ўз ташаққурумни изҳор қилиб, Яратгандан Сизни ўз па-ноҳида сақлашини, эккан ниҳолларингизнинг мевасини кўришингизни тилаб, сизга арзимас ма-дад сифатида ушбу шеъримни йўллайман.

Юз йигирма беш йил букиб қаддини,
Қадрин тупроқлардан қидирган халқим.
Сен-ку, ичга ютиб аччиқ дардини,
Ризқин қирққа бўлиб едирган халқим.

Топталиб, ер бўлган ўзбеклигингни
Кўксингга мушт уриб айтолмаган эл.
Елкага ортмоқлаб тоғдек юкингни,
Пойтахтдан нарига ўтолмаган эл.

Барибир, “сен — яхши”, демади ҳеч ким,
Номингни булғади тили узунлар.
Дедилар: “бу юртнинг томоғи текин”,
Бисотинг хомталаш қилган қузғунлар.

Сенинг поклигингга отилган тошни,
Кўксин қалқон қилиб тўсган ким бўлди?
Тинчлигингга тикиб энг азиз бошни,
Бахтингдан ғурури ўсган ким бўлди?

Тонгинг тинч отсин деб оромин берган,
Тунлар кўзга уйқу қўндирмаган ким?
Қорнинг тўқ бўлсин деб минг режа қурган,
Ушоққина жонин тиндирмаган ким?

Халқим, бир аснода тугарди умринг,
Аллақайси ирққа бўлардинг қарам.
Тангри оби-дийданг эшитди, шўринг
Қуриб битмасидан айлади қарам.

Бошингга бир паноҳ, дилингга мадад,
Тилингга софлигу бут имон берди.
Одил Юртбоши-ла даст кўтардинг қад,
Гўё ўлик танга қайта жон кирди.

Бироқ бутун халқни деёлган жонга
Сен ўстирган фарзанд этди хиёнат.
Элим деб, юртим деб ёнган инсонга,
Ўлим соғинганнинг наслига лаънат!

Қайси она тукқан у оқпадарни?
Кўксидан оқ сутмас, зардоб сўрганми?
Қай кўрнамак ота болу шакарни
Ҳаром кўчалардан топиб берганми?

Наҳот сени боланг ўша қўли қон?
Қандоқ луқма бериб ўстирдинг уни?
Шу юртда туз ичиб, шунда еган нон,
Нега керак бўлди бировнинг хуни?

Хунрезлик чархида қайралибди соз,
Фақат одамийлик чиқибди қўлдан.
Мағлублик ёт бўлган ўзбекдан носоз
Фарзанд туғилдими дунёга, қайдам?

Ноёб ўйинчоққа учгандек гўдак,
Алдандими боланг сирли саробга?
Ақли етмадими — баланддир фалак,
Қисқа қўли етмас ёруғ офтобга.

Юрт мустақил бўлди, ушалди армон,
Имон-эътиқодга очилди йўллар.

Отлансанг — элтади зумда Ҳаж томон,
Инсонга мурувват шунчалик бўлар.

Дунёда неча юрт бордир дин илмин
Жонига жойлабон, айлаган ихлос.
Маккаю Мадина ёлғиз — Исломин
Пайгамбар пойига йўлатган, холос.

Уни Тангри таоло ўзи ёрлақаб,
Ўзбекнинг бошига соябон этган.
Аллоҳнинг ўзига суюкли бу қалб,
Манглайига тангри “ўлмас” деб битган.

Биламан, она халқ, бузилди тинчинг,
Титради ғафлатга эврилган кўксинг.
Сарбонсиз қолишинг мумкин эди чин,
Даҳшатдан жойига қайтгандир эсинг!

Халқим, тинчлик асли беназир жавҳар,
Чашминг қароғига жойлагин уни.
Бевақт тўкилмасин кўздаги гавҳар,
Таҳдидга сергаклик — умринг мазмуни.

Эндигина Хурлик деган қўрғоннинг
Қурилди мустаҳкам, тик пойдевори.
Шу ишни бошлаган азиз Инсоннинг
Қўлу оёғига бўлгин мадори.

Ўчирмоқ бўлганлар халқнинг маёғин,
Боғига тош отмай ажаб беҳиштни.
Номи безар эди тарих вароғин,
Хурлик деворига қўйса бир гиштни.

Бир юрак “халқим” деб уриб турганда,
Улкан жусса бўлиб паноҳингга ол.
Йигирма тўрт миллион томиринг танда,
Беқусур миллатга етмасин завол!

БҮЮК АЖДОДАРИМИЗ



ТҰМАРИС

Каспий денгизининг кун чиқиш тарафида қуш учиб ўтолмайдиган бепоеън чўл ва қирларда массагетлар яшар эканлар. Эрон подшоси Кир уларнинг ерларини босиб олмоқчи бўлиб, сафарга отланибди...

У замонларда массагетларга Тўмарис деган ақли, доно бир аёл бошлиқ экан. Кир Тўмарисни ҳийла билан ўзига бўйсундирмоқчи бўлибди. Тўмариснинг эри ўлиб кетганини эшитган Кир уни ўзига хотин қилиб олиш йўли билан массагетлар ерига эга бўлиш режасини тузибди. Шу муддао билан у Тўмарисга совғалар, элчи — совчилар юборибди. Зийрак Тўмарис маккор подшонинг ёвуз ниятини сезибди. Подшога хотин эмас, массагетлар юрти кераклигини пайқабди ва совчиларни қабул қилмабди.

Кир ҳийла-найрангдан иш чиқмаганини кўргач, асл мақсадини ошкор этибди. Аракс дарёси¹ томон юриш қилибди. У соллардан кўприк ясаиб, беҳисоб қўшини ва асбоб-анжомларини солларга солиб, дарёнинг нариги қирғоғига ўтказиш чорасини кўрибди.

Тўмарис унинг ҳамма ишларидан хабардор экан, тезлик билан унга чопар юбориб, шу сўзларни етказибди: “Эй мидиялик мақтанчоқ подшо!

¹ Аракс дарёси — Амударё.

Бу ниятингдан қайт, чунки бу қилаётган ишларингдан ўзингга фойда ё зарар тегишини билмайсан. Тинчлик ва осойишталик билан ўз юртингда ҳукмронлик қил, бизнинг юртимизни ўзимизга қўйиб бер. Аммо, биз биламизки, сен тинчликни хоҳламайсан, шу сабабли, башарти

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибиҳоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбаротин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Ислом КАРИМОВ

маслаҳатимизга кирмасанг, массагетлар билан тўқнашишни истасанг, кўприк ясайман деб овора бўлиб ўтирма. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай, дарёдан уч кунлик йўлга кўчиб кетамиз, бемалол дарёдан ўтасан, сўнг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, агар биз билан дарёнинг ўзинг турган қирғоғида учрашмоқчи бўлсанг, уни айт, бунга ҳам биз

рози, фақат номардлик қилма!”

Бу дадил гапларни эшитиб, Кир саросимага тушибди, шошилигич суръатда Эрон сардорларини тўплабди, уларни воқеадан хабардор қилиб, маслаҳат сўрабди. Кўпчиликнинг фикри Тўмарисни Эронга келтириб жанг қилиш устида тўхтабди... Фақат қаҳри қаттиқ вазири Крез бу фикрга қарши чиқибди. Тўмариснинг ерида уруш очишни талаб қилиб, йўл-йўриқ кўрсатибди.

Шундан сўнг Кир Тўмариснинг қирғоқдан узоқлашишини сўраб, дарёнинг Тўмарис турган бетида уруш қилишни билдирибди. Тўмарис ваъдасида туриб уч кунлик йўл босиб кетибди...

Кир ўз қўшини билан дарёдан ўтибди. Кир дарёнинг шу қирғоғида саккиз кун йўл юрибди. Кейин, Крезнинг маслаҳати билан, массагетларга ҳийла тузоғини қурибди. Ноз-неъмат ва ички-

ликларни муҳайё қилиб, энг ёмон аскарлардан бир тўпини орқада қолдириб, энг яхши аскарлар билан олдинга жўнаб кетибди. Массaget қўшинларининг бир тўпи Кайхусрав қолдириб кетган аскарларга беҳосдан ҳужум қилиб, уларни қириб ташлабди. Кейин массagetлар зиёфат устидан чиқиб, тайёр ноз-неъмат ва шароблардан бошини кўтаролмабди. Эронийлар қўшини қайтиб келиб, уларнинг кўпини ўлдирибди, баъзиларини асир қилиб олибди. Асирлар ичида массagetларнинг бошлиғи бўлган Тўмариснинг ўғли Спарганиз ҳам бор экан.

Тўмарис ўз ўғли ва аскарлари воқеасидан хабардор бўлиб, Кирга чопар юбориб, шу сўзларни етказган экан:

“Эй қонхўр Кир, қилган ишинг билан маҳтанмай қўя қол. Сен менинг ўғлимни юзма-юз жангда енгганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб, қўлга туширдинг... Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, зиён-заҳматсиз келган ерингга қайтиб кет, массaget қўшинининг учдан бирини қўлга туширганинг билан ўз элингга керилиб юравер. Агар сўзимга кирмасанг, массagetлар тангриси — Қуён номи билан қасамёд қиламанки, мен сендай очкўз юҳони қон билан суғораман”.

Кир унинг бу сўзларига сира эътибор қилмабди. Тўмариснинг ўғли ёш Спарганиз эса эртаси ҳушига келиб, ҳамма воқеадан хабардор бўлибди, кишандан бўшатишини Кирдан ёлвориб сўрабди. Сўрови бажо келтирилиб, қўл-оёғи банддан озод қилинибди. Аммо у ўз қилган хатосига пушаймон еб, номус кучлилиқ қилиб, ўзини-ўзи ўлдирибди.

Тўмарис Кайхусравга қилган насиҳатлари қор қилмаганлигини эшитибди, барча кучларини

тўплаб отланиб, унга қарши жанг бошлабди. Шиддатли жанг бошланибди. Айтишларича, қўчманчи уруғлар бунгача шундай қаттиқ, шундай даҳшатли жангни сира кўрмаган экан. Даставвал ҳар икки тараф қўшини бир-бирига рўпара туриб, ёйлардан тинмай ўқ ёғдирибди, кейин ўқдонларда ўқ тамом бўлиб, аскарлар бир-бири билан араллашиб кетибди, найзабозлик ва қиличбозлик роса қизибди. Жанг жуда узоқ давом этса ҳам, ҳеч ким жанг майдонини ташлаб чиқиб кетмабди. Ахир пировардида массагетлар енгиб чиқибди. Улар эронийлар қўшинининг кўпини қириб ташлабди, бир кам ўттиз йил салтанат тахтида ҳукм сурган Кирни ўлдиришибди.

Тўмарис жанг тугагандан кейин бир мешни одамзод қони билан тўлдиришни, Кирнинг мурдасини ўликлар ичидан топиб келтиришни буюрибди. Тўмарис унинг бошини қон билан тўлган мешга ботирибди ва подшонинг жасадига ғазаб ва нафрат билан қараб шу сўзларни айтибди: “Эй номард, сен мени, жангда ҳалол енгиб чиққан бир аёлни, маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг. Сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ичган онтимга амал қилиб, сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!”.

Кир ўлимининг қиссаси ана шундай экан.

САРОЙ МУЛК ХОНИМ (БИБИХОНИМ)

Сарой Мулк хоним чигатой улусига мансуб мўғул хонларидан Қозонхоннинг қизи бўлиб, 1341 йилда туғилган. Қозонхон тахтдан азл этилиб, қатл қилинган чоғда Сарой Мулк хоним ҳали беш ёшда эди. Сарой Мулк хоним балоғатга етгач, 1355 йилда Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн уни никоҳига киритди.

1370 йиллар соҳибқирон Амир Темур жангда амир Ҳусайнни енгиб, уни қатл қилдиргач, Мовароуннаҳр ҳукмронлигини ўз қўлига олади. Табиийки, амир Ҳусайннинг бир неча хотинлари бўлиб, ҳарамнинг улуғ бекаси — Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Кутлуғ Оғо эди. Соҳибқирон Амир Темур мақтулнинг ҳарамидаги маликалар орасидан Қозонхоннинг қизи — Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг қизи — Улус Оғони, Хизр Ясурийнинг қизи — Ислом Оғони ҳамда Тағой Туркон Хотунни танлаб олиб, идда муддати уч ой ўтгач, ўз никоҳига киритади.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгач, “кўрагон” унвонига мушарраф бўлди. Кўрагон ибораси мўғулча сўз бўлиб, “куёв” деган маънони ифодалайди. Зеро, Сарой Мулк хоним мўғул хонларидан бирининг қизи бўлгани туфайли соҳибқирон Амир Темур мўғул хонининг куёви, яъни “Амир Темур Кўрагон” номини олган эди.

Соҳибқирон Амир Темур малика Сарой Мулк хонимни ўз никоҳига киритгунга қадар, ҳарамидо бошқа хотинлари ҳам бор эди. Лекин хон авлодига мансуб Сарой Мулк хоним ҳарамдаги барча маликалардан улуғроғи ҳисобланиб, “катта хоним” ёхуд “Бибиҳоним” деган унвонга ноил

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Ислом КАРИМОВ

бўлади. Албатта, бундай эъзозга мушарраф бўлиш учун ақл-заковат, дид-фаросат, фикрлаш доирасининг улканлиги бош омил бўлган. Зотан, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Сарой Мулк хоним замона-

сининг юксак идрокли, фаросатли, тадбиркор ва ақл-заковат соҳибаси, ҳусн-латофат бобида ҳам беназири эди. Сарой Мулк хоним инсонпарвар, ватанни севгувчи, мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидан яхшигина хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган аёл эди. Айниқса, илм-маърифатга алоҳида эътибор ила қарар, толиби илмларга ҳомийлик қиларди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий юришларида Сарой Мулк хоним кўпинча бирга юрган. Тарихий манбаларнинг яқдиллик билан берган маълумотларига кўра, ўта зийрак, тадбиркор Сарой Мулк хоним салтанатни бошқаришда вужудга келган айрим муаммоларни ҳал қилишда ўзининг оқилона маслаҳатлари билан фаол қатнашган. Амир Темур Сарой Мулк хонимга ошкора бўйсунмаса-да, бироқ унинг оқилона маслаҳатларига ўзида қандайдир эҳтиёж сезиб турган. Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга қарши юриш бошлаганда, Исфaxonнинг қамали

кўпга чўзилиб, кўшинни озуқа билан таъминлашга маблағ етишмай қолади. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сарой Мулк хонимга мактуб жўнатади. Мактуб қисқа бўлиб, “Кўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг”, дейилганди. Сарой Мулк хоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мактубнинг орқа томонига “Улуғ амир, зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадими?” — деб ёзади ва уни чопарга тутқазади.

Амир Темур мактубни олгач, Сарой Мулк хонимнинг кинояли замзамасини ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят бир қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган кўй, қорамол, от ва туя суякларини ўша кунгидея қилиб, турли ҳажмларда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, унга пўлат муҳрни қиздириб тамға бостиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритишга фармон беради. Натижада, кўшни шаҳар ва қишлоқларда суяк пулга кўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфакон таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади.

Амир Темур саройида жорий қилинган тартибга кўра, чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳукмдор ёнида хотинлари ҳам иштирок этишган. Испания қироли Генрих III нинг Самарқанд ҳукмдори Амир Темур ҳузурига юборган элчиси Рюи Гонзалес де Клавихонинг ёзишича, 1402 йил 8 сентябрь душанба куни Амир Темур Самарқанд четидаги “Дилкушо” боғида элчиларни қабул қилади. Қабул маросими катта зиёфат ва тантана билан бошланган. Клавихонинг ҳикоя қилишича, қабул маросимида ҳукмдор Темурнинг ёнида Сарой Мулк хоним бош-

лиқ бошқа хотинлари ҳам юзларига парда ташлаб ўтирганлар.

Нақл қилишларича, Сарой Мулк хоним кунлардан бир кун ўз жамғармаси ҳисобига, савоблик учун худо йўлида бир мадраса бино қилдиришга эри Амир Темурдан ижозат сўрайди. Ҳукмдордан рухсат бўлгач, отаси Қозонхон томонидан совға қилинган бир жуфт олмос балдоғини сотувга қўйиб, бу маблағни мадраса қурилишига сарфлайди ва энг моҳир усталар иштирокида бунёд эттиради.

Афсуски, Сарой Мулк хоним мадрасаси узоқ турмади. Ривоятларга кўра XVI аср охирида Бухоро амири Абдуллахон темурийларга хусумати туфайли, махсус фармон билан мадрасани буздириб ташлади. Фақат мадраса ёнига қурилган мақбарагина сақланиб қолган.

Самарқандда машҳур Бибихоним масжиди жомеъси ҳам бор. Бу масжидни Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, 1399—1404 йиллар мобайнида ўзининг улуг бекаси Сарой Мулк хонимга атаб қурдирган.

1405 йил 18 февралда соҳибқирон Амир Темур Ўтрорда вафот қилгач, Самарқанд тахтига унинг набираси Халил Султон Мирзо (1384—1411) ўтирди. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига кўра, Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасади ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги мақбарага “тош тобут”га солиб, мўмиёланиб дафн қилинган. 1941 йил июнь ойида Гўри Амир мақбарасида абадий уйқуга кетган Амир Темур, Шохруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо ва Улуғбек Мирзоларнинг қабрлари очиб текширилади. Сарой Мулк хоним қабри ҳам очилиб, жасадни текшириш мақсади-

да Тошкентга олиб келишган. Кейинчалик яна Самарқандга олиб бориб қўйилган.

Соҳибқирон Амир Темур Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо соҳибқирон ўз ўғли Шохруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди.

ГУЛБАДАН БЕГИМ

Гулбадан бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобур-шоҳнинг Дилдор бегим номли хотинидан туғилган учинчи қизидир. Гулбадан бегим 1523 йили Кобулда туғилган. Унинг онаси Дилдор бегимнинг ҳақиқий исми — Солиҳа Султон бегим бўлиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг амакиси Султон Маҳмуд Мирзонинг қизи эди. Гулбадан бегим отаси Бобур подшоҳнинг фармонига кўра катта онаси, яъни Ҳумоюн Мирзонинг онаси — Моҳим бегим қўлида тарбияланади. Моҳим бегим Бобур подшоҳнинг энг севикли катта хотини, ҳукмдорнинг хотинлари орасида энг оқила ва билимдони эди. Бинобарин, 1525 йили Гулбадан бегимни Моҳим бегим ўз тарбиясига олади. Гулбадан бегим ҳар иккала онасини ҳам самимий эъзозлаган. У ўз асарида онасини “Дилдор бегим” деб, Моҳим бегимни эса “онам ҳазратлари” деб тилга олади.

Гулбадан бегим 1529 йилгача Кобулда яшайди. Бобур Ҳиндистонни қўлга киритгач, Моҳим бегим билан бирга подшоҳ отасининг ҳузурига — Аграга боради. Отаси Бобур вафотидан сўнг, акаси — Ҳумоюн подшоҳ саройида яшайди. 1539 йилда Гулбадан бегимни Хизр Хўжахонга турмушга чиқарадилар. У бир ўғил кўради, исмини Са-

одатёр деб атайдилар. 1556 йили Ҳумоюн подшоҳ вафотидан сўнг салтанат тахтига унинг ўғли Жалолиддин Акбаршоҳ (1542—1605) ўтиргач, шоҳнинг онаси Ҳамида бону билан Гулбадан бегим саройга — Деҳлига қайтиб келадилар. Ана шундан сўнг, Гулбадан бегим то умрининг охиригача жияни Акбар подшоҳ саройида яшайди.

Гулбадан бегим ўз замонасининг оқила, донишманд аёлларидан эди. У жияни Жалолиддин Акбар подшоҳнинг “Фирдавс макон ва жаннат ошён Ҳазрат ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз, ёзингиз”, — деган ишорасига мувофиқ, “Ҳумоюннома” номли ажойиб ва муҳим тарихий асарини ёзишга киришади. “Ҳумоюннома” Бобур подшоҳ билан Ҳумоюн подшоҳнинг ҳаёт тарзи ва саргузаштларининг мухтасар тарихи бўлиб, мантиқан “Бобурнома”нинг давомидир. Бу асарнинг муҳимлиги яна шундаки, “Бобурнома” асаридаги айрим воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари мукаммал очиб берилади.

Гулбадан бегим ўз асарида сарой аҳлининг ҳаёт тарзи, шунингдек, тарихий асарларда учрамайдиган Бобур подшоҳ хонадонининг нозик хусусиятлари, оилавий шароитлари, тўй ва аза билан боғлиқ удумлар, уй-рўзғор асбоблари, кийим-кечак турлари каби жиҳозлари ҳақида муфассал ҳикоя қилади. Аммо, афсуски, асарнинг охириги қисми ўша замоннинг суронли йилларида йўқolib кетган.

Мир Маҳди Мирзонинг “Тазкират ул-ҳавотин” асарида келтирилган “Севгисиз ҳаётда маъно йўқ” мазмунидаги икки байтига қараганда, Гулбадан бегимнинг ғазалиётдан ҳам хабари бўлган.

“Акбарнома” асарининг муаллифи Абул Фазлнинг берган маълумотига қараганда, 1575 йилда Гулбадан бегим Каъбатулло зиёратига жўнаб кетади ва 1582 йилда кўп қийинчиликлар билан зиёратгоҳдан қайтиб келади. Абул Фазлнинг ёзишича, Гулбадан бегим 1603 йилда 80 ёшида вафот этади. Акбар подшоҳ уни катта ҳурмат ва эҳтиром билан дафн эттиради. Акбар подшоҳнинг ўзи Гулбадан бегим тобутини ўғил сифатида кўтариб, дафн маросимида ўғиллик бурчини эътимомига етказди.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ

Зебуннисо бегим Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳнинг панневараси Абу Зафар Муҳи-йиддин Муҳаммад Аврангзеб (тахтбеаги) Олам-гирнинг қизи. Унинг онаси Дилрасбону Шоҳна-возхоннинг қизи бўлиб, Бобурнинг Гулбадан бегим исмли қизига бориб туташади. Зебуннисо бегим 1639 йилнинг февраль ойида Деҳлида ту-филган.

Унинг отаси Аврангзеб (1618—1707) ёшлиги-даноқ диндорлиги билан ном чиқарган эди.

Зебуннисо бегим ўз замонасининг фозила аёл-ларидан Ҳафиза Марям Бону қўлида савод чи-қарган. Отаси Зебуннисонинг шоирлик истеъдо-дини пайқаб, унга ўз даврининг етук олимлари-дан Мулло Муҳаммад Ашраф Исфаконий ва Мулла Жевонни муаллим қилиб тайинлайди. Зе-буннисо бегим забардаст шоира, етук олима, уста танбур чертувчи созанда ва моҳир хаттот бўлиб етишади. Араб-форс тилларининг сарфу наҳв (морфология ва синтаксис)ини, фикҳ (қонуншу-нослик), мантиқ, фалсафа, тарих фанларини пухта ўзлаштиради. У настаълиқ, насҳ ва шикаста хат-ларини зўр маҳорат ила битган. Куръонни бир неча маротаба ҳуснихатда кўчирган ва ёдда қироат билан ўқиган. Зебуннисо бегим араб ва форс тил-лари сарфу наҳвини эгаллаб, шу тилларда ҳам ижод қилди.

Зебуннисо бегим олимларга, шоирларга ва санъат аҳдларига ҳомийлик кўрсатиб, уларга маош тўлаб турган. “Олами Ислом” тазкирасидаги “Зебуннисо бегим отаси ҳукмдорлик билан қозонолмаган шуҳратни илм ва одоб билан қозонган” жумлалари фикримизни тасдиқлайди.

Зебуннисо бегим бир қатор шогирдпешаларни илм-маърифат, одоб ва ғазалиёт бобида тарбиялаб, камолотга етказган. Шарқнинг машҳур шоири Мирзо Абдуқодир Бедил ўз қизини Зебуннисо бегим тарбиясига топширган. Натижада у шоиралик даражасигача етишган. “Мунтахабуттаворих” ва бошқа асарлардаги қуйидаги байт Мирзо Бедил қизига нисбат берилган:

*Ёрам маро ва хонае танҳо нишонду рафт,
Гуфтам, ким ман ғуборам, доман фишонду рафт.*

Мазмуни: Ёрим мени бир уйга ёлғиз ташлади-ю кетди, ҳатто йўлингда ғуборингман десам ҳам этагини қоқди-ю кетди.

1922 йилда чоп этилган “Кобул” журналининг 10-сонида Зебуннисо бегим ҳақида шундай маълумот учрайди: “Зебуннисо бегимнинг чиройли бир девони бўлган. Яна тасаввуф фалсафасига оид “Мунис ул-арвоҳ” асари ҳам бор. Тафсир соҳасида 769 ғарзнома “Зеб ат-тафсир” (“Гўзал тафсир”лар)ни ёзди. Бундан ташқари, илоҳиётга доир “Зеб ан-нашаот” номли асар ёзиб, уни устози хотирасига бағишлади. Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуриламал бўлиб қолган “Фатавойи оламгирий” (“Шариат қонунлари мажмуаси”) асарини форс тилига таржима ҳам қилдириди. Кўриниб турибдики, Зебуннисо бегим ўз замонасининг оқила ва зукко қизи, ўша муҳитнинг баркамол зиёлиси эди.

Зебуннисо бегимнинг ҳаёт йўли афсонавий воқеаларга бой. Унинг насли ота тарафидан ҳам, она тарафидан ҳам Бобур подшоҳга бориб тута-шади. Демак, шоҳ қизи, боз устига ақл ва идрок-да тенгсиз, юксак шеърӣ истеъдод соҳибаси, назм мулкининг маликаси, маликалар ичра гўзали... Зебуннисо бегим ҳусну латофат ва малоҳат-да беназир, фазилатда беқиёс бўлса-да, 63 йил-лик умри давомида ўзига муносиб, ҳамдард ёр топа олмади. У 1702 йилда 63 ёшида Деҳлида ва-фот этди. Уни Деҳлидаги “Зарзарӣ” қабристо-нига дафн қилишган.

НОДИРА

Нодира юксак бадий истеъдод соҳибаси, дилкаш, самимий, маърифатпарвар ўзбек аёлидир. У Увайсий, Маҳзуна, Дилшод, Анбар отин каби ўзбек мумтоз шоиралари сафининг сардори бўлган.

Шоира 1792 йили Андижон ҳокими Раҳмонкулибий оиласида туғилди. Ўткир зеҳнли Нодира отин ойи қўлида таълим олди, хусусий мутолаа билан шуғулланди. Шарқ мумтоз адабиётини жиддий ўрганди, шеърлар машқ қилиб, ёшлигидаёқ шоира сифатида танилди. Унинг улғайиш йиллари адабиёт аҳли даврасида кечди. 1808 йили Қўқон хони Норбўтабийнинг ўғли Умархон билан оила қурди. 1810 йилгача Марғилонда, ундан кейин умрининг охиригача Қўқонда яшади. Нодира Муҳаммадалихон ва Султонмаҳмудхон исмли ўғиллар тарбиялади. Амирий тахаллуси билан ажойиб шеърлар яратган Амир Умархон 1822 йилда вафот этиб, умр йўлдоши Нодирани ёлғизлатиб кетди.

Йирик шоир Амирий билан бирга ўтказган ҳаёт даври Нодира қисматининг бахтли онларини ташкил этди. Бу даврда у турмуш лаззатларидан баҳраманд бўлди. Фарзанд тарбиялади, табиат ва ҳаёт гўзалликларини тараннум этувчи ажойиб шеърлар ёзди. Бироқ Амир Умархоннинг ногаҳоний ўлими туфайли Нодира назмидаги шодлик ва бахт

туйғулари ўрнини алам ва айрилиқ изтироблари тасвири эгаллади. Ҳақиқий ишқ тасвири кучайди, тасаввуфий рамзу тимсоллар чуқур ишланди, соғинч ва армон нолалари ривож топди. Нодири бадийий ижод билан астойдил шугулланди. Нодира Макнуна, Комила тахаллуслари билан шеърлар ёзиб, мукаммал девон яратишга муяссар бўлди.

Амир Умархон вафотидан кейин Нодири давлат ишларида ҳам бош-қош бўлди, бу борада ўғли Муҳаммадалихонга ҳомийлик қилди. У ижтимоий умрини эзгу ишларга сафарбар этди. Шоиранинг мана бу доно сўзлари унинг ижтимоий фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топди:

*Хушо оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фонийдан ўзини некном айлаб.*

Нодири эзгу ишлар бунёд этди ва ўтар дунёда яхши ном қолдирди.

Нодири ислом динига самимий эътиқод қўйган, тасаввуф маслагига меҳр боғлаган комил мусулмон шоира эди. У ислом ва тасаввуф йўналишида катта китоблар яратмаган бўлса-да, ижтимоий фаолиятини бу эзгу йўлда шу қадар фидойилик билан сафарбар этдики, унинг саъй-ҳаракати билан дин ҳамда миллат тақомили учун табиий шароит вужудга келди. Шоиранинг амалий фаолияти назарий ва маърифий ютуқлар омили бўлди. Нодири ушбу тарихий хизматларини девони дебодасида ифтихор ва қониқиш ҳислари билан ёзади: “Уламоий дин ривожлариға имдод еткурдим, то шаръи шариф ривож топти, зуҳд аҳлига ихлос ва ақидатан зоҳир қилдим, то дин ва миллат камол топти. Фазлу дониш қабилисига шафқат ва марҳаматдин онча иноятлар кўргуздумким,

эйтибор даражасига тараққий қилдилар. Сойил ва гадоларни талабларига еткуруб, карам ва эҳсон эшикидин ноумид юбормадим. Мусҳафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим. Барчасин холисанлиллоҳ вақф қилдим”. Бундай ифтихор изҳори Нодира ғазалларидан ҳам садо беради:

*Дин Нодирадин камол топди,
Иқбол рафиқу мулки обод.*

Юқоридаги сингари савоб ишларни амалга ошириш Нодира фаолиятининг қатъий шиорига айланган эди. Унинг:

*Айлағил обод тавфиқу адолат мулкени,
Комила, мавло йўлида ҳиммати мардона тут*

байти мазкур шиорнинг бадий ифодасидир.

Аммо носоз ижтимоий муҳит Нодирага вафо қилмади. Феодал жамиятдаги аёвсиз кураш Нодира сингари нодир санъаткорларни ўз манфаати йўлида қурбон қилди. Ақлу дониш ва эзгу фазилатлар соҳиби Нодирайи даврон номи билан шуҳрат қозонган шоира 1842 йили Қўқон босиб олинган пайтда Амир Насрулло томонидан қатл этилди.

АҒҘ БОРКИ,
ОЛАМ МУНАВВАР



Ойниса МУСУРМОНОВА,
Республика “Оила” илмий-амалий
Маркази директори

АЁЛЛАРГА ДАВЛАТ ҒАМХҲҮРЛИГИ

Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уддабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир. Президентимиз Ислон Каримов мустақил мамлакатимизнинг фаол инсонлари бўлган аёллар ҳақида фикр юритиб: “Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз”, деб юксак баҳо бердилар.

Дарҳақиқат, давлатимиз ва унинг раҳбарияти хотин-қизларга катта эътибор беришмоқда. Жамиятимизнинг турли соҳаларида уларнинг фаол иштирок этишлари учун барча шароитларни яратишмоқда. Бу ғамхўрликларга жавобан аёлларимиз бутун куч-ғайратларини ҳур Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун сафарбар этмоқдалар.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан “Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тadbирлар Давлат дастури”нинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши, Олий Мажлиснинг XI сессиясида кенг умумхалқ муҳокамасидан сўнг “Оила Кодекси”нинг бир овоздан қабул қилиниши жуда катта воқеа бўлди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сонли қарори-

га биноан Республика “Оила” илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги аёлларга қанча эътибор берилаётганлигини амалда кўрсатиб турибди.

Бу эътибор йилдан-йилга ошиб, такомиллашиб бормоқда. Муҳтарам йўлбошчимиз томонидан 1999 йилни “Аёллар йили”

*Она — ҳаётнинг гули,
бола — унинг булбули.*

Ўзбек мақоли

деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан “Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги роли-

ни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг Давлат дастури” қабул қилиниши, унинг амалиётга татбиқ этилиши ҳукуватимиз томонидан оила фаровонлиги, тинч-тотувлиги ва барқарорлигини таъминлашга бўлган эътиборидан далолатдир.

Мамлакатимиз мустақиллиги, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Фармони мамлакатимиз аёлларининг жамиятни, давлатни бошқаришдаги билимлари, ақлу заковати, фаҳму фаросати ва имкониятларига бўлган ишончининг ёрқин намунасидир.

Президентимизнинг ушбу Фармонларига биноан Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси-

га Бош вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисига Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари раисларига эса ҳоким ўринбосарлари мақоми берилди. Вазирлар Маҳкамаси таркибида хотин-қизлар ишлари бўлими ташкил этилди.

Албатта Президентимиз, ҳукулатимиз томонидан хотин-қизларимизга билдирилган юксак ишончнинг замирида уларга хос бўлган буюк оналик меҳр-муҳаббатлари, куч ва ғайратлари, ноёб истеъдодларини тўла намоён этиб, ватанимизнинг гуллаб-яшнашида ўзларининг муносиб улушларини қўшишдек масъулиятли вазифа ётибди. Ишончимиз комилки, республикамиз хотин-қизлари ушбу вазифани виждонан бажариш қудратига эгадирлар. Чунки, бизнинг момоларимиз ичида Тўмарисдек шавкатли ҳукмдорлар, Сарой Мулкхонимдек оқила маслаҳатгўй сиёсатдонлар, Нодирабегимдек адиб ва давлат арбоблари, Гулбаданбегим, Зебуннисобегим, Жаҳон отин, Увайсий, Самарбону, Нозимахоним, Анбар отин, Дилшод отин, Зулфия, Саида Зуннунова, Ойдин Собирова каби забардаст шоираю фозилалар, Турсуной Саидазимова, Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним, Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова каби дунёга машҳур буюк санъаткорлар, Хадича Сулаймонова, Раҳима Аминова, Фозила Сулаймонова, Сабоҳат Азимжонова, Мазлума

Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида муътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Ислом КАРИМОВ

Асқарова, Нозима Дехқонхўжаева, Хатима Шайхова, Мамлакат Восиқова, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова, Дилором Шарипова каби юзлаб заҳматкаш олималарнинг етишиб чиққанлигидан ғурурланамиз.

Ҳозирги кунда эса М. Азимова, М. Темурова, С. Фаниева, М. Сайфуддинова каби юзлаб, минглаб аёлларимиз республикамиз ишлаб чиқаришида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан намуна бўлмоқдалар. З. Ҳайитова, М. Бозорова, Г. Умарова, Д. Тошмуҳаммедова,

Аёл фидойилик нималигини тушунибгина қолмай, ўзи ҳам фидойилик намунасини кўрсатишга қодир бўлган зот.

И. ТУРГЕНЕВ

М. Юсупова, Ш. Юсупова, Р. Жулаева каби моҳир раҳбарлар, тадбиркор аёлларимиз ҳам мамлакатимиз гуллаб-яшнашида ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар.

Жаҳон маданияти ва маънавияти хазинасига Ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб алломаи замоналарни дунёга келтириб, тарбиялаб берган ҳам бизнинг заминда камолга етган аёллардир.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, қўлга киритилган истиқлолимизнинг абадийлигини таъминлашда, ўтмиш аجدодларимиз анъаналарини давом эттиришда хотин-қизларимизнинг улушлари ниҳоятда юксак.

Жумладан, республика аҳолисининг 51 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, ислохотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигида 39 фоиз, илм-фанда 37 фоиз, халқ хўжалигида 42 фоиз

соғлиқни сақлаш тизимида 73 фоиз, халқ таълимида 59 фоиз хотин-қизлар меҳнат қилмоқдалар.

Республикамизда 4 миллионга яқин oilалар мавжуд бўлиб, 58,7 фоиз oilа кўп болали, яъни 5 ва ундан ортиқ фарзандларни тарбияламоқда. Ўртача oilа аъзолари сони 5,5 кишини ташкил этади.

Республикамизда oilий ва ўрта махсус таълимга эга бўлган мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёллардир. Илмий ходимларнинг 37 фоизи, шу жумладан фан докторларининг 11 фоизи, фан номзодларининг 26 фоизи хотин-қизлардан иборат.

Ўзбекистонда 2 аёл Ўзбекистон Республикаси ФАнинг ҳақиқий аъзоси, 9 аёл Фанлар Академияси мухбир аъзосидир.

Ўзбекистон хотин-қизларининг республика oilий бошқарув органларида ҳам ўз вакиллари бор. Бош вазир ўринбосарларидан бири, Oilий Мажлис раис ўринбосарларидан бири, Oilий Мажлисининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва ижтимоий муҳофаза қўмитасининг раиси, Oilий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам аёллардандир. Шунингдек, Oilий Мажлисида 21 нафар депутат аёл фаолият кўрсатмоқда.

Республика хотин-қизларининг физкультура ва спортни ривожлантиришдаги роли ҳам диққатга сазовордир. Улар жаҳон миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда фаол иштирок этмоқдалар. Л. А. Чирязова фристайл бўйича жаҳон чемпиони, олимпия ўйинлари чемпиони унвонига сазовор бўлди. Ирода Тўлаганова Тошкентда ўтказилган XV халқаро ўсмирлар турнири финалчиси

Оқила, гўзал аёллар ўларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан oilидаги, қоливерси, бутун жамиятдаги мувоzanатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Ислом КАРИМОВ

бўлди. Оксана Чусавитина гимнастика бўйича 3 марта жаҳон чемпиони, Фотима Галиулина велоспорт бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Саида Искандарова сузиш бўйича иккинчи Марказий Осиё ўйинлари кумуш ва бронза медаллари, Осиё ва Океания чемпионатининг кумуш ва бронза медаллари совриндори, Саида

*Аёлна сева билмагин одам
дунёнинг энг гўзал сирларидан
бехабар ўтади.*

СТЕНДАЛЬ

Бурхонхўжаева ва М. Иноятвалар стол тенниси бўйича мусулмон давлатлари биринчилигида 1-ўрин, бутунжаҳон ўсмирлар ўйинида эса

3-ўринларни эгалладилар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси терма командаси таркибида спортнинг 29 тури бўйича 539 хотин-қиз халқаро мусобақаларда иштирок этди.

Республикамизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида турли йўналишларда иш олиб бориш, оила масалаларини илмий-амалий ўрганиш бўйича қатор давлат ва нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 1998 йилни “Оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган Республика “Оила” илмий-амалий Маркази оила маънавияти, оила ҳуқуқи, оила демографияси, оила психологияси ва этнопсихологияси, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг тиббий биологик асослари каби муҳим масалаларни илмий-амалий ўрганиш, олға сурилган илғор ғояларни республикамиз оилаларини ҳар томонлама шакллантиришда амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати туфайли ўндан ортиқ хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Республи-

ка хотин-қизлар кўмитаси ва унинг қуйи бўғинлари, “Олима” уюшмаси, “Тадбиркор аёллар” уюшмаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Давлат ва жамият қурилишида фаоллик кўрса-таётган хотин-қизларимизнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Мустақиллик йилларида турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилиб, жамиятимиз тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшаётган хотин-қизларимиздан 4 нафари энг юксак “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, 200 дан ортиқ аёлларимиз турли давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

1999 йил — “Аёллар йили” муносабати билан хотин-қизларнинг адабиёт ва санъат, фан, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик, жамоатчилик фаолиятидаги улкан хизматлари учун “Нодирабегим”, “Гулбаданбегим”, “Гавҳаршодбегим” ва “Зулфия” мукофотлари таъсис этилмоқда.

Шарқда аёл қадимдан муқаддас зот сифатида улуғланиб келади. Шунинг учун ҳам ҳудудимизда хотин-қизлар номи билан боғлиқ муқаддас жойлар, тарихий обидалар кўплаб топилади. Самарқанддаги “Бибиҳоним” мақбараси (Амир Темурнинг рафиқалари), Бухородаги “Қизбиби”, Хоразмдаги “Бибиҳожар она” (Нажмиддин Кубронинг оналари), “Бекажон бека” (Ферузнинг опалари), Тошкент вилоятидаги “Анбар она” (Зангиотанинг завжаи муҳтарамалари) тарихий обидалари шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида оилада соғлом авлодни шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш замирида жамиятимиз учун ҳар томонлама барка-

*Дано аёл! Агар эринг барча
бўш вақтини сен учун
сарфлашини истасан,
унга ҳеч қачон қўрмаган,
ҳис қилмаган иззат-иқром
ва лаззатлар ато қил.*

ПИФАГОР

мол фуқароларни тарбиялаб етиштириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, ҳукуматга қарашли бўлмаган “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Республика “Бола-лар” жамғармаси, “Камолот”, “Улуғбек”, “Устоз”, “Умид”, “Абу Али ибн Сино” жамғармалари ташкил этилди. Австриянинг “SOS КИНДЕРДОРФ” хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган “СОС болалар маҳалласи”, “Она-бола скрининги” тизимининг яратилганлиги, ҳар бир вилоятда аёллар саломатлигини текширувчи ва ёрдам берувчи “Авто Амбуланс”ларнинг иш олиб бораётганлиги аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Аёлларимиз ва уларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни, ўзига хос роли ҳақида янада кўп ҳикоя қилиш мумкин. Ишонч билан айта оламизки, хотин-қизларимиз Президентимиз, республика раҳбарияти кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлик, алоҳида эътибор ва қўллаб-қувватлашларига жавобан янада фаол, ғайрат-шижоат билан ишлаб, дунё миқёсида ҳам ўзларини намоён этадилар.

АЁЛНИ АРДОҚЛАНГ...

Одамзот онгли ҳаёт бошлаган замонлардан бери инсоният аёлларга ихлос қўйиб, уни севиб, ас-раб, ардоқлаб келади. Аёллар ҳам бундай эъзозга муносиб ишқию оламшумул ишлари билан азиз-дурлар.

Тўмарис билан Қурбонжон додхоҳ тарихимизда жанговар тарих яратган аёлларимиздан бўлиб, унутилмас сиймолардир. Уларнинг матонатлари кўп жиҳатдан баҳодир туркий ўғлонлар — бобокалонларимиз Жалолиддин Мангуберди ва Мирзо Бобурлар жасоратларига баробардир.

Ақл-заковатли, мард ва донолиги билан дунёга донг таратган Тўмарис жаҳон адабиёти қаҳрамонига айланган. Унинг жасорати ҳақида Юнон, Рим ва бутун Оврупо адабиётчилари, тарихчилари асарлар ёздилар. Буюк Алигъери Данте “Илоҳий комедия”сининг “Аъроф” қисмини асосан унинг жасоратига бағишлади ва туркий аёлни шоҳ Кирдан, ҳатто христиан дини пешволарию Рим папаси, Кардинал, Епископ ва қироллардан устун қўйди. Адолат, озодлик, мустақиллик учун курашган жаннатий, деб улуғлади.

Буюк драматург Уильям Шекспир ҳам Тўмарис образини Оврупо аёлларига намуна қилиб ёзган эди. Чунончи, унинг Хенрих VI га бағишлаган драмасида инглиз тажовузчиларига қарши кураш қаҳрамони графиня Овериская “Менинг

режам тайёр, агар ўнгидан келса, Кирни ҳалок қилиш билан ном чиқарган скиф Тўмарисдан кам бўлмаган қаҳрамонлигим ила ном чиқараман” дея аҳд қилади. “Кирнинг вафоти” трагедиясининг муаллифи, француз драматурги Ф. Кино эса, Тўмарис момомизни француз халқининг миллий қаҳрамони бўлмиш Жанна Д’Арк даражасида улуғлайди.

Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади.

Япон мақоли

Рус империяси Туркистонни босиб олиш учун қонли юриш бошлаганида “Олой маликаси” деб ном олган Қурбонжон ўзи сардорлик қила-

ётган элни чор Россияси армиясидан мардлик билан ҳимоя қилди. Уни енгилга илож тополмаган рус генераллари, шахсан генерал Скобелев “Аёл генерал” билан сулҳ тузишга ва кўплаб асирларини озод қилишга мажбур бўлади.

Ҳамиша яхшилик ва эзгуликка интиланган ўзбек аёли — онанинг жаҳоншумул қадр қимматини, унинг умуминсоний мазмунини аниқлашда ва юксак баҳолашда бизнинг доно момоларимиз дунё олимларидан юқори турганлари маълум.

“Инсон онасини, — деб ёзади шоира Анбар отин, — ҳар нечук донишманд энагаси деб билурман, ул она шундоқ онадур ва моҳир донодулки, Афлотун, Лақуможис ва Дониёлни, Хизр ва Илёсни, Искандару Дорони, Луқмон ва Сулаймонни, Ибн Сино ва Улугбекни, Жомий ва Саъдийни, Навоий ва Фирдавсийни, Бедил ва Хайёмни, Нодири ва Увайсийни, мени ва сени ўз қорнида кўтариб, турли офатлардан сақлаб, еган ғизосидан расамат бериб, тўқсон тўққиз дардни тортиб, туғиб... кўзимизни очиб, оламни кўриш қобилиятига даввору моҳир қилибдур”.

Улуғ саркарда бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темурдай давлатпаноҳ покиза туйғулару буюк ниятга тўлиқ қалб эгаси бўлмиш Тегинабегим жисмида дунёга келди. Эл-юрт, қавм-қариндош, табаррук замин, Ватанга муҳаббат у садоқат унга онасининг юрак нуридан қуйилди. Буюк шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг улуғлиги ҳам онаси Кутлунигор бегимнинг яхши ниятларию меҳр-оқибатли парваришларидандир.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

Ислом КАРИМОВ

Демакки, жамиятни оналар обод қиларкан, жамият ҳам оналарга ёруғ юз ўтириши ва уларга хизмат қилиши, муносиб меҳр-мурувват кўрсатиши жоиздир. Президентимизнинг мамлакатимизда 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилиши муҳтарама оналарга мустақил давлатимиз ва жамиятимиз эҳтироми ва ҳурматидир. Оналарнинг давлат ва жамият олдидаги бебаҳо хизматлари “Аёллар йили”да ўз эътибори, ҳурмати ва эъзозини топиши турган гап. Зеро, бу йил “Аёлларга эътибор — жамиятга ва унинг келажагига эътибор” деган шиор остида ўтгусидир.

Мен қишлоқда туғилиб ўсганман. Ҳозир ҳам бир оёғим қишлоқда. Бир вақтлар ажиб воқеанинг гувоҳи бўлганман ва уни “Ҳилола” номли қиссамда айнан ёзганман. Ўшандай воқеалар бугун ҳам мавжуд. Бригадир эр билан кетмончи хотини ўртасида ким кўп юриб ишлайди, деган баҳс кетади. Иккиси оёқларига “Шагомер” — ўлчоғич асбоб боғлаб олиб, тонгдан то тунгача “қадам ўлчагич”да юрадилар. Натижа қандоқ бўлибди, денг? Эрнинг тонгдан тунгача далада юрганию идорама-идора қатнагани, пахта пунк-

тига бориб келгани хотинининг юришидан уч марта кам чиқибди. Хотинининг рўзгор юмушидаги ҳаракатининг ўзи эрининг дала юмушларидаги борди-келдисидан кўп экан. Ўшанда эр хотинига қойил қолиб, ҳайитлик учун атлас кўйлак олиб берганди.

Демоқчиманки, аёлингиз хизматини сира камситманг, азизлар.

Қисқаси, аёллар жамиятда катта куч. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шахс, ҳар бири ўзгача тарих. Уларни қадрласа арзийди!

Ўзбек аёллари қўл урмаган соҳа йўқ. Улар давлат, жамоат, саноат ва деҳқончилик соҳасида кўзга кўринарли ишларни бажармоқдалар. Бўритош Шодиева, Дилбар Фуломова каби давлат арбоблари, Р. Ҳакимова, М. Сайфуддинова каби халқ депутатлари, Ёзозхон, Замирахон каби номдор деҳқонлар билан фахрланамиз.

Мустақиллик нашъасини суриб, уни мадҳ этувчи аёл шоираларимиз Ойдин, Ҳалима, Гулчеҳра, Қутлибекаю Зухроларимиз бугунги Зебуннисоларимиздир.

Ўзбекистон булбули ҳисобланган Ҳалимахону Саодатхонлар қаторига Кумушхону Гулбаҳорлар қўшилмоқда.

Аёлларнинг энг кўп вақти меҳнатда ўтади. Уларнинг бўш вақти эркакларнинг бўш вақтига қараганда анча камдир. “Аёллар йили” ана шу эҳтиёжларга ҳам эътибор берадиган йил бўлғусидир.

Хуллас, аёлни асраган эр ва эл ҳеч қачон кам бўлмагай.

*Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг ўринбосари*

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим!

Оила бахти мўътабар аёлларимиз шарофатидандир.

Маълумки, инсон фарзанди илк турмуш сабоғини олий даргоҳ, яъни, ўз оиласида олади. Шу маънода Президентимиз томонидан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди.

Аллоҳ таоло оиланинг муқаддаслиги, унинг нақадар улуғлиги ҳақида Қуръони Каримда шундай баён қилади: **“Ўз жинсларингиздан Сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишоналаридандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир”**. (“Рум”-21)

Инсон ўз ҳаёти мобайнида оила қуради, фарзанд кўради ва шу тариқа ўз наслини сақлайди. Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай туриб унинг келажаги тўғрисида қайғуришга буюрилади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифда айтадиларки:

“Аёл диёнати ёки молу дунёси ёхуд ҳусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин, барака топгур!”

Бундан мурод, уйланиш ниятидаги киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида, қиз (аёл)нинг

фақат хуснига ёки бойлигига алданиб қолмасин, балки хулқу одоби, дину диёнатига ҳам албатта аҳамият бериши лозимлиги таъкидланган. Чунки, қизнинг ота-онаси бойлигига қизиқиб уйланиб, сўнг миннат балосига гирифтор бўлганлар

ёки хусну жамолига маҳлиё бўлиб, бунинг орқасидан бир қанча фитна-фасодларга дучор бўлганлар оз бўлсада учраб туради.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифларида: “Кимнинг укта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат кунини жаннатга киритади”, — дедилар. Шунда бир киши туриб: “Иккита қизи бўлса-чи, эй Аллоҳнинг Расули?” — деб сўради. “Иккита қизи бўлса ҳам”, — деб айтдилар. Он ҳазратларидан: “Битта бўлса-чи?” — деб сўради иккинчи киши. “Битта қизи бўлса ҳам”, — деб жавоб бердилар Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом.

Имом ал-БУХОРИЙ

Мазкур уч хислат, яъни молу дунёси, хусну жамоли, унинг устига ахлоқ-одоби ва диёнати ҳам зиёда бўлган қизларимиз ҳаётимизда йўқ эмас. Шу боис динимизда ахлоқ-одобли, оқила, шарму ҳаёли, аёллик иффати, нафосатига эга бўлган жуфти ҳалол танлашликка буюрилади. Зеро, бўлғуси рўзгор соҳибаси ва ўз фарзандларининг суюкли, меҳрибон онаси бўлмиш учун

бунда албатта оилада мураббий, яъни ота-оналарнинг вазифалари беқийсдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифларида айтадиларки: **“Кимки уйланса, ўз диёнатининг ярмини мустаҳкамлаган бўлади ва қолган ярмини ўзи эҳтиёт қилсин”.**

Одамлар Жаноб Расулуллоҳдан аёллар хусусида тез-тез фатво сўрайдиган бўлишди. Шу боисдан Аллоҳ таоло **“Сиздан аёллар хусусида фатво сўрайдилар...”** деган ояти каримасини нозил қилди. Аллоҳ таолонинг **“Уларга уйланишга рағбат**

қиласизлар” деган қавлидан мурод шуки, Аллоҳ таоло етим қизларга уларнинг моли ва жамоли учун шаръий маҳр бермасдан уйланишдан, агар хунук бўлсалар, уларнинг моли қўлдан кетмасин, деб ўзлари уйланмай, бировга ҳам эрга бермай зулм қилишдан қайтаради.

Ислом дини аёл кишини — бокира қиз, опасингил, умр йўлдош ва мўътабар она сифатида эъозлайди. Диёримизда таваллуд топиб, ўзларининг ахлоқ-одоблари билан барчага намуна бўлган фозила, олима, шоира ва давлат раҳбарлигигача кўтарилган аёлларимиз: Зебуннисо, Увайсий, Маҳзуна, Анбар отин, Нодирабегим каби момоларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифларида айтадиларки: **“Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортиқ ҳадя қилолмайди”**. Иккинчи Ҳадисда эса: **“Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар”**, — деганлар. Албатта, бунда ҳар бир ота-она ахлоқий фазилатларини аввало ўзларида мужассам этишлари билан бошқаларга ва фарзандларига намуна бўлмоқлари керак. Акс ҳолда фарзандларидан кутаётган хайрли ишларининг тескарисини бўлиши мумкин.

Ёшлик — бу ажойиб бир даврдир. Уни эҳтиёт қилиш, йигит-қизлар ўз умрини бефойда, самарасиз ўтказишларига йўл қўймаслик, биз, катталарнинг ёшларимиз олдидаги масъулиятли вазифамиздир. Ҳар бир инсоннинг дунёга келишига ота-она сабабчи бўлса, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида устозлари сабабчи, дейди доно халқимиз. Аввало, фарзандларимизни устозлар ва умуман ўзидан катта одамларни ҳурмат

қилишга, кичикларни иззат қилишга ўргатишимиз керак.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг жуда кўп оятларида ўзидан бошқа нарсага ибодат қилмасликка, ундан сўнг ота-онага яхшилик қилишга буюради. “Исро” сураси шундай деб марҳамат қилади:

“Парвардигоринг фақат унинг ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга “уфф” дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт”. Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни тут ва “Эй, Парвардигор, улар мени ёшлигимда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин” деб айт”. (“Исро”, 23-24)

“Луқмон” сурасида эса: **“Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди; уни сутдан ажратиш икки йил ичидадир. Менга ва ота-онага шукр қилгин...” (“Луқмон”, 14)**

Юқоридаги оятда “Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик...”, дейишидан биламизки, бу ердаги тавсия сўзи кўпчилик тушунганидек, ихтиёрий иш эмас. Балки Аллоҳ таолонинг амридир. Чунки, бу оят давомида ота-она ҳурматини жойига қўйиш сабаблари ҳам баён қилиниб берилган. Яъни, она ҳомиладорлик вақтидан то фарзанд дунёга келгунга қадар бир қанча машаққатларни бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам фарзандда отадан ҳам онанинг ҳаққи кўпроқ бўлади.

“Аҳқоф” сурасида эса: “Биз инсонни ота-оналарига яхшилик қилишга буюрдик. Зеро, она унга

ҳомиладорлик даврида ва таваллуд топишда кўп машаққат чеккандир". ("Аҳкоф", 15)

Ривоятда айтилишича, бир киши елкасида она-сини кўтариб олиб Каъбани тавоф қилдирар эди. Тавофдан тўхтагач, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан, онамнинг ҳаққини адо қилдим-ми, деб сўради.

— Йўқ, бу ишинг онанинг қийналган бир ҳолига ҳам тўғри келмайди, — дедилар.

Бошқа бир ҳадисда айтиладики: **“Қайси бир мусулмон ота-онасини ҳар куни зиёрат қилиб турса, Аллоҳ таоло унга жаннат эшикларидан иккитасини очиб қўяр. Агар улардан бири барҳаёт бўлиб, уни зиёрат қилиб турган бўлса, бир эшик очиб қўйилади. Агар уларнинг биронтасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ундан норози бўлур. Ҳатто, ота-она фарзандига зулм қилган ҳолда ҳам уларни розилигини топмоқ зарур**”. Бу билан, жамиятнинг ажралмас қисми бўлган оилани мустаҳкамлаш, ҳар бир фарзанднинг ота-оналарига ғамхўр бўлишлари ниҳоят даражада аҳамиятли эканлиги таъкидлаб ўтилган.

МЕНГА ЕТИБ КЕЛМАГАН ХАТ

ЭЛЛИК ТҮРТИНЧИ ЙИЛИ Саидахондан бир хат олдим. Унда аввал ҳам хат юборганини айтган эди.

“Билмадим, бу юббраётганим хатми, ҳикоями ё бошимдан ўтган савдоларми? Ўқиган бўлсангиз, ўзингиз бирон нима деб номларсиз...”

Саидахон айтган ўша хат менга етиб келмаганди. “Бошимдан ўтган савдолар” деганида хат етиб келмагани аён бўлди.

Қайтиб келдим. Саидахон билан дийдор кўришдик. Бир куни у ўша хатдан гап бошлади. Олмаганимни айтдим.

— Хатда анча гап бор эди. Нималар ёзганимни ҳозир айтиб беролмайман. Уйма-уй кўчиб юрганимда хатнинг қораламаси ҳам йўқолиб кетган. Афсус, юрагимдаги бутун дард-ҳасратларимни қоғозга тўкиб, кўнглимни бўшатиб олган эдим.

Яқинда иш кабинетимни таъмир қилиш учун китобларни, асарларимиз босилган газета-журналларни, қўлёзмаларни айвонга олиб чиқдик. Шунда Саидахон кўпдан тополмай юрган, йўқолиб кетган деб гумон қилган хатнинг қоралама нусхаси чиқиб қолди. Бундан қирқ тўрт йил муқаддам ёзилган бу хат анча хиралашиб, қора қалам



ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ:
Манзурахон Мадалиева, Ойшахон Қўчқорова,
Муяссар Темирова, Онесия Саитова





Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия



Академик Г.А. Пугаченкова













Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги
"Чорвадор" масъуляти чекланган жамият
чорвадорлари



Ўзбекистон нафақат пахтага
кон, балки сифатли пилласи,
ширин-шакар мевалари
билан ҳам оламга машҳур.
Бу соҳаларда аёлларнинг
ўрни алоҳида



Наманган вилояти Поп туманидаги
“Сирдарё” жамоа хўжалиги бригада
бошлиғи Дилором Раҳматова











Ўзбекистон халқ депутатлари



Олий Мажлис
Раиси ўринбосари
Бўритош Шодиева



Қасба уюшмалари
федерацияси Кенгаши раиси
Дилбар Жаҳонгирова



Республиканинг машхур олима аёллари



Ўзбекистон Хотин-қизлар
кўмитаси раёсати аъзолари







Шарқшунослик институтида кўплаб илмга чанқоқ ёшлар ўқишади





Тошкентнинг ижтимоий йўналишдаги республика махсус
гимназиясида иқтидорли ёшлар билим олишади








Моҳир теннисчи
Ирода Тўлаганова











Мусаввир аёлларимиз – Шаҳноза Мўминова, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Хушрўя Маматова,
Шаҳноза Абдуллаева ва Гулнора Раҳмоновалар





Шоира Шарифа Салимова



Зебуннисо.

Мусаввир Т. Жамолиддинов



Нодира. Мусаввир А. Назиров



Увайсий.

Мусаввир П. Воронкин



“Она уйлари”.

Мусаввир Р. Ахмедов





билан ёзилгани учун кўп жойлари ўчиб кетган эди. Мук тушиб ўқий бошладим.

“...Мен учун ҳамма йўллар беркилган. Радио, газета-журналлар, нашриётларга йўл йўқ. Ёзганларимни редакциялар олмайди. Радиода биттагина “Кокилинг” деган қўшиғимни баъзан эшиттириб туришарди. У ҳам тўхтади. Шу қўшиқнинг куйига Уйғун бошқа шеър ёзиб берибди. Рўзгорнинг ҳам таги кўриниб қолган. Қайнона-келин бир-биримизга қараб мунгайиб ўтирамыз. Бирор жойга иш сўраб бораёй десам, Уйғун ҳамма ташкилотларга ишга олманглар деб хат юбориб қўйган. Нима қилишимни билмайман. Ўйлаб-ўйлаб 15 ёшга тўлганимда дадам совға қилган тилла соатимни сотиб, бир эски ёзув машинкасини олдим.

Нашриётдаги машинисткаларга кўчиртириш учун тез-тез қўлёзмалар олиб келишади. Лекин, ўзларининг ишлари кўп бўлганидан гоҳида қайтариб беришарди. Энди келган қўлёзмаларни менга юборишяпти. Сал ишларим юришгандек бўлди. Оз бўлса ҳам қўлим пул кўрди. Бир қисмига рўзгор қилиб, яна бир қисмига у-бу олиб, сизга посилка юбораман.

Ойим саҳар пайти бомдод намозини ўқишга туради. Мени уйғотиб юбормаслик учун жойнамоз устида паст товушда Куръон тиловат қилади. Тиловатдан сўнг мени узоқ дуо қилади. Ёстиқдан бош кўтариб кулоқ соламан. “Э, худойим, шу мусофиргинани ўзинг қўлла! Шу фариштагинага тикилганларнинг юзини тескари қил! Бола бечора келин бўлиб нима ҳаловат кўрди... Келин бўлиб яйраб-яшнамади. “Борса-келмас”да банди зиндон бўлиб юрган боламнинг мушкулени

осон қил! Қаҳри қаттиқ Исталиннинг кўнглига
инсоф солгин! Келин бўлиб рўшнолик кўрмаган,
ўйнаб-куладиган, яйраб-яшнайдиган пайтида
азобларда ўртанган шу бегуноҳ келингинамнинг
йўлларида фовларни олиб ташла! Рўшнолик
кўрсин шу болагинам...”

*Яшнаб, очилиб менга қараб
келдингми?*

*Мекрингни табассумга ўраб
келдингми?*

*Ул кун кетиб эрдиг-ку олиб
қалбимни,*

*Бул кун яна жонимни сўраб
келдингми?*

Жалолиддин РУМЎЙ

Ойимнинг майин, хаста
овоз билан қилаётган илти-
жоларидан ўпкам тўлиб,
кўзларимга ёш қалқийди.
Ойимни бағримга босиб,
бақриб йиғлагим келади.
Ўзимни босаман. Кўрпани
бошимга тортиб, эзилиб-
эзилиб йиғлайман. Кўзим

тўла ёш билан ухлаб қоламан. Уйғонганимда де-
разадан тушган офтоб стол устидаги биллур кўза-
да чақмоқдек ял-ял ёнади. Унинг акси деворда
нурли шакллар пайдо қилади. Ойим кириб пе-
шонамни силайди.

— Туринг, болам, чой дамладим. Тамадди қи-
либ олинг, — дейди.

Андижондаги ҳовлимиз эсимга келади. Бувим
худди шунақа маҳал ариқ бўйида пиёла ювади.
Бармоғидаги узуги пиёлага текканда чиқ-чиқ
этиб овоз чиқаради. Кейин чой дамлаб, сочиққа
ўраб қўяди. Бошимга келиб: “Тур, тура қол, Са-
ида”, деб бошимни силайди. Шу топда бувим
ҳам чой дамлаб, сингилларимни уйғотяпти. Қан-
доқ беозор, беармон кунлар эди Андижондаги
кунларим! Мени Тошкентга нима боғлаб туриб-
ди? Шу меҳрибон, шу покиза кампир билан тақ-
диримиз бирлашиб кетганиданми? Унга беҳад
меҳр қўйганимданми? Айрилиқ доғида ўртанган

шу мусичадек беозор хотинни ташлаб кетиш менга худди хиёнатдек бўлиб туйилишиданми? Шу мунглиф, кичкинагина жуссасида тоғдек юкни инграмай, фарёд урмай кўтариб юрган жаннати хотинни ташлаб кетиш мумкинми? Биз ойим билан иккимиз битта вужуд бўлиб кетганмиз, ахир! Отилган тошлар икковимизга баробар тегади. Овсиним ҳам, эгачиларим ҳам ойимни мендан қизғанишади. Бизни Фотима-Зухралар деб пичинг қилишади.

Чарчаб, диққат бўлиб қолган пайтларимда ойим: “Юринг, овсинингизникига борамиз”, деб қолади. Меҳмон қиладилар. Ошга уннайдилар. Шунда овсинимнинг бирон гапи ойимга тегиб кетади. Анжанча гапимними, “р”ни айтолмаслигимними эрмак қилса, ойим дарров ўрнидан туриб, тугунини қўлга олади. “Туринг, Саидахон”, дейди. Мени ҳеч кимга чўқиттириб, эрмак қилдириб қўймайди. Энг ширин таомни олдига қўйганда ҳам, “юринг, Саидахон, кетдик”, дерди-да йўлга тушиб кетаверарди.

— Ойи, бекор қилдингиз, овсиним хафа бўлиб қолди, — дейман йўл-йўлакай.

— Хафа бўлса-бўлар! Тилига эҳтиёт бўлсин-да! Билиб қўйинг, сизни уларга талатиб қўймайман. Сиз Андижондек шаҳарни, онангизни, бир этак укаларингизни ташлаб, ёнимда ғамгузорлик қиялпсиз. Ҳар саҳар сизга худодан умр тилайман. Бу кунлар ҳам унут бўлар, болам ҳам келиб қолар. Шунда икковимиз бир-биримизнинг пинжимизга суқилиб яшаганимизни эртақдек эслаб юраимиз.

Биз уйга етиб келганимизда овсинимнинг ўғли велосипедга суяниб, кутиб турган бўлади.

Овсиним ошни сузиб, бир тоғорачада бериб юборади.

— Катта ойи, бирпасдан кейин адам билан ойим келишади, — деб жиянингиз велосипедга миниб жўнаб кетади.

Ойим гиналарни унутиб, уй йиғиштиришга киришади.

— Сиз самоварга ўт ташланг! Пиёлаларни кул билан ювинг. Биласиз-ку, Зухурхон доғ бўлган пиёлада чой ичмайди, — дейдилар.

Зухурхон акани жуда яхши кўраман. Тўғри сўз, ҳалол, бировни ялаб-юлқашни билмайди. Бор гапни тикка бетига айтади.

Билиб турибман, Зухурхон акам бизнинг аразлаб кетганимиздан ранжиган. Эр-хотин жиндек чўқишиб олишган. Бу нохушликни тарқатиш учун эр-хотин келишяпти.

Тахминим тўғри чиқди. Шайхонтоҳур бозорчасидан майда-чуйда харид қилиб келишибди. Ҳеч нарса бўлмагандек ойим уларни хандон-хушхон кутиб олди. Алла-паллагача гаплашиб, ўтириб кетишди.

Кеч кириб, ўз хонамга кирдим. Сизнинг тўнингизни кийиб, машинка босишга ўтирдим. Азиза опа деган яхши бир машинистка бор эди. Ўзига олган қўлёмаларнинг тенг ярмини мента берарди. Ҳақ берилса, баробар бўлишиб олардик. Яқинда у Мухтор Авезовнинг “Абай” романини кўчиришга олганди. Роман жуда катта ҳажмда бўлиб, Азиза опа: “Ҳаммасини ўзингиз босинг, қўлимда иш кўп”, деган эди. Мен ичкари уйда чиқиллатиб машинка босаман. Бир томонига ип боғланган кўзойнагини тақиб, ойим Ҳувайдо ғазалларини овоз чиқариб ўқийди. Баъ-

зан ишимни тўхтатиб, қулоқ соламан. Ойим шикаста овоз билан ғазалларни жуда равон, майин ўқийди. Гоҳида олдига чиқиб, пинжига суқилиб эшитаман. Ойим Ҳувайдони негадир аёл киши деб ўйлайди.

— Болам, биласизми, Ҳувайдо бу ғазалларни худонинг жамолига ошиқ бўлиб битган, — дерди ойим.

Ўзингиз биласиз, уйда ойимнинг тўртта китоби бор. Бири Каломи Аллоҳ. Эсингиздами, уйимизни тинтув қилган терговчи Қуръонни олиб кетаётганда ойим йиғлаб-йиғлаб унинг қўлидан тортиб олганди. Фузулий, Машраб, Ҳувайдо ғазаллари — ойимнинг овунчоғи.

Бир кун ишлагим келмай дангасалигим тутди. Ойимдан ғазал эшитгим келди. У Фузулий ғазалларини ўқиди. Бир жойда тўхтаб, байтни икки-уч марта қайтарди. Мағзини чаққандан кейин менга тушунтира бошлади.

— Фузулий чиройли аёлларга бағишлаб кўп ошиқона ғазаллар биткан. Манави байтни эшитинг:

*Маҳшар кун кўрам дерам ул сарви қоматин,
Гар анда ҳам кўролмасам, кел, кўр қиёматин.*

Биласизми, бу нима дегани? Ёрнинг жамолини қиёматда кўраман, агар қиёматда ҳам кўролмасам қиёматнинг ҳам қиёматини чиқазаман, дегани!

Ойим Машраб ғазалларини кам ўқийди. Ўқиган тақдирда ҳам, албатта: “Э худо, ўзингга тавба!” деб қўяди.

— Нега тавба қиляпсиз? — деб сўрайман.

— Болам, шоҳ Машраб сал девонароқ бўлган эканлар. Баъзан оғизларидан куфр сўзлар ҳам чиқиб кетади. Ҳатто Маккайи Мукаррамани писанд қилмаган пайтлари бўлган. Бир ғазалларида: “Иброҳимдан қолган у эски дўконни на қилай”, дейдилар. Ёки “Этагимнинг гардидан юз минг Хизр пайдо бўлур” дейдилар. Шунақа байтларни ўқисам, охиратим куймасин, иймоним сусаймасин деб, Аллоҳга тавба қиламан.

Ойим тасаввуф фалсафасини билмайди. Учала китобдаги май тўғрисида ғазаллар бор бўлган саҳифаларга хатчўп ташлаб қўйган. Шу саҳифаларни менга ҳам ўқиб бермайди. Ўқинг, десам, қўйинг, болам, охиратимиз куймасин, дейдилар.

Бундан ташқари, ойим бу “қама-қама”ларни Сталин билмайди деб ўйлайди. “Сталин билса, ҳамма маҳбусларни қўйиб юборарди”, деб умид қилади. Сталин ўлганда ойим ниҳоятда хафа бўлди. Сквердаги ҳайкали атрофидан бир неча марта айланиб ўтди.

Сталин ўлди, Берия отилди. Аммо, бирон енгиллик бўлишидан дарак йўқ. Жуда диққат бўлиб кетдим. Усмон Юсупов Министрлар Советига раис бўлиб келди, ойимнинг номидан унга ариза ёздим. Аҳволимизни тушунтирдим.

— Ойи, манави аризани Усмон Юсуповга олиб чиқиб берасиз. У киши ўғлингизни яхши танийди, — дедим.

— Вой, болам, у кишини қайдан топаман?! Борсам, олдига киритишмайди. Ундан кўра, ўзингиз опчиқиб берсангиз яхши бўлармиди, — деди ойим.

Жаҳлим чиқиб кетди. Қайнона-келин ўртасида гап қочди.

— Агар опчиқиб бермасангиз, мен Анди-
жонга кетаман! Ўғлингизни кутиш керак бўлса,
Андижонда ҳам кутавераман! — деб шарт
кўйдим.

Ойим мунғайиб қолди. Кўзларида ёш айлан-
ди. Унга таъсир қилиш учун
янада қаттиқроқ гапирдим.
Ўша гапларимга ҳалигача
пушаймон қиламан. Ўзимни
ҳеч кечиролмайман. Хуллас,
ойим рози бўлди. Эрталаб
вақтли икковимиз “Қизил майдон”га бориб, да-
рахт тагида қимирламай ўтирдик. Соат тўққиз-
ларда Юсуповнинг машинаси узоқдан кўринди.

*Эр-хотиннинг жони икки-
та, нияти битта.*

М.СЕРВАНТЕС

Аризани ойимнинг қўлига бердим.

— Югуринг! Анави милиционер турган эшик-
ка қараб югуринг! — дедим.

Ойим қўлида ариза билан ўқдек отилиб кетди.
Юсупов машинасидан тушаётган пайт ойим анча
берида эди.

— Ҳой, болам! Ҳой, Юсупов болам! — деб қич-
қирди ойим.

Ичкарига кирмоқчи бўлиб турган Юсупов ор-
қасига ўгирилиб қаради. Бу кампир ким экан деб,
бир-икки қадам ойим томон юрди.

— Келинг, ая. Келинг!

— Мен ёзувчи Саид Аҳмаднинг онасиман. Шу
қоғозни сизга олиб келдим. Ҳамма гап шунда
ёзилган. Адолат қилинг, болам! Сиздан бошқа ҳеч
кимдан умидим йўқ.

Юсупов қоғозни олиб, бир нима деди. Ойим
бошини тебратди.

— Қаерга борасиз? Ана, машина элтиб қўяди.

— Йўқ-йўқ!

Ойим шундай дедию зудлик билан орқасига қайтди. Ойим кўздан йироқлашгунча Юсупов орқасидан қараб турди.

Билмадим, нима бўлдию, кўп ўтмай, ҳартугул, мени Бирлашган нашриётга корректор қилиб ишга олишди. Бу нашриётда асосан сиёсий адабиётлар босилади. Пленумларда ўқилган докладлар эрталабгача босмадан чиқарилиб, тарқатилиши керак. Кечаси соат икки-учларгача ишда қолиб кетаман. Муҳаррир ўринбосари Рихси Саҳибоев, ЎзТАГ таржимони Яҳё Йўлдошевлар билан қайтишим керак. Улар сизнинг уйингизда яшаётганимни билиб қолмасинлар деб, олдинроқ пиёда уйга жўнайман. Кўчалар хавфли. Ўғрилар, йўлтўсарлар кўп. Тонготарга яқин уйга яқинлашганимда катта кўчанинг бошида ойим қимирламай кутиб турган бўлади.

— Ҳа, ишингиз ҳам бор бўлсин-а!

У менинг соғ-омонлигимни билгач, пилдираганча олдимга тушиб кетади. Орқасидан ҳовлига кираман. Дастурхонга ўраб қўйилган илиқ овқатни олдимга қўяди. Мудраб-мудраб бир-икки қошиқ овқат ейману ечинмасдан кўрпача устида ухлаб қоламан..."

Қирқ тўрт йил муқаддам ёзилган ушбу хатнинг охирги саҳифаси йўқ эди. Шунинг билан, 1954 йилнинг ўрталарида Саидахондан ҳамма айблар олиб ташланди. Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигига тикланди. Газета-журналларда асарлари бирин-кетин чоп этила бошланди. Уша йили "Гуллар водийси" номли шеърини тўплами ҳам босилиб чиқди.

Ойим қазо қилганда Саидахон ҳамма маросимларини бир фарзанддек адо этди. Унинг ўзи ҳам

то умрининг охирларигача, ойим ундоқ эдилар, ойим бундоқ эдилар, деб эслаб юрди.

Қирқ тўрт йил кўздан яширилган хат бугун қўлимда. Кичкинагина жуссасида шунча ғамларни филдек кўтара олган Саидахоннинг мунис чеҳраси кўз олдимга келди. Ичимдан аламли бир хўрсиниқ отилиб чиқдию бўғзимни куйдирди.

Дунёнинг ишлари шунақа экан-да, чидамай иложинг қанча, деб ўзимни ўзим овутаман.

АЁЛ КИМ ЎЗИ?

Гоҳида шундай гаплар эшитилади:

— Аёл кишига ўхшама!

— Хафа бўлманг, хотин кишилигига бориб хато қилибди-да!

— Аёлга ўхшаб майдалашма!

Мана шу гапни айтган одамнинг ўзи майда! Аёл хусусида бундай демоқдан қўрқингиз ва огоҳ бўлингким, эркакни обод қиладиган ҳам, барбод қиладиган ҳам аёл эканлиги ҳақдир! Аёл боши билан эрни обод қилишни уддалаш учун эркакдан кўра бутунроқ, ундан кўра яхлитроқ бўлиш керак ва Аллоҳ бу қудратни унга насиб этгандир!

...Олой маликаси деб ном олган, саркарда Қурбонжон додхоҳнинг ўғлини осиб ўлдиришга ҳукм этдилар. Дор қурилган. Чандон одам йиғилган. Ҳамманинг дилини ваҳм кемиради. Авжи оломон қалқиб турган бир пайтда, майдонга от суриб Қурбонжон момо кириб келади ва шитоб билан дорга яқинлашади. Сиртмоқ остида турган фарзандининг рўпарасига келиб: “Ўғлим, шаҳид кетиш бизга меросдир”, — дейди ва отини шарт буриб, майдондан чиқиб кетади...

Боласига қурилган дор тагига куч топиб кела олган Аёл у! Фарзандининг жон бериш олдидаги кўзларига тик қараб ризолик айтолган Аёл у! Ўлим олдида жавдираб турган ўғлонига орқа ўгириб кетолган, дўсту душман қошида жировни қўйиб

юбормасликни, отдан беҳуш йиқилмасликни эп-
лолган Аёл у! У Аёл эмас, у — Ирода, у — Орият,
у — Шижоатдир!

* * *

Бир шеър ўқигандим: она бемор, сўниб бора-
ётган шам каби аҳволи тобора орқага кетмоқда.
Ёлғизгина фарзанди бошида мўлтираб ўтирибди.
Ухлаб қолса, онаси узиладигандай, мизғигани
кўрқади. Аммо ғафлат устун келади, онасининг
кўксига бошини қўйганча ўғил ухлаб қолади.
“Шунда, — дейди шоир (ва топган гапини
қаранг!), боласининг уйқусини бузиб юбормас-
лик учун она ўз юрак уришини тўхтатди”.

Бу ёлғон эмас, бу бадиият эмас! Бу — аёлнинг
фарзанди учун тайёр турадиган минг бир имко-
нининг биттаси, холос! Бундай имконга эга экан-
лигини аёлнинг ўзи ҳам билмайди. Бу қудрат ке-
рагида пайдо бўлади, уни худо беради! “Бахтли
бўл, ўғлим!” китобида боласини ҳалокатдан қут-
қариш учун, келаётган юк машинасига ўзини
уриб, уни ағдариб юборган аёл ҳақида гап бор
эди. Тавба дейсан! Аёл ким ўзи! Уни тўғонга
қамалган сувми дегим келади: очилгудай бўлса,
ҳўлу қуруқни баравар ювиб кетади, ювиб кета
олади...

* * *

Бир ҳикояни эслайман: аёл ўз жуфтини еру
кўкка ишонмайди. Қани у шоир айтгандай, бир
гавҳар тош бўлса-ю, тил тагига солиб юрса, мун-
чоққинага айланиб қолса-ю, кўз қорачиғига жой-
лаб олса! Уни қизғаниб тунида уйку, кунида ҳало-

ват йўқ. Жазиллаган рашк ўти сакратиб ўйнайди.
Гўё Эркин Воҳидовнинг:

*Сени ётлар тугул ҳатто қилурман рашк
ўзимдан ҳам,
Узоқроқ термулиб қолсам, бўлурман ғаш
кўзимдан ҳам*

байти шу аёлнинг тилидан айтилгандай!

Аёлнинг чўғ устида юриб асраган жуфти кун келиб қазо қилади. Аёл ёнади, куяди. Қабр устида бағри тўкилиб бўлгунча, кўз ёши тугагунча фарёд чекади. Сўнг қаддини кўтариб, енгил тин олади-да, нимадир деб пичирлайди. Нима дейди дейсизми?! Деганда ҳам ғалати гапни деб қўяди! “Шукр, шукр, энди мендан сени ҳеч ким ололмайди!” — дейди-я! Бу аёл жуфти ёнида турса ҳам унга тўймай яшарди-ку! Уни қизганиб юриб адо бўлди-ку! Тиригида ёнида соғиниб яшаган, ўлгандан кейин куймайди дейсизми? Аммо айни дақиқада эрининг ўлганидан хурсанд! Тавба дейсиз. Аёл зоти ким ўзи? Уни худбин деб бўлмайди, бағритош ҳам деб бўлмайди. Ҳали бу айрилиқнинг унга қимматга тушиши аниқ. Балки куя-куя дард оширар. Бўзлаб юриб, ким биларди дейсиз, эрининг орқасидан кетвориши ҳам ҳеч гапмас! Лекин шу билан бирга, эрини ерга беркитиб қўйганидан мамнун бўлмоқда. Унинг бу феълини қандай тушунмоқ жоиз? Аёл ким ўзи?

* * *

Бу ёруғ дунёда ҳеч бир ғазот аёлнинг она бўлиш дақиқаларидай оғир кечмаган. Фарзанд дунёга келар экан, аёл ўз вужудида кечаётган жараённи, сўнгаларининг қирсиллаётганини шундоққина эшитиб туради. Жисмида ўт югуради. Жон тас-

лим қилаётган кишида нафас қандай бўғизга тиқилиб келса, кўз чаноғидан жилса, бу дунё билан у дунё оралиғининг қилчалик қолиши қай тарзда воқеъ бўлса, янги инсонни шу тариқа топадилар. Назаримда, бола билан бирга ҳар гал онанинг жисмидан жон ҳам ажрайди-ю, бир синоат билан яна жойига қайтади. Яна бир синоат шуки, бола ерга тушган заҳоти, Аллоҳ бу ғазот азобини худди компьютердан ўчирган каби аёлнинг хотирасидан ўчириб юборади. Шунинг учун бирорта аёл зоти у азобли дақиқаларни тилга олиб гапирмайди. Агар у ҳолат миясидан ўчиб кетмаганда эди, ҳеч бир аёл бола-сини кўлига олмаган, бетига қарамаган бўларди!

*Тотнинг кўрки қор билан,
эрнинг кўрки ёр билан.*

Ўйбек мақоли

Аллоҳ жисмингдан фарзанд деган тиконни олади-ю, ўрнига тирноғингнинг учигача тўлдириб ОНАЛИК МЕҲРИНИ солади. Сламинг шу бир парча эт билан тўлади. Ҳамма ипингнинг бир уни шугинага боғланиб қолади.

Мен юқорида бола билан жон ҳам кўчади-ю, яна изига қайтади деб бекор айтибман! Бола билан бирга жон ҳам чиқади, ҳаракатдаги лошинг қолади, холос! Энди сенинг жонинг — шу бола! Оғриси оғрийсан, йиғласа йиғлайсан. Авваллари жонингни қобирғаларинг орасида авайлаб сақлардинг, энди у тўрт томонидан елвизак уриб турадиган ерга тушди. Оҳ, уни асраш нақадар оғир!

...Аёл бола топишдаги дўзахий азобларни эсламайди эмас, эслар экан, фақат бир ҳолатда — қачонки, фарзанди уни куйдирса! Ўшанда ҳам бир синоатни кўрасиз. Унинг фарёдига кулоқ тутиб кўринг:

“Бундан кўра йўқ бўлсанг яхшимасмиди!” —
демайди! “Туғилмай қўя қолсанг бўлмасмиди!” —
демайди! Боласи куйдириб кул қилиб турса ҳам:
“Сени туғмай мен ўлай, болам”, — дейди!

Суякларидан ажратиб бола ясагани каммиди
унинг?!

Этларидан узиб бино қилгани етмасмиди унга?!

Бу қандай феъл? Аёл ким ўзи?

*Тоифамиз, ажиб феъллик, гоҳи ҳайрон ўзимиз,
Билмайдурмиз, дарёмизми ёки олов ўзи биз.*

*Табиат-ку бермиш бизга нозик, нафис билакни,
Нозиккина билакнию энг каттакон юракни.*

*Ҳам демишки, яшамоқнинг андозасин бичурсан
Ва не ташвиш келар бўлса, энг аввало ичурсан.*

*Ўзгаларга бардошу бош ва... ҳоказоки сонсиз,
Ростин айтсак, шу барисин уддалаган аёлмиз!..*

ЭЪЗОЗ

Биз аёлларни севамиз ва кўкларга кўтариб ардоқлашга бурчлимиз. Чунки Аёл, бу — бизни дунёга келтирган Она, бошимиздан меҳр-оқибат нурларини сочиб турган бувижонларимиз, қалбимизга азиз жигарлар бўлган опа-сингилларимиз, қисматимиз ва энг соҳир ҳис-туйғуларимизга шерик умр йўлдошларимиз, жону жаҳонимиз бўлган дилбар қизларимиздир. Уларни севмай, эъзозламай, кўзларимизга тўтиё қилмай бўладими?!

Ҳаёт — мураккаб ва ҳаёт-мамот синовларига ҳамиша бой. Аммо бу машаққатлар ва синовлар муҳиtida биз барибир инсонлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз ва ўзимизни ҳар қандай вазиятда Инсон сифатида намоён этишга ҳаракат қиламиз. Инсонликнинг энг муҳим бурчи ва шартларидан бири — аёлларга қадрли муносабатни, эътиборни йўқотмасликдир. Президентимиз ўз маърузаларидан бирида буни алоҳида таъкидлаб: **“минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади”** — деган эдилар.

Олис тарихда Аёл зоти ўзига муносабатнинг ғоятда хилма-хил шаклларини бошдан кечирган. Ўтмишнинг машҳур шоираларидан бири аёлларимизни анор доналаридай “юзларига парда тор-

туғлик, турурлар бағри қон” деб, нола билан таърифлаган эди. Афсуски, хотин-қизларнинг тарихий-ижтимоий қисматида бундай ҳоллар оз мунча юз берган эмас. Аёлларнинг эмансипацияси, уларнинг эркака, эркаклар билан тенгликка, қадрқимматга интилиши абадий муаммолардан бири бўлиб келаяпти. Бу йўлдаги курашнинг шукуҳсиз ва шукуҳли онлари кўп. Бу — инсоният ўзлигини англаш тарихининг драматик мазмунли саҳифаларини ташкил этади.

Аёлни эъзозлаш, унга юксак эҳтиромлар кўрсатиш ҳам кекса Шарққа хос хусусиятлардан биридир. Мана шундай муҳитда аёлларимиз орасидан Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Анбар отин, Увайсий сингари ва бошқа ёрқин сиймолар етишиб чиқди ҳамда уларнинг порлоқ юлдузлари ўчмай нур сочиб турибди. Кейинги асрларда ҳам аёлларимиз орасидан кўплаб матонатли, улкан истеъдодли нодираи замонлар ўзини кўрсатди. Бугунги ҳуррият кунларида, аёлларимизнинг ажойиб байрами лаҳзаларида биз, XX асрда ўзлигини ёрқин намоён қила олган Зулфия, Сорахоним Эшонтўраева, Тамарахоним, Мукарама Турғунбоева, Фозила Сулаймонова, Нозима Деҳқонхўжаева каби муҳтарам аёлларимиз номини фахр ва гурур билан тилга олгимиз келади.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг бахту саодатини сарбаланд қилиш, инсонлик номини улуғлаш борасида давлат аҳамиятига молик ишлар қилинаяпти, тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, 1998 йилнинг Оила йили, ниҳоят бошимиздан кечаётган жорий, 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинганлигини алоҳида таъкидлашимиз зарур. Йўл-

бошчимиз айтганларидай, Аёллар йили — Инсон манфаатлари ва Оила йилида амалга оширилган улкан ишлар ва тадбирларнинг амалий-мантиқий давоми бўлади.

Мустақиллик бутун давлатимиз, жамиятимиз ҳаётида кенг қўламли уйғонишлар даврини бошлаб берди. Бундай тубли ўзгаришларни аёлларимиз тақдирида ҳам яққол кузатаёلمиз. Республикамизда тадбиркорлик, меҳнатда, бунёдкорликда шахсий ташаббускорликка кенг йўл очилди ва бу ҳаракатда минглаб ўзбек хотин-қизлари ҳам фаол қатнашиб, ўзларининг куч-қобилиятларини яққол намойиш этмоқдалар. Ҳозирги кунда уларнинг орасида ўз тадбиркорлик истеъдодининг дадиллиги билан халқаро миқёсда танилган аёлларимиз бор.

Президентимиз мамлакатимиз келажаги бўлган янги авлоднинг тарбиясига улкан аҳамият бермоқдалар. Ҳозирги кунда ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларида ва марказларида юзлаб ўзбекистонлик ёшлар муваффақият билан таълим олмоқдалар. Мамнуният билан айтамикки, уларнинг орасида ўнлаб ажойиб қизларимиз ҳам бор... Бундай бахтли тақдирни ўтмишдаги аёлларимиз фақат орзу-хаёл қилганлар. Шундай экан, бугунги ҳуррият давридаги ўзбек хотин-қизлари, ёшларимиз ўзларининг порлоқ тақдиридан минг марта рози бўлсалар арзийди.

Истиқлолий ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда инсон қадри, жумладан, аёлларимизнинг ҳурмат-эҳтироми ва эъзози — Президентимиз эътиборида, давлатимиз эътиборида. Бундай давлат, жамият ўсса ўсадики, кам бўлмайди.

Аёлларни бахтли қилиш, уларнинг толеини нурларга чулғаш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

ЗУЛФИЯ ЧИЗГАН СУРАТЛАР

Зулфия опа илк баҳорда таваллуд топган. Де-мак, баҳорнинг тенгдоши.

Баҳорга тенгдош инсоннинг шоир бўлиши — ҳеч кимни ажаблантирмайдиган, табиий бир ҳол.

Аммо, барчага суюкли, эл ардоғида юрадиган шоир бўлиш — Аллоҳ Таоло ҳаммага ҳам ҳадя этаверадиған насиба эмас.

Зулфия опа ана шу насибадан баҳраманд.

*Халқ меҳрида, ёрман эл шуҳратиға,
Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...*

Ҳа, Зулфия опа бахтли аёл, бахтли шоира.

Хўш, ўзбек халқининг Зулфия исмли фарзанди ким, унинг бахти нимадан иборат?

Зулфия — нафақат она Ўзбекистонида, балки дунёнинг жуда кўп пучмоғида давраларга файз бағишлаган, мўътабар минбарларда туриб шеър ўқиган шоира.

Зулфия — Пушкин, Некрасов, Мустай Карим, Қайсин Қулиев, Силва Капутикян сингари жуда кўп шоирларни ўзбекча ҳам сайрата олган таржимон.

Зулфия — Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчиларининг бошини бириктириш ишига фаол ҳисса қўшган, бу бирикувнинг катта кучга айланиши учун бор кучини аямаган халқаро арбоб.

Зулфия — ўзбек маданияти, ўзбек хотин-қизлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этган “Саодат” журналининг муҳаррири, Олий Кенгаш депутати сифатида узоқ йиллар давомида халқ ҳаётига бевосита аралашиб, уни яхшилаш учун курашиб келган жамоат арбоби.

Зулфия — неча-неча қизнинг қўлидан тутиб, адабиёт даргоҳига бошлаб келган, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турган меҳрибон, беминнат, аммо талабчан устоз.

Зулфия — билимдон, нозик таъб, зукко суҳбатдош.

Зулфия — меҳрибон она, буви...

Энг муҳим, энг ғалати томони шунда-ки...

Эндигина камолга етган баравж навниҳолни тасаввур қилинг. Кейин унинг яшин уриб кетган, қоп-қора, шип-шийдам танасини кўз олдингизга келтиринг. Ниҳолнинг “одам бўлиши” нақадар қийинлигини биласиз.

*Эриб кетмагандим севгингдан,
Бўлмаслик-чун бахтингдан жудо,
Бирга қолиш учун сен билан
Куяман-у, бўлмайман адо.*

Зулфия опа ана шу навниҳол фожиасини бошидан кечирган. Қайтадан “одам бўлган”. Ҳамда бугунги кундаги барча эҳтирому мартабасига ана шу қаҳрамонона “қайта туғилгани”дан кейин эришган. Бу жараёни кечириш учун инсон зоти қандай кучга эга бўлиши керак!

Зулфия опа узоқ умри давомида зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, идроки, меҳри, истеъдоди билан бирга ана шу кучни ҳам намоиш қилиб келади.

Зулфия опа бу кучни қаердан олгани маълум, албатта:

*Ватандош, сен бахтиёрлигим,
Сенсиз на куй, на ҳаёт бутун.*

Зулфия опа бир шеърини “Мен чизолмаган сурат” деб номлаган. Халқимизда “камтарга камол” деган нақл бор. Бунинг устига, санъаткор ҳар доим ўз ишидан қоникмаслик ҳисси билан яшайди. Тажрибали устоз шоира ҳар доим “Жасоратнинг баёни қай ранг, Доноликнинг белгиси қай сўз” эканини қидиради. Аммо, унинг шеърларида биз ҳаётнинг, инсон ҳолатининг турлитуман рангин суратларини кўрамиз.

Мана, уларнинг айримлари:

*Беланчада булутдай гўдак...
Чавандозлар қиличларидай
Жўякдаги сувда ётар ой...*

*Паға булут изларини
Ушлаб кўрмагандим ҳеч.
Бунда қолсам юзларимни
Ювар эмиш эрта-кеч.*

*Ҳарир рўмол бўлиб майин,
Уралармиш бўйнимга.
Тутқазармиш само найин,
Ел қанотин куйимга.*

*Қуёш нурин ҳовучида
Ичирармиш чанқасам.
Кийгизармиш камалакдан
Камзул тикиб беқасам...*

Зулфия опанинг ижодий хазинасида бундай суратлар озми?

Бу рангин суратлар манбаини шоирага она юртнинг ҳассос куйчиси устоз Ҳамид Олимжон

кўрсатиб кетган. Улар чизилажак бўёқлар ҳам ўша ерда, яъни ўша манбада.

*Мафтун этганидай мени оқ тонглар,
Куй олиб киради гўзал оқшомлар...*

Бу гўзал борлиқ, макон — табиат. Бироқ ҳар қандай гўзал тасвир гўзаллик намунаси бўлавермайди. Ҳар бир табиат унсурига “жон ато” этилганидагина, у ҳаракатда бўлганидагина ҳақиқий гўзаллик касб этади. Зулфия опа чизган гўзал суратлар, она Ўзбекистонимизнинг ҳар бир манзараси жонли, ҳаракатда. Чунки:

*Одамлар дарёси оқар ёнимдан,
Қарайман:*

Ҳаммаси-ҳаммаси таниш.

Билмайман исмин ҳам, касбин ҳам, аммо,

Биламан, барида буюк интилиш:

Эртани бугунга келтириш учун

Бугундан гўзалроқ дамга шошади.

Ҳаётда ҳали ҳеч тарих кўрмаган

Зафар китобидан варақ очади.

(Бу шеърнинг ёзилганига анча бўлган — қирқ йилдан ошган. Аммо, мазкур сатрлар кўз олдингизга бугунги кун манзарасини келтирмайдими, ундаги ҳаракатда бугунги — мустақил юрт кишилариининг ҳаракати акс этмаганми? Яхши асарнинг эскирмаслиги, ҳар доим долзарб бўлиб қолаверишига бир кичиккина мисол бу...)

Ўзининг камтарона эътирофи ила айтганда “қалам деҳқони” Зулфия опанинг ижодий хазинаси — сирли бир олам: унинг на чек-чегараси бор, на... Бу оламда адашгандан адашиб кезиб

юраверасиз, аммо чиқиб кетиш хаёлингизга ҳам келмайди. Чунки бу оламда шоира она юрти ва жаҳонни кезиб кашф этган дунё ва инсон манзалари сизни сеҳрлаб қўяди. Ўша сеҳр бу оламда сизни гўзал Фарғона ва олис Миср, Ҳиндистоннинг афсонавий гўшаларига сайрга олиб чиқади, қайноқ давраларга олиб киради, жаҳон маданиятининг улкан арбоблари билан таништиради. Бу оламда сиз гўзаллик, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий узвий муносабатни кўрасиз, амин бўласизки, баҳор, садоқат, меҳнат, таянч, орзу, ватан... бўлмаганида, уларни “Одамзод албат ўзи кашф этарди, Кашф этгандай бахт”.

Зулфия опанинг ижодий хазинаси шеърӣ жа-воҳирлардангина иборат эмас. Унда юқорида тилга олинган таржималар, ҳамюртларимиз сурати чизилган очерклар, сафдош шоирларнинг ижодий қиёфаларига чизгилар, ҳам маданий ҳаётдаги улкан воқеа, ҳам устоз Ҳамид Олимжон хотирасига кўрсатилган яна бир эҳтиром — “Зайнаб ва Омон” опера либреттоси... Хуллас, таъбингизга нима маъқул бўлса, ўша нарсани топасиз. Табиатингиз равшанлашади, аллақандай бир қониқиш, қаноат туясиз.

Аммо, шуни ҳам туясизки, сизга бу лаззатни инъом этаётган шоиранинг ўзи безовта, ғалати бир таҳликада яшайди:

*Ўғирламанг қаламим бир кун,
Мени этманг соқов ва чўлоқ...*

Яна шунга амин бўласизки, сизга бу лаззатни инъом этаётган шоира — ҳаётнинг, ижоднинг барча иссиқ-совуғини кўрган инсон — қанчалик фожеий, қанчалик машаққатли бўлмасин, кечир-

ган умридан нолимайди, ундан мусулмон фарзандига хос оддий, инсоний хулоса чиқаради:

*Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иззат нима билдим,
Шу-да бир яшаш!*

Аслида ҳам инсонга шундан ортиқ нима керак?

Бироқ шоиранинг яна бир ўтинчи бор. Гарчи бу ўтинч Зулфиядек шоира учун ортиқчадек туюлади, аммо, донишлик инсон ўз тақдирида бирон-бир вазиятни истисно қилмаслиги кераклигини ҳам тақозо этар экан:

*Қайноқ суйғум,
Куйим,
Совуқ жасадим,
Она-Ватан, ўтинч, бағрингдан қўйма!*

Барча учун ибрат бўлгулик гаплар. Барчамизнинг энг олий бахтимиз, энг олий ниятимиз шу. Аллоҳ барчамиздан ана шу неъматини дариф тутмасин!

Халқимиз суюкли фарзандларини ардоқлаб, эъозлашни билади. Ана шундай суюкли фарзандлардан бири — мустақил республикамизнинг юксак нишони бўлмиш “Дўстлик” орденини биринчилардан бўлиб кўксига таққан халқ шоири Зулфиянинг тўйи мамлакатимизда кенг нишонланди.

Зулфия опа баҳорнинг бошида таваллуд топган. Фасллар ичида одамлар қувонч билан кутиб оладигани — баҳор. Чунки бу фасл янги ҳаво, янги ҳаёт олиб келади.

*Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,
Гоҳ чанқоқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим.
Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,
Меҳр, дўстдан мактуб кутмоқ азмида
Сени куйлайман, Ҳаёт!*

МУАЛЛИМА

Манзурахон мавзу қоидаларини обдон тушун-
тиргач, аста шеър ўқийди:

*Биз қанақа чизиқмиз?
Қаранг, жуда қизиқмиз.
Иккаламиз иноқмиз,
Меҳнатсевар қувноқмиз.
Текисликда турамыз,
Юрсак бирга юрамыз,
Аммо билинг, икковлон
Уришмаймиз ҳеч қачон!*

— Параллель чизиқлар!— деб барабарига жавоб
беришади ўқувчилар ва унга жўр бўлиб, бир зум-
да шеърни ёдлаб олишади. Демак, бугунги мавзу
тушунарли...

“Пифагор теоремаси”, “Айлана”, “Учбурчак”,
“Нуқтажон” каби яна юзлаб шеърларининг бари
қизиқарли, мазмунли, ҳазилга бой.

— “Қизиқарли математика” кечаларини Ман-
зурахон шундай чиройли ўтказадик, — дейди ҳам-
касби, халқ маорифи аълочиси Ҳамидахон Маҳ-
мудова, — бутун мактаб жамоаси, ота-оналар қизи-
қиб иштирок этишади. Ажойиб сценарийлар,
интермедиялар ёзади. Ҳар бир формула асосида
костюмлар тикиб келади. Хуллас, математикага

жон бағишлаб юборади. Алгебра, тригонометриялар сўзлайди, саҳнада.

Манзурахон “Ал-Хоразмий — жаҳоннинг буюк математиги” номли кеча ўтказганида довруғи бутун Қўқонга, Фарғона вилоятига шов-шув бўлди. Қаранг-ки, кечага келган ҳар бир иштирокчи кутиб олувчилар қўлидаги қутичадан битта тенгламани олиб ечиб, ўзи ўтирадиган қатор ва ўринни аниқлаб олади:

*Бобомиз Хоразмий руҳин этиб шод,
Дурдона сўзларин бир-бир этиб ёд,
Қатнашса кечага, кимки, марҳамат!
Лекин тенгламани ечсин у албат.
Илдиздан билинар қатор ва ўрин,
Нотўғри ечганга тегмайди ўрин.*

Демак, ўринсиз қолмаслик учун тенгламани тўғри ҳал қила билиш керак.

Кеча бошидан охиригача шундай ҳазил сатрлар, савол-жавоблар билан ўтади-ки, баҳонада ҳамма Ал-Хоразмийнинг алгебра фанидан биринчи бўлиб китоб ёзганини, ҳисоблашда қулай усуллар яратганини, ҳуллас, унинг барча замонларнинг улуғ математиги бўлганини билиб олади.

1980 йили Ўзбекистон телевидениесида унинг “Билмасвой математика кечасида” номли мусиқали кўрсатуви намоиш этилди. Кейин у “Ал-Хоразмий, алгоритм ва математика” номли саҳна асари яратди ва бу ҳам телевидениеда кўрсатилди. Шу билан Манзурахон ўқитувчиликнинг шоирлик, санъаткорлик эканини ҳам намоён қилди.

Ўша йили республика математикларининг олимпиадаси Қўқондаги 10-мактабда ўтказилди ва академик Восил Қобулов шу мактабнинг математика муаллимаси Манзурахоннинг мавзуига

юқори баҳо берди, “Мен сизнинг билимингизга таъзим қиламан, қизим, раҳмат!” деди.

Қўқон педагогика институтида математика сирларини ўргатган устози, таниқли олим Ҳожикул Мавлонқулов (ҳозир у шаҳар ҳокими) бир куни Манзурани чақириб: “Сиз китоб ёзинг, синглим, республикамиз мактабларининг математика ўқитувчилари ва ўқувчиларига ёрдам бера оладиган китоб яратиш кўлингиздан келади”, деди. Бу гап Манзураҳонни китоб ёзишга ундади. “Саҳнада математика” номли китоби 1991 йили “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилди. Бу ажойиб китоб кам нусхада босилганлиги боис барча мактабларга бориб етмади.

Мустақиллик шарофати билан мактабларга ҳам компьютерлар кириб келди. 1991 йили Манзура республика малака ошириш институтида информатика фани бўйича ўқиб, компьютерлар тилини ўрганиб қайтди.

Муттасил 22 йил бир мактабда математикадан ва мана олти йилдирки, информатикадан дарс бераётган камтарин, фидойи ўқитувчи меҳнатлари яқинда ўз муносиб баҳосини олди. Ҳамкасбларининг таърифича, сандиқларга тушиб кетган мукофотлар юзага чиқди. Республикамиз мустақиллигининг олти йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармони билан Манзура Мадалиевага “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони берилди. Қўқонда, Фарғона вилоятида, қолаверса 10-мактабда тўй бўлиб кетди. Гулдастalar синфхоналарга, Манзураҳоннинг уйларига сифмай кетди.

Оналарнинг обрў-эътиборини жиддий равишда ошириш, уларнинг меҳнатини, жисмоний соғлом, маънавий бой ҳамда ахлоқан пок ёш авлодни тарбиялашдаги хизматини муносиб баҳолашимиз керак. Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Ислом КАРИМОВ

Гулдастанинг энг каттасини ёшлари саксондан ошган устози Сора опа Ҳожиматова олиб келди ва садоқатли шогирдини маҳкам бағрига босиб, юзларидан ўпди...

Аввало инсон бўл, деганларидек, энди икки оғиз гапни Манзурахон яшайдиган Дегрезлик маҳалласи аҳлидан эшитинг.

Мирзахон ака — маҳалла оқсоқоли:

— Манзурахон бамаъни аёл. Турмуш ўртоғи Баҳромжон билан аҳил яшайди. Бири ишчи, бири муаллима. Иккови ҳам маҳаллада оқибатли.

Норхон опа — маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Бирон тadbир ўтказадиган бўлсак, Манзурахон дастур тузиб, бир кечада сценарий ёзиб беради. Ўзи бош бўлиб, тadbирни чиройли уюштиради. Сўзга чиқиб, ҳаммани ўзига қаратади... У озгина еб, оддий кийинишга ўрганган, топган маошига қаноат қиладиган аёл. Уй-жойи ҳам мўъжазгина.

Робихон опа — болалар боқчасида ишлайди:

— Манзурахоннинг одабийлиги, меҳр-оқибати менга ёқади. Айтмоқчи, у маҳалламиз чевари. Кийимларни, кўрпа-ёстиқ жилдларини, авра-астарини, бешик асбобларини шунчалар чиройли тикадики. Фарзандлари тарбияли. Ўғли Раҳимжон — ёлғизман, деб эрка ўсмади. Хунар ўрганди. Устки кийимлар устаси у. Қизлари Дилорому Дилфузахонлар — новвой. Келинлари Раҳимахон — ҳамшира.

Маъмурахон — боқчада тарбиячи:

— Манзурахон кўп ўқийди. Айтсам, ишонмайсиз, “Чолиқуши” романини ёддан билади. “Ўтган кунлар”нинг истаган саҳифасидан сўранг, айтиб беради. Математиклар ҳақидаги китобларни-ку қўяверинг, “Шайтанат”ни бир кечада ўқиб чиқ-

дилар, десам ишонасизми? Кўзлари шишиб кетганидан билдим. Биз кўп янги китобларни Манзураҳондан оламиз. Уйлари — мисоли кутубхона.

Мавжудаҳон — санъаткор:

— Манзура опа асли зиёли оиладан. Опоқ дадалари, яъни Саодат аямизнинг дадалари Нуъмонжон Махсум форс, тожик, араб тилларини яхши биладиган, тарих илмининг устаси бўлганлар. Қўқондаги тарих музейларини яратишда, бойитишда кўп ҳисса қўшганлар.

Манзураҳон Мадалиева — Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Шунчалик унвон берилади, деб ҳеч ўйламагандим. Келин туширганимга бир ҳафта бўлганди, қадами қутлуғ келди. 27 августда 50 ёшга тўлган куним Фармон чиқди. Қўшниларим табриклаб киришса, аввалига ҳеч ишонмадим. Чарчадим, пенсияга чиқсаммикан, деб шогирдлар тайёрлаб юргандим. Юксак эътибордан яна ўн йилга яшардим. Менга эмас, республикамизнинг барча заҳматкаш ўқитувчиларига қаҳрамонлик муборақ бўлсин, дегим келади...

Парталардан ЭҲМлар ёнига қушлардай учиб ўтишган ўқувчилар бизга бир қадар сирли туюлган компьютер тугмаларини босиб, дастурлар тузишади. Манзураҳон ҳайратомуз чизиқларни алифбедай ўқийди. Болаларнинг қизиқишлари, шаштлари шу қадар баландки, ҳозироқ, муаллимаси ният қилгандай, вояга етиб, мўъжизалар яратишса...

Ҳа, ҳар бир фан — мўъжизалар калити. Ўша калитни билиб, севиб, маҳкам тутганларгина эртанинг буюк қасри қопқаларини оча олади. Юртбошимиз “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳақида ўйлаганда, ана шундай шахдди, билимга чанқоқ ўқитувчилар ва Манзураҳонимдай муаллималарга суянган бўлиши табиий.

БОЛАЛАРГА БОЙ МОМО

Ойшахон Қўчқорова тушган машина Наманган шаҳридан қарийб қирқ километр узоқликда жойлашган Норин туманига ярим соатга қолмай етиб келди. Ярим тунда моҳир гинекологни туманнинг бош ҳаками бошлиқ шифокорлар кутиб туришганди. Опани кўриши билан хурсанд бўлганларидан, биттаси беихтиёр “Норинимизда гўё қуёш чиққандай бўлди-ей, опажон!” деб юборди.

Шифокорни дарров палатага бошлашди. Беморнинг аҳволи билан танишган Ойшахон опа аёлларимизнинг ўзига, соғлиғига бўлган ўта лоқайдлигидан ич-ичидан куюниб кетди. Йигирма тўққиз ёшли адвокат жувоннинг бачадони ёрилганди! Шуниси ачинарли ва афсусланарли эдики, бу ёш аёл биринчи фарзандини кўраётганда “операция” қилинган экан. Бу галгисида туғишга тайёрлаш бўлимига анча барвақт келиб ётиши шарт эди. У эса эрининг: “Ҳозирча мана бу дорини ичиб тур, “роддом”га эрталаб борасан”, деганига қулоқ солиб, ўзига шундай кулфатни орттирганди. Энг қизиғи, эри — фельдшер, яъни кичик шифокор, онаси эса анча ёшга бориб қолган “момо”, муаллим. Аҳвол ҳақиқатан ҳам оғир, қон қорин бўшлиғига тарқалганди. Бу — ўта хавфли. Нима қилиш керак? Энди фақат операция ёрдам бера олади.

Ўз иш тажрибасида бундай фавқуллодда ҳолатларга бир неча бор дуч келган ва ҳамиша оналарнинг кунига яраган Ойшахон опа дарров, қўрқмасдан жарроҳлик қайчисини қўлига олди...

Қарийб уч соат давом этган “операция” муваффақиятли якунланди. Ўзига эътиборсизлик қилган аёлнинг жар ёқасида турган ҳаёти сақлаб қолинди!

Жарроҳлик столидан даволаш хонасига ўтказилган бемор аёлнинг оиласи, қариндош-уруғлари, ўлим билан олишувга гувоҳ бўлган норинлик шифокорлар ўз ишининг фидойиси — Ойшахон опага беихтиёр таъзим қилдилар, яна бир янги тонг ўзгача ёришаётганидан мамнун бўлишиб, бир-бирларини чин дилдан қутладилар!

Улар Ойшахон опани кузатаётганда ҳаётга қайтган жувоннинг онаси кўзидаги севинч ёшлари билан дуога қўл очди:

— Халқимиз соғлиғининг сиздай халоскор ҳимоячисини худойим доим ўз паноҳида асрасин!

У йўлда кетаётиб, операция қилинган аёлнинг қайнотасини “Отангга раҳмат, синглим!” деган гапини эслади ва “Менга эса ҳатто отамнинг қўлига сув қуйиш ҳам насиб қилмаган”, дея ўқинди. Сўнг раҳматли волидаи муҳтарамасининг “Энг муҳими, қизим, энди отажонингнинг руҳини шод этиб юрсанг бўлди”, деган ўғити ёдига тушиб, ўзига сал таскин бергандай бўлди...

* * *

Ҳа, Ойшахон опага отасининг қўлига сув қуйиш тугул ҳатто эсини танигандан кейинги илк кўриш ҳам насиб этмаган. У 36 кунлигида падари-бузрукворидан етим қолган. Қишлоқда аввал

оддий деҳқон, кейинчалик бригада ҳисобчиси бўлиб ишлаб юрган Қўчқор ака 1942 йилда, йигирма саккиз ёшида вафот этади. Унинг яна бир армони шуки, отажонисидан ақалли бир дона сурат ҳам қолмаган. У ўн етти ёшида бева қолган онаси — Турсунхон опанинг таърифу тавсифларига, ҳикояларига асосланиб, падари бузрукворининг расмини қалбида чизиб олганди.

Ойшахон опа ҳозир ана шу, юрагидаги отасининг руҳини шод этди. Аслида у эсини таниганидан бери Қўчқор аканинг руҳини шод этиб келяпти...

У Намангандаги 5-ўрта мактабни тугаллаб, Андижондаги тиббиёт институтининг акушер-гинекология факультетини муваффақиятли битирди.

Ойша Қўчқорованинг ўзи ва онаси Турсунхон опа истаганидек, қадрдон Наманганига йўлланма беришди. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасидагилар уни шаҳардаги 2-туғуруқхонага акушер-гинеколог қилиб тайинлашди.

— Рақами 2 бўлса ҳам ўзи Наманганда биринчи, яъни, энг яхши “роддом”, — деди унга оқ йўл тилаган бошқарма бошлиғининг муовини. — У ерда жуда машҳур, тажрибали акушер-гинекологлар ишलाшади. Уларга муносиб шогирд бўлишга интилангиз, асло кам бўлмайсиз, синглим.

Ҳақиқатан ҳам 2-туғуруқхона шаҳарнинг энг олди тиббиёт масканларидан ҳисобланарди. Бу ҳақда Ойшахон институтга боргунча ҳам, талабалик пайтида ҳам орқаваротдан кўп бор эшитганди. Ҳатто Андижонда ўқиб юрган кезлари у ерлик шифокорларнинг “Наманган шаҳридаги 2-туғуруқхона — энг зўр “роддом”, чунки у ерда бутун Фарғона водийсига, қолаверса, республикамизга таниқли акушер-гинеколог Роза Абра-

мова ишлайди”, дея айтилган эътироф-ҳавасларига гувоҳ бўлганди. Омадни қарангки, уни худди шу машҳур тиббиётчи — туғуруқхона бош ҳакимаси Роза Абрамова шогирдликка олди.

— Бир куни қизиқ бўлди, — дейди Ойшахон опа, — кетма-кет иккита аёлни “операция” қилишга тўғри келиб қолди.

Биринчисини устознинг ўзи ҳар доимгидек муваффақиятли бажариб чиқди. Иккинчисига белгиланган ҳакима уйида кутилмаганда бетоб бўлиб қолиб, “операция”га келолмади. Нима қилиш керак? Жарроҳлик хонасига ким киради? Шунда Роза

Натановна менга юзланиб: “Ойшахон, “операция”ни сиз қиласиз”, деди. Мен шартта жарроҳлик қайчисини кўлимга олдим. Лекин барибир устозим биринчи “операция”да ҳаяжонланиши мумкин, деб ўйладими ёки ишончининг тасдиғини кўрмоқчи бўлдими, “операция” пайтида мени ташлаб кетмади. Қараб турди. “Операция” муваффақиятли тутагач, Роза опа мени табриклаб, “Гулим (у киши баъзан мени шундай деб атарди), номигагина маслаҳат сўрадинг-а?!” деб ҳазиллашди...

Шу-шу опанинг “омади” чопти. Тилга тушди. Кўпчилик ундан муолажа олишга интиладиган бўлиб қолди. Ойша опа Қўчқорованинг таклифи билан вилоятда тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳининг фаолияти изчиллашди.

Деярли биринчи марта ўз хузуруларида опа билан учрашиш имкониятига эга бўлган аёллар, айниқса, ёш оналар ва келинчакларнинг “ўз дўхтирлари”га саволлари кўп эди. Ойшахон

*Ҳозиқ табибки, шафқати
бўлғай,*

*Исо-йи Рухулоҳға
нисбати бўлғай:*

*Исо иши чиққан жонни
танга кюрмак дуо била,
Мунунг иши тандин
чиқадуруған жонға мониг
бўлмоқ даво била.*

Алишер НАВОИЙ

Кўчқорова уларга ҳар томонлама малакали, қоникарли жавоб бериб, раҳмат эшитарди. У айна вақтда олис қишлоқларда, тиббиёт маскани ва поликлиникаларда хизмат қилаётган ўрта маълумотли акушер-ҳамширалар билан ҳам суҳбатлар ўтказди, уларга йўл-йўриқлар, маслаҳатлар берди. Соҳага оид энг сўнгги янгиликларни улашди. Сафарлари давомида қишлоқларда аёлларни туғдирувчи баъзи табиб момолар билан танишди. Уларнинг халқ табобатига асосланган фаолиятини бутунлай инкор этмаган ҳолда ҳомиладор аёлларни ҳушёр бўлишга, лоқайдликка берилмасликка даъват этди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг йиғилишларидан бирида яна аёллар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш борасида гап кетганида бу соҳада ниҳоят қувонарли олға силжиш юз бераётгани таъкидланиб, ушбу ўзгаришга муносиб ҳисса қўшаётганларнинг исм-фамилиялари тилга олинганда биринчи навбатда Ойша Кўчқорованинг номи айтиб ўтилди!

Унинг эл соғлиғи йўлидаги фидоийлигини яна бир факт такрор исботлайди: 1974 йилда Наманганда “Санавиация” хизмати янада кучайтирилди. Уни ҳам ушбу хизматга таклиф этишди. Таклифни эшитиши билан у бу тезкор, лекин ғоятда масъулиятли ишда иштирок этиш хоҳишини билдирди. Бир ойда 8—10 марта навбатчилик қилишга тўғри келадиган бу хизмат пайтида у қанчадан-қанча одамларнинг кунига яради. У ҳозир ҳам вилоятда “Санавиация” хизматининг фаолларидан ҳисобланади.

У, асосий иш жойи — 2-туғуруқхонада ҳам малакасини муттасил ошириб бориб, энг моҳир акушер-гинекологга, Роза Абрамованинг ўнг қўлига айланган эди. Шахсан Бош ҳақиманинг тавсия-

си билан у бўлим мудирѝ этиб тайинланди. Унинг муваффақиятларида яна бир фидойи ҳакиманинг хизмати катта бўлди. Надежда Первенцева деган бу аёл ҳам Роза Абрамова каби Наманганда тиббиётнинг акушерлик-гинекология соҳаси бўйича ўзига хос мактаб яратган атоқли шифокор эди. Унинг қизи Людмила Первенцева шундай ҳикоя қилади:

— Бир куни онам ишдан уйга айрича хурсанд ҳолда келиб, “Роза Натановнанинг бир ажойиб шогирди бор. Аллақачон ўз ишининг устаси деб танилган. Қўли ниҳоятда енгил. Яқинда туғуруқхонада бир мураккаб “операция” амалга оширилди. Абрамова бу ишни ҳам унга ишониб топширди. Қойилмақом қилиб уддалади. Она ҳам, чақалоқ ҳам омон сақлаб қолинди. Шу ҳамкасб синглимиз ҳатто менинг баъзи тажрибаларимдан, янгиликларимдан хабардор экан. Мени ҳам устоз деяпти. Опа-сингил, устоз-шогирд бўлиб борапмиз”, деган. Кейин билсам, бу акушер-гинеколог Ойшахон Қўчқорова экан. Раҳматли онам умрининг охиригача у билан фахрланиб юрди. Шогирдлари ҳақида гапиришга тўғри келса, ёки бирон учрашув, йиғинда Наманганнинг етакчи акушер-гинекологлари мавзуида гап кетса, биринчилар қаторида унинг номи ҳам тилга олинарди. Ойшахон Қўчқорова Намангандаги ҳар қандай тиббий жамоада намуна бўлиши мумкин, миллий тиббиётнинг фахри бўлиб, бутун эл-юртга танилса ажабмас, дерди.

Чин устозлар — чалғимајди, деган ҳикматнинг нечоғлик тўғри айтилганини давр яна бир бор исботлади!

Уни 1984 йилда бош ҳакима Лайло Турсунованинг таклифи ва Соғлиқни сақлаш бошқармасининг қўллаб-қувватлови билан Намангандаги

Марказий туғуруқхонага бўлим мудири қилиб ўтказишди. Ташаббускор Бош ҳакима ва моҳир акушер-гинекологнинг жонкуярлиги, қолаверса, аҳил, якдил жамоанинг меҳнати туфайли Марказий туғуруқхона тезда вилоятнинг энг олди тиббиёт масканларидан бири сифатида назарга тушди. Кўп ўтмай, Марказий туғуруқхона ҳузурида реанимация-гематологик бригада тузилди. Чақириқларнинг аксариятига Ойшахон Қўчқорова борарди. Чунки бригада таркибида унинг иштирок этиши операцияларнинг муваффақиятига аниқ кафолат эди.

Ойшахон опа бугунги кунда ўз шогирдларига ана шундай миннатдорлик кулгуларини, севинчларини улашиб келаётган меҳрибон устоз сифатида ҳам машҳур. Унинг йўл-йўриқлари асосида иш ўрганиб, касб сирларини ўзлаштириб, тажрибаларига амал қилиб, фаолият кўрсатаётган тиббиётчиларнинг сони беҳисоб. Улар орасида ҳозирги кунда Наманган акушерлик-гинекология мактабининг йирик жамоаларини муваффақиятли бошқариб келаётган ташкилотчи тиббиётчилар бор. Масалан, шундай садоқатли шогирдлардан бири — Клара Муҳиддинова у ишлаётган Наманган вилоят туғуруқхонасининг Бош ҳакимаси, Лайло Турсунова эса Наманган шаҳридаги 1-туғуруқхонага раҳбарлик қиляпти. Мунаввар Шокировани у ўзига муовин қилиб олди. Мамлакат Худойберганова эса шаҳардаги 3-аёллар маслаҳатхонасининг мудири. Туманларда ишлаётган шогирдлари орасида Дилбар Тожибоева, Санобар Холиқова ва бошқа изланувчан акушер-гинекологлар бор.

Ойшахон Қўчқоровага Президентимиз Фармони билан “Ўзбекистон Қаҳрамони” фахрий унвони берилган кунларда К. Муҳиддинова журна-

листларга берган интервьюсида моҳир устози ҳақида қуйидаги дил сўзларини айтган эди:

— Биз бутун жамоамиз Ойша опа билан фахрланамиз. Масалан, мен меҳнат фаолиятим давомида унинг бирон марта ҳам иш, касб мураккабликларидан нолиганини, оғир соатларда ўзини четга олганини эслай олмайман. Устоз касбига фидойиликнинг ўзига хос тимсолидир. Меҳнат фаолияти даврида у минглаб ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатди. “Ойшахон опанинг қўли тегса бўлди, ҳар қандай оғриқдан асар ҳам қолмайди”, — бу миннатдор оналарнинг дил сўзидир.

Ойшахон опа оилада садоқатли жуфти ҳалол, бетакрор уй бекаси, меҳрибон она. Унинг турмуш ўртоғи Маҳмуджон Аҳадов ҳам тиббиётчи.

Халқ соғлиғининг Қаҳрамон ҳимоячиси, халқ ҳакимаси Ойшахон Қўчқорова ҳақидаги ҳикоямни тугатар эканман, беихтиёр унинг “Болаларга бой Момо” эканлигини эсладим. Зеро, бу бежиз эмас. Ойшахон опадай улуғ момолар кўплиги учун ҳам улар бизнинг, Истиқлолимизнинг эзгу нияти — Соғлом авлод сафига йиғлаб эмас, қўшиқ айтиб қўшилишяпти!

ЗАР ҚЎШИҚ

Бухоролик Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова ишлайдиган очиқ турдаги “Зардўз” ҳиссадорлик жамияти ишчиларидан бири Лола Ботирова қадрдон ҳамкасби, машҳур жамоадоши ҳақида гапираётиб, шундай деб қолди:

— Ижодкорларнинг ҳақиқий изланишлари тўғрисида гапирилганда, “игна билан қудуқ қазишдай машаққатли иш”, дейилади. Зардўзларнинг муваффақиятли ишлари эса, “худди рассомнинг қалами билан чизилгандай”, дея таърифланади. Муяссар опадек машҳур зардўзнинг ҳар бир иши ҳақиқий ижод маҳсулидир. Уларни ҳар қанча таърифласак оз.

— Бўлар бола бошидан, деганларидек, тўнғич фарзандимиз Муяссархон ҳали гўдаклигидаёқ одобли, зийраклиги билан бизни хушнуд этган, — деб эслайди қаҳрамонимизнинг онаси Муҳаббат момо. — Биласиз, одатда бош фарзандлар, айниқса, болалигида бирмунча эркатоё бўлишади. Лекин бу болалик хислатини биз жажжи Муясаримизда ҳечам кузатмаганмиз.

Муяссар мактабда ҳам яхши ўқиди. Муаллимларидан у ҳақда илиқ гаплар эшитардик. Ўсмирлик пайтида унда тикувчиликка алоҳида қизиқиш иштиёқ уйғонди. Бирон нарса тикадиган бўлсам, ёнимдан кетмасди. Кўп ўтмай, мендан сўраб, материал олиб, сингиллари — Мубина,

Мўминаларга уй кўйлаги тайёрлаб бера бошлади. Шунинг учун дугоналари уни “Муяссар чевар” деб аташарди.

Муяссар ўрта мактабни битиргач, шаҳарлик таниш оилалардан бирида туғилган Жўравой исми ғоятда эсли-хушли, фаҳм-фаросатли йигитга турмушга чиқди. Муяссар бир куни бизларни кўргани келганида: “Ойижон, шаҳар раҳбарларидан бўлган Бўринисо Омонова, зардўзлик артелининг директори Робияхон Раҳматова бизларга яқин жойда туришар экан, артелга ишга таклиф этишяпти, нима дейсиз? — деб қолди. Мен ўзимга тенгдош Робияхонни яхши танирдим. У Бухоронинг дадил, ўт-олов аёлларидан эди. Эл ўртасида ўзига хос обрў-иззатга эга бўлган маҳаллий раҳбар аёллардан бири ҳисобланарди. Шунинг учун қизимга: “Робияхон муносиб кўриб, ишга таклиф этаяптими, куёвинг рози бўлса, йўқ демасдан дарров артелга боравер, у — ажойиб аёл, табиийки, бундай одамнинг бошқараётган жамоаси ҳам яхши бўлади”, дедим. Шу тариқа Муяссар 1958 йили зардўзлик артелига қадам қўйди.

— Муяссар Темирова шаҳардан ташқарида, яъни Бухоро туманининг Ўзбекон қишлоғида туғилиб ўсганига қарамай, асосан қадим Бухоронинг одамлари, йигит-қизлари ишлайдиган жамоага тезда ўрганиб, улар билан тил топишиб, қийналмай ишлаб кетди, — деб ҳикоя қилади Лола Ботирова. — Чунки унда зардўзликка иштиёқ ниҳоятда кучли эди. Иккинчидан, биз унда биринчи кунданок ўзига хос туғма дадилликни, аниқроғи, бош устозимиз Робияхон опага ўхшаш ўт-оловликни, шиддатни сезганмиз, кузатганмиз. Балки директоримиз худди шунинг учун ҳам уни кўриши билан, “менда ишлайсан”, дегандир.

Баъзи ёшлар расман касб ўрганиб бўлиб, мустақил ишга ўтгач, сохта “раҳмат”ини айтиб, илк устозидан узоқлашади. Муяссархон эса, ўзига зардўзлик сирларини улашган Махсума опадан нари кетмасди. Ишдан бўш вақтларида, дам олиш пайтларида унинг ёнида бўлишга, атоқли зардўзлар, уларнинг тажрибалари ҳақидаги мароқли, ибратли ҳикояларини тинглашга интиларди. Унинг мақсади иложи борича тезроқ муддатда ҳақиқий, чинакам малакали зардўз бўлиб етишиш эди. Шу боисдан устозига саволлари кўп бўларди. Бир куни Махсума опа шогирдининг саволларига жавоб беравериб чарчайди, аммо унинг ўта қизиқувчанлигидан, яъни касбга ўзини бутунлай бағишлаганлигидан барибир мамнун бўлади ва: “Муяссархон, сен ёш зардўзмисан ёки зардўзшуносмисан?” — дея кулиб шу заҳоти чарчоғини унутади.

1963 йили артелимиз негизида зардўзлик фабрикаси ташкил этилди. Жамоа сафи кенгайиб, унга янги ёш кучлар қўшилиши керак бўлди. Шунда бошлиғимиз Робияхон Раҳматованинг тавсияси билан Муяссар Темирова фабрикага қадам қўяётган ёшларга касб ўргатувчи уста қилиб тайинланди. Уни ўқувчилар, ўрганувчиларнинг илк гуруҳига таништираётганда, директоримиз фахрланиб шундай деган: “Муяссар опангиз яқиндагина, атиги етти йил бурун бизга ишга келганди. Ана шу қисқа даврнинг ўзидаёқ у зардўзликнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишди. Сабаби оддий: унда энг аввало касбга иштиёқ, қизиқиш, муҳаббат ниҳоятда кучли эди. Сизлар ҳам шу йўлдан, яъни илк устозингиз изидан борсангизлар, кам бўлмайсизлар”.

У янги вазифасини ҳам жуда пухта уддалади. Қўлида кетма-кет иш ўрганган ёшларнинг деяр-

ли ҳаммасини ишчи қилиб тарбиялаб, зардўзлар сафига қўшди. Кейинчалик ишлари, изланишлари устозлар, мутахассислар томонидан эътироф этилиб, номлари турли давраларда, ҳатто радио ва газеталарда таъкидланганида, “Мен Муяссар Темированинг шогирдиман!” дейдиганларнинг кўпи ўша илк гуруҳда таълим олган ёшлар эди.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида фабриканинг пойабзал цехи режаларини муттасил бажара олмайдиган қолоқ участкага айланиб қолди. Нима қилиш керак? Фабрика раҳбарияти аввал, камчилик сабабларини ҳар томонлама таҳлил этиб, хулоса чиқариб ишни ўнглаб кетар, деган мақсадда цех бошлиғига қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Лекин, барибир, ишда кутилганидек ўзгариш бўлмади. Шунда директор цех бошлиғи лавозимига ҳеч иккиланмасдан Муяссар Темировани тайинлади...

Зардўзлик буюмлари ва кийимларига эҳтиёж ошиб борганлиги, халқ амалий санъатининг бу ажойиб турига ёшлар даврасида қизиқиш тобора кучаяётганлиги, қолаверса, вилоят туманларидан, “бизларнинг ҳам ўз зардўзчиларимиз бўлса”, деган таклифлар тушаётганлиги туфайли жойларда фабриканинг филиалларини очишга тўғри келди. Фиждувон туманида ана шундай филиал очишга қарор қилинганда фабрика раҳбарияти Муяссар Темировани ҳам у ерга асосий ташкилотчилардан ва муаллимлардан бири қилиб юборди. Туманга машҳур зардўз келганини эшитиб, у кишининг қўлида мен ишлайман, деб интилганларнинг сони кўп эди. Йигит-қизларнинг бундай иштиёқларини кўрган филиал ташкилотчилари фабрика раҳбариятидан белгиланганидан кўпроқ ўринлар беришни илтимос қилишди.

Филиалга аввал ўқувчи, иш ўрганувчи сифатида қабул қилинган ёшларга асосан Муяссар Темирова ҳунар ўргатди. Ҳассос зардўзни махсус жадвал бўйича ўтказиладиган кундалик машғулотлар тугагандан кейин ҳам касбга чанқоқ йигит-қизларнинг давраида кўриш мумкин эди.

Саксон олтинчи йилда иш бошлаган филиал кўп ўтмай ўзининг илк маҳсулотини халққа тақдим этди. Ўзларининг туманида ҳам чиройли зардўзлик буюмлари ва кийимлар тайёрлана бошлаганини кўрган ғиждувонликларнинг қалбида беихтиёр ифтихор туйғулари пайдо бўлди...

Кейинчалик Бухоро шаҳрининг Марказий бозор майдонида, Қорақўл, Бухоро туманларида, шунингдек, Навоий шаҳрида очилган филиалларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиб кетишида ҳам у ерларга махсус бориб муаллимлик қилган, айтилишда етакчи уста сифатида ишлаган фидойи зардўз Муяссар Темированинг хизматлари катта.

Эҳтиёж, зарурат туфайли у зардўзликнинг ташкилий ишлари билан кўпроқ шуғулланиб қолган бўлса-да, асло ижодни ташлаб қўйган эмас.

Ҳа, ҳамкасбимиз, Ўзбекистон халқ рассоми Муяссар Темированинг қўли ҳам, игнаси ҳам, асари ҳам ана шундай ҳайратли, ана шундай мўъжизавий! Бизнинг юртдошларимиз эса, бунга аллақачон, яъни Тошкентдаги муҳташам Халқлар дўстлиги, Туркистон, Санъат саройларидаги, шунингдек, “Бухоро” меҳмонхонасидаги нафис пардаларни кўрганларидаёқ, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида шеърят мулки султонининг улуғ тўйи муносабати билан ишланган, эни 6, баландлиги 4 метр бўлган улкан паннони томоша қилганларидаёқ такрор-такрор амин бўлишган!

Устоз зардўз тўқсон тўртинчи йилдан бошлаб юқори сифатли бадий буюмлар ишлаб чиқариш бригадасини муваффақиятли бошқариб келяпти. Бир сўз билан айтганда, эндиликда очиқ турдаги “Зардўз” ҳиссадорлик жамияти деб аталаётган ишхонанинг кейинги қирқ йил ичида эришган ютуқларида, юксалишларида, қолаверса, бутун Бухоро вилоятида зардўзлик санъатининг равангиди Муяссар Темированинг ҳиссаси ниҳоятда катта. Истиқлол йилларида эса, бу ҳисса янада салмоқдор бўлмоқда.

ЧИМБОЙНИНГ ЧИН ҚИЗИ

Олий тиббий илм маскани мураббийларидан оқ йўл олган Онесия Саитова ишни Шуманай туманидаги қишлоқ шифохонасидан бошлади. Чунки, унинг тақдирини бахт юлдузи Андижонда, тиббиёт институтининг охирги курсларида ўқиб юрган кезлари шу ердаги Пахтачилик институтининг талабаси, шуманайлик Қурбонбой Есенбоев билан боғлаган эди. Деярли кўшни, яқин бўлганлиги учун у ҳаёт тарзи, одат-удумлари, ҳатто муомалалари жуда ўхшаш Шуманай аҳли, хусусан, тиббиётчилари билан тезда тил топишиб кетди. Ёш врач одамларни, энг аввало, киришимлилиги билан хурсанд этди. Аёллар унга “бу дўхтир одамни аввал ширин муомаласи билан даволаркан, сўнг асосий шифога ўтаркан”, деб баҳо бера бошлашди. Қисқа вақт ичида унинг мутахассислигини ҳам яхши билиши аён бўлди. Туман соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари “Хайрият, гинекология бўйича яна битта яхши кадрга эга бўлибмиз, энди аёллар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишдаги камчиликларни тугатишни тезлаштиришга эришсак керак”, деган хулосага келишди.

Ёш врачнинг ташаббуси билан шифохонада биринчи марта махсус “Аёлларга маслаҳат берадиган хона” ташкил этилди. Онесия ишдан бўш кунларини ҳам тиббиёт ташвишлари билан ўтказ-

ди. Масалан, йўл узоқлик қилиб ёки уялиб тиббий маслаҳат олиб туришга келмаётган келинларни, жувонларни истаб, вақти-вақти билан қишлоқларга чиқди. Шундай сафар пайтларида ҳатто машҳур халқ табиблари — момолар билан танишди. Улар ёш шифокорга тан беришиб, уни “Онесия момо” деб эъзозлашарди...

Изланишлар, елиб-югуришлар кўп ўтмай ўзининг ажойиб самарасини берди. Онесия ишлайдиган касалхона ҳақиқий шифохонага айланди. Шуманай эса, оналар ва болалар соғлиги мукамал ҳимояланган, аёллар касалликлари кескин камайган, аниқроғи, бу борада деярли йўқотиш учрамайдиган туман сифатида тилга тушди. Ҳатто бу ердаги янгиликлар ва ибратли тажрибаларга бағишлаб, тиббиётчиларнинг туманлараро йиғилиши ҳам ўтказилди.

Ўз ишига, касбига садоқати билан тилга тушган изланувчан врачнинг довуғи Нукусга ҳам бориб етганди. Уни Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига ишга чақирди. У бу ерда етакчи мутахассис сифатида фаолият кўрсатди. Имкониятдан фойдаланиб, бир неча бор гинекология мактаблари билан довуғ таратган хорижий мамлакатлар шаҳарларида ва Тошкентда малака ошириб қайтди. Нукусдаги республика туғруқхонасига бош врач қилиб юборамиз, дейишганида, ўзига ишонганидан, ҳеч иккиланмай рози бўлди.

У бош шифокор сифатида ишга киришаркан, биринчи галда ҳамкасблари ва акушерларнинг касб малакаларини тағин ҳам оширишни ўйлади. Туғруқхона ходимларидан уч-тўрттасини кетма-кет Тошкентга, малака оширишга юборди. Айни вақтда Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент гинекологлар жамиятининг

ёрдами билан юртимизнинг машхур акушер-гинекологларини Нукусга таклиф этиб, уларнинг тажрибаларини ўрганишди. Туғруқхона қошида тиббий мавзуларда мунтазам ишлаб турадиган машғулотни йўлга қўйди. Тошкент ва Нукусдаги вазирликлар, шаҳар раҳбариятининг кўмаги билан туғруқхонани замонавий,

энг сўнгги тиббиёт техникалари, асбоб-ускуналари билан жиҳозлади.

Онесия Саитова бош туғруқхонада ишларкан, хайрли ишни амалга оширди. У 1990

*Янги туғилган чақалоқнинг
ийғисини — қўшинини би-
ринчи бўлиб эшитадиган
доғи ҳавас қиламан.*

ЗУЛФИЯ

йили дўстлари ва мутасадди кишиларнинг хайрихоҳлиги билан Нукусдаги биринчи республика шифохонасида ихтисослашган гинекология бўлимини ташкил этди. Ўзи раҳбарлик қилаётган туғруқхонада очилган қон қуйиш бўлимида илк марта синовдан ўтган плазма олиш тажрибасини бу ерда ҳам муваффақиятли қўлади.

Эндиликда О. Саитовани бутун Қорақалпоғистон аёллари, оналари яхши билишади. У кишининг доялигида фарзанд кўрганларнинг сони мингта. Шу дўхтир пайдо бўлдию бу ерда оналар ва болаларнинг ўлими деган, қулоққа ёмон, ёқимсиз эшитиладиган нарсаси кескин узоқлашди. Бош туғруқхонани халқ "Саитованинг туғруқхонаси" дейди. Бунда катта маъно бор, албатта.

Фидойи врачга Президентимиз Фармони билан Ватанимизнинг энг олий мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилган кунларда унинг кадрдон ҳамкасбларидан бири, Мухтор Сейдабуллаев Саитова ҳақида гапираётиб, журналистларга бир воқеани алоҳида фахр-ифтихор билан мисол қилиб кўрсатган эди.

— Одатдаги иш кунларининг бирида узоқ Чимбой туманидан ёшгина келинчакни олиб келишди, — дея ҳикоя қилганди М. Сейдабуллаев. — Беморнинг саккиз ойлик ҳомиласи бор бўлиб, аҳволи ниҳоятда оғир эди. Уйида, яна йўлда келаётиб бир неча марта тутқаноқ ружу қилиб, хушидан кетган экан. Кўпчилик кўриб “Кеч келибди, келинчакнинг ҳаётини сақлаб қолиб бўлмайди”, деган фикр билдирди. Шунда Онесия Саитовна: “Йўқ, вақт ўтган эмас, операция қиламиз”, деди. Операцияни ўзи бошқарди. Ҳомила олинди. Беморни сунъий таъминотга ўтказдик. Хаста келинчак, сизлар ишонмасликларингиз мумкин, лекин бу — факт, кўзини очмасдан ўн етти, ҳа, ўн етти кун ётди. Фақат юраги уриб турарди, холос. Тошкентдан чақирилган мутахассислар ҳам “умид қилиш қийин”, деб кетишди. Онесия опа эса, ҳар куни беморнинг бошида. Хуллас, юздан бир имконият бор эди — бетакрор фидойи опамиз шу имкониятни топди! Бемор соғайиб кетди. Қўш бахтнинг ато этилишини қарангки, чақалоқ ҳам соғ-омон қолди. Бу Онесия Саитова учун муваффақиятли ўтган 1800 операциядан бири эди!

Онесия Саитова меҳрибон, ўта шогирдпарвар устоз сифатида ҳам ажралиб туради. Унинг қўл остида ишлаган, йўл-йўриқларини пухта ўрганган, ёрдамидан баҳраманд бўлган, ундан ибрат олган, унга ҳавас қилган ёш тиббиётчиларнинг — акушер-гинекологларнинг саноғи йўқ. Уларни бугунги кунда республиканинг исталган бурчагидан топиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, Онесия Саитова Қорақалпоғистонда ўзининг гинекология мактабини яратди.

Ҳозир Нукусдаги биринчи туғруқхонанинг гинекология бўлимини бошқараётган Онесия Саитова садоқатли умр йўлдош, меҳрибон она ҳам-

дир. Нукусликлар унинг оиласини муносиблик, маданиятлилик ва иноқ-иттифоқликнинг ўзига хос рамзи деб биладилар.

— Ишдаги муваффақиятимни оиламнинг, айниқса дўстим, ёрим, таянчим Қурбонбой Есенбоевнинг кўмагисиз тасаввур қилолмайман, — дейди Онесия Саитова. — Тонгдан шомгача, баъзан шомдан тонггача шифохонада, бемор ёнида қолиб кетган кунларимда у киши ёнинг демасдан оилага, болаларга қарарди. Ишимнинг муваффақиятли яқунланиши қийин бўлган дамларда яхши сўзлар ила руҳлантирарди, кучимга куч қўшарди, ишонч улашарди. Баъзан “Қурбонингман!” деган бир оғиз самимий ҳазили билан ўткинчи тушкун кайфиятимни осмон қадар кўтариб юборарди...

Қутлуғ етмиш беш ёшини қаршилаётган Гулзира момога Қорақалпоғистоннинггина эмас, балки, бутун мамлакатимизнинг момолари, оналари ҳавас қилса арзийди. У киши бир вақтлар қизи “Ким бўлсам экан?” кечасидан сўнг “врач-гинеколог бўламан!” деган орзу билан келганида уни олқишлаб, майли, болам, ўқиб, Чимбойнинг, Қорақалпоғистоннинг бир зўр гинекологи бўл!” деб оқ фотиҳа бергандилар. Худди шундай бўлди! Бу оқ фотиҳа ҳатто Онесия опага “Олтин юлдуз” ҳам ато этди! Оналар тилак-ниятининг қудратини кўрдингизми?!

Гулзира момо, “энг зўр гинеколог” — Қаҳрамон қизингиз билан ҳар қанча фахрланишга ҳақлисиз!

ЎЗБЕКИСТОН — ЯГОНА ВАТАН

Саховатли замин — Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди. Юртимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳақида айниқса сўнгги йилларда кўп гапирилмоқда. Бу аҳиллик, ҳамжиҳатлик кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизлари ҳам халқимиз тарихи каби теран.

Ўзбек заминида яшаб, меҳнат қилиб, илм ва ижод билан шуғулланиб, нашо намо топган турли миллатга мансуб мўътабар зотлар бисёр. Улар шу тупроққа меҳр қўйиб, уни муқаддас Ватан билиб, шу ерда томир отиб — ували-жували бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистоннинг буюк келажagini бунёд этмоқ йўлида меҳнат қилмоқдалар.

Беназир олима, эл-юрт ўртасида беқиёс обрў ва эҳтиром топган зоти муҳтарамлардан бири — Галина Анатольевна Пугаченкова ҳақида унинг шогирди, тарих фанлари доктори, Тошкент Шарқшунослик институтининг профессори Эдуард Ртвеладзе ҳикоя қилади.

Мен мақоламда эрамиздан аввалги 65—8 йилларда яшаб ижод этган таниқли Рим шоири Квинт Курций Флаккнинг “қасидалар”ига киритилган машҳур “CARPE DIEM” иборасини бежиз танламадим. Унинг сўзма-сўз таржимаси — “ўтаётган кунни тут” деган маънони англатади, бу, ўзбекча

қилиб айтадиган бўлсак, “бугунги ишни эртага қўйма”, демакдир.

Назаримда, ана шу ибора таниқли олима Галина Анатольевна Пугаченкованинг бутун ҳаёти, илмий фаолияти мазмунини тўла ифода этадигандек... Зеро, доим ҳар қандай вазиятда кўнгилга тугилган ишни бекаму кўст адо этмоқ — Ўзбекистон ижтимоий фанининг ёрқин намоюндаси Галина Анатольевнанинг бир умрлик шиоридир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, профессор Галина Анатольевна Пугаченкова — Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ маданиятининг беқиёс билимдони, жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида нашр қилинган ҳужжатли-илмий рисолалар ҳамда кўплаб маърифий мақолалар муаллифи. Осиё тарихи ва маданияти тўғрисидаги илмий ишлари билан жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган истеъдод соҳибасидир.

Бундан олтмиш йиллар муқаддам ёш аспирант қиз Галя Ўрта Осиёда қадимшунослик фанига тамал тоши қўйганлардан бири — профессор М.Е.Массон бошчилигидаги Термиз археологик мажмуий экспедициясида илк бор қатнашган эди. Кейинчалик уларнинг тақдири ҳам туташди. Бу зукко қиз ўшандаёқ қазилар ишларисиз Ўрта Осиёнинг қадимий меъморчилиги ва санъатини ўрганиб бўлмаслигини теран ҳис этди. Ана шу тамойил бу фаннинг республикада қандай йўналиш касб этишини белгилаб берди.

Қисқаси, Галина Пугаченкова бу соҳадаги кейинги изланишларнинг асоси бўлиб хизмат қилган ана шу услубнинг кашшофи ҳисобланади. Айниқса, 1959 йили Г.А.Пугаченкова Санъатшунослик институти қошида ташкил қилган дунёда биринчи махсус санъатшунослик экспедицияси бу ишнинг юқори чўққиси бўлди. Экспедиция

фаолиятини Осиё халқлари тарихида муносиб ўрин эгаллаган Кушон даврининг меъморий обидаси — Холчаён харобаларини қазилардан бошлади. Ўшандан буён опа раҳбарлик қилаётган экспедиция Ўзбекистон, айниқса, Сурхондарё вилоятининг қадимги, антик ва ўрта асрларга оид обидаларини топиш ва тадқиқ этиш борасида салмоқли ишларни амалга оширди.

Аёл — уйдаги хазина.

Япон мақоли

Кушон даврининг бетакрор обидалари бўлмиш Айритом, Далварзинтепа, Кампиртепа, Холчаён ва бошқаларни очиш, ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш жараёнида Марказий Осиё халқларининг кўзга кўринган қадимги санъат асарлари — Ўзбекистон бадиий ва моддий маданиятининг ноёб жавоҳирлари топилди.

Мен Галина Анатольевнанинг беқиёс иш қобилияти, тенгсиз заковати ва билим кўламининг кенглигидан доимо ҳайратга тушаман. Унинг тасвирий санъат ва меъморчилик, миниатюра ва глиптика, қадимшунослик ва нумизматика, антик дунё тарихини пухта билиши... Боз устига, Европа тилларидан бир нечасини эгаллашнинг ўзи бўладими, ахир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Галина Анатольевнанинг илмий ишлари доимо қизғин муҳокамаларга сабаб бўлади. Улар хусусида баҳслашилади: тан олинади ёки инкор этилади. Муҳими — ҳеч қачон, ҳеч кимни бепарво қолдирмайди.

Г. Пугаченкова бадиий маданият тарихи борасидаги илмий изланишларида жаҳон санъатшунослик фани ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-маданий жараёнларнинг умумлаштирилган концепциясини ишлаб чиқди. Айниқса, олиманинг Ҳамза номидаги Республика

давлат мукофотиға сазовор бўлган “Ўзбекистоннинг қадимги даврлардан XIX аср ярмигача бўлган санъати” (Л.И.Ремпель билан ҳамкорликда), “Туркменистон санъати”, “Афғонистон санъати”, “Кушонлар давридаги Бақтрия санъати”, “Гандҳара санъати”, “Ўрта Осиё санъати тарихидан очерклар” (Л.И.Ремпель билан ҳамкорликда), “Шимолий Бақтрия — Тоҳаристон. Тарих ва санъат очерклари” (камина билан ҳамкорликда ёзилган) сингари рисолаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Галина Анатольевнанинг илмий-педагогик фаолияти кўп қирралидир. У Ўрта Осиё давлат дорилфунунида ишлаган йиллари Шарқ санъати тарихи, Ўрта Осиё санъати тарихи, Эрон ва Афғонистон бадиий маданияти тарихи сингари янги курсларни ташкил этди ва тарих ҳамда шарқшунослик факультетлари талабаларига сабоқ берди. Кўплаб диплом ва аспирантлик ишларига раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигида бир қанча фан номзоди ва докторлари етишиб чиқди.

Галина Анатольевна чет эл олимлари орасида ҳам муносиб мавқе ва обрўга эга. У Будапешт, Венеция, Москва, Санкт-Петербург, Дамашқ, Деҳли, Дрезден, Кобул, Касабланка, Оксфорд, Токио, Техрон шаҳарларида ўтказилган илмий анжуманларда Ўзбекистон фанини дунёга танитди. Рим музейи, Коллеж Де Франс ҳамда Сорбоннда Ўрта Осиё санъати тарихидан маърузалар ўқиди. 1976 йилда опага Франциядаги Страсбург университетининг “Гонорис Кауза” доктори унвони берилиши ва бир қанча йирик илмий жамиятлар аъзолигига сайланиши олима хизматларининг муносиб тақдирланиши бўлди.

Галина Анатольевна илгари Верный кўргони аталган Алмати шаҳрида рус зиёлилари оиласида

дунёга келган. Бироқ унинг бутун ҳаёти ва илмий фаолияти Ўзбекистон билан боғланди. Шу ерда Ўрта Осиё индустриал институтининг архитектура факультетига ўқишга кириб, уни 1937 йили аъло баҳолар билан тугатди. Шу ерда турмушга чиқиб, уч фарзандни тарбиялади. Галина Анатольевна ўз ватаним деб ҳисоблайдиган шу замонда мўътабар олима бўлиб етишди.

Тақдир менга узоқ йиллар мобайнида опа билан бирга ишлаш бахтини насиб этди. Толиблик йилларимдаёқ унинг қойилмақом лекцияларини мароқ билан тинглардим. Университетни тугатгач, кўп йиллар Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг санъат ва архитектура тарихи бўлимида устоз билан бирга ишладим. Бир неча маротаба Галина Анатольевна раҳбарлигидаги Бактрия ҳамда Сўғд шаҳарчалари қазилмаларида иштирок этдим. Ундан мен тарихий-маданий муаммоларни кенг ва теран тушунишни ўргандим. Зотан, Галина Анатольевнанинг барча илмий ишлари ана шу руҳ билан суғорилган.

Биз қадрли Галина Анатольевнага соғлиқ ва суюмли фани билан яна узоқ йиллар машғул бўлишини, профессор Л.Ремпель ҳайрат билан таъкидлаган чақноқ нигоҳини заковат ва меҳр нури тарк этмаслигини тилаймиз.

СЎЗ ДУРДОНАЛАРИНИ ТЕРИБ...

1968 йил. ПАРИЖ. Профессор Ҳамид Сулаймонов француз миллий кутубхонаси директори жаноб Дэнери ҳузурига кирди, мақсадини айтди. Директорнинг қовоғи солинди. “Бу даргоҳдаги қўлёзмалар шу қадар бебаҳоки, уни кўришга ҳам рухсат эта олмайман”, — деди у қатъий. Кутубхонага кириш амри маҳол бўлиб қолди.

— Жаноб, биз сизларнинг адабиётингиз, маданиятингизни ихлос билан ташвиқ қиламиз... Сиз эса ота-боболаримиз қолдирган илм хазиналаридан баҳра олишга ҳам имкон бермаяпсиз, — деди ўзбек олими.

Директор олимга ҳайратли тикилди:

— Гап нима ҳақида боряпти?

— Мана, мен Мерименинг ажойиб ҳикоялари бўйича кандидатлик иши ёзганман. Рафиқам эса Стендаль ҳақида китоб ёзган...

Директор қўнғироқ тугмасини босди, дарҳол кирган котибага шу китоблар ҳақида тўла маълумот берилишини топширди. Котиба хиёл ўтмай олтин патнисчада бир китоб келтириб тутди. Бу китобни Сулаймонов дарров таниди: у Фозила Сулаймонованинг мазкур асари эди.... Ҳайратдан чехраси ёришиб кетган директор профессор Ҳамид Сулаймоновга кутубхонадан истаганча фойдаланиш учун ижозат берди.

Мана шундан буён орадан йиллар ўтди. Бу фурсат ичида Шарқ маънавиятининг Фарбга таъсирини илм оламида илк бор тадқиқ қилаётган, ишботлашга астойдил бел боғлаган фидойи оли-

ма Фозила Комиловна Сулаймонова Мустақил Ватанимизнинг илк мукофоти “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди. Франциянинг “Академия Пальмаси” ордени соҳибаси бўлди. Бири-биридан истеъдодли шогирдлари сафи кенгайди. Дўстлари яна кўпайди. Жуда салмоқли, қувончли ўзгаришлараро Фозилахонимнинг эътиқодларга содиқ, шижоат, шиддатли юраги ўзгармай қолди. Олима ҳали-ҳануз ўшандай тик, шахдам...

...Фозилахоним чиройли муқовали, дид билан безак берилиб, ихлос билан чоп этилган қалин китобни менга гўдагини узатгандай авайлаб узатади:

— “ШАРҚ ВА ҒАРБ”, — дея китоб номини ўқийман, — олдин ҳам шу сарлавҳали китобингиз бор эди, бу тўлдирилган нашрими?

— Сиз айтаётган китобчада энг қадимги Шарқнинг ғарбга таъсирини тадқиқ қилганман. Бу китоб Уйғониш даври маданияти, адабиётини қиёслаш билан яқунланади. Эҳ-ҳе, ҳали қанча ажойиб даврларни ўрганиш, чоғиштириш, ҳулосалар қилиш керак — ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз...

Фозилахонимнинг овозида “Мен мана бунча ишни қойиллатиб қилиб қўйдим. Ҳатто, тадқиқотларим қадим маданият бешиги бўлган нозик дидли французлар эътиборига тушди. Энди ором олишим керак, ҳордиқ пайти етди”, деган оҳангдан асар ҳам йўқ. Олима Шарқнинг, қолаверса, Туронзаминнинг улкан кашфиётлар майдони бўлганлигини, дунёнинг турли гўшаларида ўз ватани, миллатига ёруғлик бериб ловуллаган, ловуллаётган гулханлар бизнинг замин офтобидан учқун олганини такрор-такрор исбот этмоқчи, кўз-кўзламоқчи.

... Ҳолбуки, Фозилахоним Сулаймонова илм оламига бошқа бир ният билан қадам ташлаган эди. Унинг назарида, Шарқ адабиёти фақат романтизм — орзу-хаёлот олами. Фарб адабиёти эса ҳақиқий ҳаёт кўзгуси. Фозилахоним Стендалнинг “Люсьен Левен” романидаги ишчилар ҳаракати мавзуини талқин қилаётиб ҳам, “Шекспир Ўзбекистонда” деган китоб ёзаётиб ҳам ширин орзулар дунёсида учиб юрган миллатдошларимизни уйғотмоқ истарди. Жаҳоннинг кўзи очиқ халқлари ўз турмушига қисмат, деб қарамайди, кўр-кўрона бўйсунмайди, тақдирини ўзгартиришга интилади.

Янги китобим нашри кўнглимга ўтиришгач, босмахонага бироз пул билан майда-чуйда олиб бордим. Ўзимча шу билан миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчи эдим. Аммо китоб босилишига бош-қош бўлган бир йигит: “Опа, дунёда ҳамма нарса пул билан ўлчанади, деганлар янглишади. Биз Сизни эътиқодларига содиқ, ўзбек фанининг фидойиларидан бири сифатида ҳурмат қиламиз. Бу қимматли китобни аввало ўзимиз учун чиройли нашр қилишга интилдик”, — деди. Умримда қилмаган ишимга қўлим боргани учун қаттиқ уялдим. Лекин шундай ҳалол инсонлар борлигидан беҳад қувондим.

Аёлларнинг йиғини, бўлар-бўлмас орзу-ҳаваслари кўп. Фарзандларининг саломатлигини мустаҳкамлашга, ўқиш, ўргатишга, фикрини чархлашга топилмаган вақтлари маърака-маросимларда, майда-чуйда гап-сўзлар ичида хазондай соврулади.

Ўзимизни тезроқ жамлаб, ўнглаб олишимиз зарур. Юз йиллик хатоларни тўғрилаш учун яна юз йил керак, деган беҳуда гап-сўзларга ишон-

маслик зарур. Инсон ўзи қаттиқ хоҳласа, Тангри қўллаши билан жуда улуғ мўъжизаларга қодир. Гулдай қизларимизнинг чеҳраларини қора чодраларга ўрамайлик, ўн беш ёшидан рўзгор ғорига итариб жоҳиллик қилмайлик. Илм-хунар берайлик, оёққа турғизайлик. Кўзи очиқ, теран тафаккурли миллатгина тарих майдонида яшаб қолади.

Фозилахоним бу гапни айтиш учун, англатиш учун турли имконлар изларди — йирик таваллуд саналари нишонланаётган хориж ёзувчилари ҳақида радио, матбуотга мақолалар тайёрларди, тунлари уларнинг асарларини қисқача шарҳ қилиб, ўзи ўқитувчилик қилаётган Ўрта Осиё давлат университети студентларига ўргатар эди.

Тақдир бу аёлга катта мақсадли юрак билан бирга машаққатли умр ҳам адо этди. Фозилахоним бу машаққат заҳрини болалигидаёқ татиб кўрди.

“Дадам Комилжон Шарипов ҳисоб-китобни чуқур билардилар. Уддабурро, кенг қамровли киши эдилар. Дўкондан банккача бўлган барча савдо шаҳобчалари ишини бемалол эплар эдилар, — дейди Фозилахоним ўша йилларни эслаб. — Истилочилар айнан шундай кишиларга ўч эди, улар шундай кишилар йўлига харсанглар ташлаш, кўзига тупроқ тўзитиш, тўзонда қолдириш учун атайлаб тўда-тўда исковичлар қўяр эди...

Кўқондаги обод уйимизни бир тунда ташлаб, бир ҳас ҳам олмасдан Марғилонга қочдик. Бу ерда ҳам кўним топмадик. Дадам, аям билан Кувага ўтишди. Мен бувим билан қолдим”.

Фозилахонимнинг алғов-далғов, беором ўтган болалик ҳикояларидан қўли гул хунарманд элнинг қандай қилиб қашшоқ, оч оломонга айланиб қолганини тасаввур қиламан. Тасаввурим

суякларимгача оғриқ беради. Аммо Фозилахоним оқимга қарши сузишга яратилган кемадек тақдир қийинчиликларига тикка бораверди. Мактабда, техникумда “аъло” баҳоларга ўқиди, ўн тўрт ёшида болаларга дарс бера бошлади, ўн олти ёшида мактабга директор бўлди. Олиманинг ўн

олти ёшидаги сувратини кўрсангиз — қорачиқларида чўғ ёнади, лаблари, ҳатто кулдиргичларида қатъият... Бу қатъият Фозилахонимни тақдир синовларидан ғолиб олиб ўтаверди...

...Таниқли навоийшунос олим, Фозилахонимнинг муҳаббат мулкига султон бўлган Ҳамид Сулаймон — жажжи ўғлонининг отаси — эл-

лигинчи йилнинг қаҳратонида халқ душмани деган тавқи лаънат билан Россиянинг офтоб тушмас музликларига сургун қилинди. Фозилахоним ишсиз қолди. “Халқ душманининг хотинига ўрин йўқ орамизда”, деган бўкирикларни сокин, боши тик эшитди.

Содиқ, собиқ талабалари кўмагида пана-пастқамдаги бир техникумда кечки курсларга дарс берарди. Кўп ўтмай чет эллар адабиёти мутахассислари етмаганидан яна университетга таклиф этишди. У ҳамон ҳар бир сабоғига чуқур тайёргарлик кўрарди, студентлари унинг маърузаларини зарурат учун эмас, севиб, иштиёқ билан тинглашарди. Фозилахоним шу билан бирга умр йўлдошини халос этмоқ режаларини тузди. Москва — Бош прокурор ҳузуригача борди.

...Олиманинг Ҳамид Сулаймон оқланиб қайтганидан кейинги ҳаёти ҳам равон, силлиқ кечмади.

Уруш йилларида... кексаю ёш оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи эмасдан, ўзи киймасдан топган на-сибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ислом КАРИМОВ

У домланинг ёнида Қўлёзмалар институтида ишлаётган даврда ўз илм мавзуини — тадқиқот майдонини ўзгартирди.

Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино юбилейлари муносабати билан улуг алломалар китобларини теран ўрганаркан, бу до-нишмандлар тафаккури неча булоқларга сув узатган баҳри уммон эканлигини билди. Шу ондан бошлаб унинг хаёлини “Шарқу Фарб” муаммо-си банд этди. Катта кураш-лар билан шу мавзудаги док-торлик диссертациясини ҳимоя қилди.

*Бу гулшан ичраки йўқдур
бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик била от.*

Алишер НАВОЙЙ

Бу орада беназир олим, мислсиз заҳматкаш инсон, Навоий ҳазратларининг чин мухлиси Ҳамид Сулаймон ҳам вафот этди. Дунёнинг ну-фузли кутубхоналари безаги бўлмиш Навоий, Ҳайдар Хоразмий асарларининг фотонусхалари-ни олиб келиб ўзбек халқи мулкига айлантириш жасорат эди. Ҳамид Сулаймондан шундай жа-сорат мерос қолди. Фозилахоним эғнида аза ли-боси билан эрининг чала қолган қўлёзмаларини тугатиш учун унинг табаррук иш ўтиргичига ўтирди.

Амир Хусрав Деҳлавий, Низомий Ганжавий, Навоий асарларига ишланган миниатюралар аль-бомларини чоп эттириш, Навоийнинг тўла асар-лари нашри учун “Ҳазойин ул-маоний” қисми-ни тайёрлаш ишларини Фозилахоним аввал ўзи, сўнг домла бўлиб қайта-қайта нигоҳдан ўтказди, икки карра куч сарфлаб бажарди.

...Ўша садоқатли бека, Рустам, Султон, Зухро исмли уч элга эъзозли фарзандлар онаси, ўн бир неваранинг куюнчак, севувчан бувиси, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида ҳамон виж-

донан заҳмат қилиб келаётган жонкаш, жонфидо олима, Ватанимизда юз бераётган ҳар воқеа-ҳодисага дадил муносабат билдирадиган фаол зиёли — “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси, нур тўла юрак 75 йилнинг бўронидан ёниб ўтган, ўчмаган.

Ҳар элни тақдир шундай фарзандлар билан сийласин. Шундай қизлар билан суйсин. Мен Фозилахонимнинг катта курашлар билан эришган ғалабаларига ҳавасланиб қарарканман, шундай дегим келди.

АЁЛ МАЪНАВИЯТИ

Бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, ҳатто келажаги буюк давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал этиш мушкул.

Жамият ўзгараётган, онг янгиланаётган бир замонда яшаётган эканмиз, бу масалаларни ҳал қилишда бугунги аёлларимизнинг мавқеи қандай бўлиши керак? Ёки, умуман, аёл маънавияти деганда нималарни тушунишимиз лозим?

Бу саволларга жавоб топишдан олдин “аёл” сўзининг маъносига бир эътибор берайлик.

Арабча “аёл” сўзи — “оила” калимаси билан ўзакдош. Эски тилимизда “оила аъзолари” тушунчаси “аҳли аёл” бирикмаси билан ифодалангани шундан.

Чиндан ҳам, оиланинг файзу баракаси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Халқимиз бекорга аёлларимизни “уй бекаси”, “хонадон фариштаси” деб улуғламайди.

Демак, аёл маънавияти — оила маънавияти тушунчасининг асосий узвий қисми, деган гап.

Келажаги буюк давлат қуриш борасида биз, энг аввало, ёш авлодга таянамиз. Фарзандни камолга етказиш оилавий тарбияни тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Оиладаги ўғил-қизларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишиши ҳаммадан бурун аёлларимизга боғлиқ. Чунки бизда: эркаклар — кўча одами, деган қараш ҳам бор-да.

Бола дунёга келган кунидан она бағрида ўса бошлайди. У илк сўзларни волидасининг эркалашларидан эшитади. Шундай оналаримиз ҳам борки, ўзлари ўзбек бўлсалар ҳам, ўғил-қизлари мутлақо ўзбекча гаплаша олмайди. Ахир, ўйлаб кўринг, шу болалар бобоси, бувиси билан қандай муомалада бўлади? Борди-ю, бечора буви русчани сира ҳам тушунмаса-чи? Ҳолбуки, бола бобо-бувисидан қанчадан-қанча қимматли фикрлар, миллий урф-одатлар, шарқона одоб ва одадийликни ўрганади-ку?

Бир неча машҳур-машҳур актёрларимизни биламан. Улар умрларини миллатга хизмат қилиш, халқ дардини саҳнага олиб чиқиш, ўзбекона урф-одатлар, миллий қадриятларни ҳаққоний қилиб кўрсатишга бағишлаганлар. Шундай истеъдодли санъаткорларнинг дард билан ижро этган ролини, афсуски, фарзандлари мириқиб томоша қилолмайди, кўргани билан асарни тушунмайди. Болалари ўзбек тилини билмайди.

Она тилини билмаган одам қандай қилиб миллати тарихи, адабиёти, санъатига қизиқсин?

Шўро замонида ўзбек аёллари илгари ҳеч бир замонда кўрилмаган меҳнат жабҳаларига жалб қилинди. Баъзан, хусусан, қишлоқ хўжалигида ишнинг энг оғири аёллар зиммасига юкланди. Шундан норозилик кучайди. Истиқлолимиз арафасидаги йилларда: “Аёллар ишламасин, уйда ўтирсин, бола тарбияси билан шуғуллانسин”, — деган чақириқлар тез-тез ўртага ташланди ҳам.

Лекин бу даъватлар қисмангина тўғри эди, холос. Чунки, ахир, кеча-кечагача аёлларга туғруқ-қача икки ой, туғруқдан кейин икки ойгина декрет таътили бериларди, вассалом. Аёл икки ойлик мурғагини яслига топшириб, ишга чиқиши лозим эди. Кейин бир йиллик ихтиёрий, лекин

беул таътилга рухсат берилган, холос. Ҳозир эса она фарзанди уч ёшга тўлгунича иш стажи сақланган ҳолда уйда ўтириши мумкин. Унга белгиланган миқдорда нафақа тўлаб борилади. Бола она меҳридан баҳраманд бўлсин, деб қилинди бу тadbир.

Баъзи аёлларимиз хорижий мамлакатлар хонимлари ҳаёт тарзи таъсирида болаларини сунъий сут билан боқиб, уни тарбиялаш учун уйда қарайдиган энага ёллаяптилар. Кишини хафа қиладиган томони шундаки, бу аёллар дилбандларини Аллоҳ насиб айлаган ризқдан бебаҳра қолдираяптилар. Бир аёлни

биламан. Ўзи бори-йўғи бир идорада котиба бўлиб ишлайди. Боласи икки ойлик бўлмасданоқ ишга чиқди. Бундан олдинги икки боласини ҳам энага сунъий сут билан боқиб катта қилган экан.

Фарзанддан оқибат кутмоқчи бўлсанг, аввал ўзинг унга меҳр кўрсат, деган ҳикмат замирида олам-олам маъно яширин. Оқибат — биз учун ўта миллий қадрият. Ҳеч бир миллат фарзанди она-онаси, яқинларига ўзбек боласидек оқибатли бўла олмайди.

Бу ҳам аёл маънавияти меваси.

Рост, ўзбек аёли зиммасига ўта миллий, шарқона маънавиятни сақлаб қолиш ва уни янада юксак даражаларда, замонавий асосларда давом эттириш масъулияти юкланган.

Ҳаё, ибо, иффат, фаросат, назокат, самимийлик, камтарлик, оқилалик, уддабуронлик...

Эҳ-ҳе, чинакам маънавиятли аёлларимизга хос қанчадан-қанча фазилат бор! Хусусан, ўзбек аёли-

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осоишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ислом КАРИМОВ

даги вафодорликни айтмайсизми?! Бу жиҳатдан миллатимизга жаҳоннинг ҳеч бир халқи тенг келолмаса керак.

Ҳазрат Навоийда ажиб бир байт бор. Унда лирик қаҳрамон шоирга далда бериб, агар ёринг бевафо бўлса, зинҳор ўксима, чунки у санамнинг чиройида ҳам вафо йўқ, — бу гўзалликнинг ўзи ҳам, бари-бир, ўткинчи, дейди:

*Эй Навоий, гар вафоси қолмамиш онинг санга,
Ғам емоким, анга ҳам ҳусни вафоси қолмамиш.*

Аллоҳ аёл зотини шунчалар гўзал, назокатли хилқат қилиб яратганки, энди шунга шукр қилиб, бу ҳусну малоҳатни сақлай билиш, уни бозордан олиб бозорга солмаслик ҳам — буюк бир инсонийлик, юксак маънавият.

Бандасига берилган фазилят бир-бирини тўлдириб келади.

Оқибатсиз, ҳаёсиз, уятсиз кишида орият, вафо бўлмайди. Буни Навоий бир ҳикматли байтида шундай ифодалаган:

*Ҳаёсизда вафо йўқ,
Вафосизда ҳаё йўқ.*

Аёлнинг вафоси — унинг поклигидан. Назаримда, худди шу жиҳатлари билан аёллар эркаклардан ажралиб турадилар. Навоий:

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи —*

деганида, эҳтимол, шуни кўзда тутгандир.

Тадбиркорлик ҳам хотин-қизлар учун ниҳоятда зарур. Аммо аёл тадбиркорлиги деганда тор

маънодаги ишбилармонликнигина тушунмаслик керак. Ҳаёт уй бекасидан ҳар куни тадбиркор, саранжом-саришталик, тежамкорлик, оқилона сарф-харажат талаб қилади.

Рўзгорнинг бутлиги, демакки, оиланинг ривожланиши кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ.

Шундай оилалар борки, эркак топиб келади, аммо хотиннинг режасиз харажатлари туфайли рўзгор барака кўрмайди. Бу — маънавий кемтик-лигимиз.

Бир тоифа аёлларимиз борки, улар турмуш ўртоқларининг нопок йўллар билан пул топиб, оила, бола-чақани моддий жиҳатдан таъминлаётганлигини билиб туришади. Ёмон томони шундаки, бу аёлларимиз эрларининг ахлоқий томондан нопоклигини ҳам билишса-да, бунга парво қилишмайди. Нега? Чунки бундай аёллар учун маънавий дунёдан кўра моддий дунё ҳамма нарсадан устун туради.

Баъзи аёлларимиз пулдор эрларидан маънавий дунё тополмаганликларидан ичларида норози ҳам бўлишади. Аммо фарзандлари тақдирини ўйлаб, маънавиятсиз, вафосиз эрларининг қилмишларига сабр-бардош, бағри кенглик билан чидаб яшай-верадилар.

Вокзалга йўлингиз тушганда эркакларга ўхшаб оғир-оғир қопларни орқалаб кетаётган аёлларни кўриб, назокат учун яралган хилқат дағаллашиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бундай аёлларнинг турмуш ўртоқлари хотинлари топиб келаётган мўмай пуллар ҳисобидан яшайверишади. Бу, табиийки, оилада аёл ҳукмронлигига олиб келади. Унда фарзанднинг, хусусан, ўғил бола тарбиясининг аҳволи не кечади? Эр нафсонияти, ўғил бола тарбиясининг аҳволи не кечади? Эр нафсонияти, ғурури топталмайдими?

Қўйингки, Аллоҳ нозик қилиб яратган аёл учун ҳаё, инсоф, маънавиятни сақлаб қолиш, энг аввало, эркакларимизга ҳам боғлиқ, деб ҳисоблайман.

Хуллас, аёл маънавиятини бугун миллат маънавиятининг туб илдизи, дейиш мумкин. Унга бефарқ қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ

ЮЛДУЗ КУМУШ ЭМАСМИ?..

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи бош қаҳрамони Отабек ҳажрида куйган Кумушбиби — Марғилондан. Хусну ма-лоҳати, оқилалиги, юриш-туриши, одоби, боринг-ки, барча фазилатлари билан онгу шууримизга комилалик, шарқона тарбия тимсоли бўлиб ўрнашган бу қиз ўзбекман деганнинг ҳар бири учун азий ва мукаррамдир.

70-йиллар миллий қўшиқчилигимиз қаҳқашо-нида пайдо бўлган ёрқин юлдуз — Юлдуз Усмо-нова ҳам марғилонлик. Не бахтки, Кумушбиби сув ичган зилол чашмалардан сув ичиш, у нафас олган ҳаволардан нафас олиш, у ўсган ўзбекона муҳитда вояга етиш Юлдузга ҳам насиб этибди.

Кундошлик қисматиға исёнини ҳам назокат пардасига ўраган — ошиғи юзига эркалабгина ша-патилаб, бу ёғига Зайнаб урсин деган, жон тас-лим қилаётганда ҳам қайнотаси Юсуфбек Ҳожи истиқболиға ўрнидан турмоқчи бўлган Кумуш-биби ва ... калта қирқилган сочи, кескин хатти-ҳаракатлари билан чапани ўсмирларни эслатади-ган, сахна тақозосига кўра либоси қўшиқдан қўшиққа (гоҳ оврупоча, гоҳ шарқона) ўзгариб турадиган Юлдуз...

Фарқ ер билан осмонча. Муқоясаға ўрин йўқдай.

Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий вазиятга, жўнроқ айтганда, замонга қараб муносабатлар, юриштириш, кийим-кечак, ҳаттоки қиёфалар ҳам ўзгариши мумкин.

Вақт ҳукмига бўйсунмайдиган, турланмайдиган ягона қудрат инсоннинг гўзал туйғуларидир.

Юлдуз муҳаббат ҳақида куйлаганда саррин шабададан япроқлари кумушланаётган водий тераклари, шу тераклар остида Отабегини соғиниб хомуш юрган Кумушбиби кўз ўнгимга келаверади.

Юлдуз “дунё, дунё, ёлғон дунёсан”, деб нола қилганда, “ёмонлик корхонаси” (А. Қодирий ибораси) тинмай ишлаётган, фирромлик, хусумат, фитнанинг дасти дароз бўлган замонлар ва шу замонлар қаршисида фаришта чехраси билан “борим шу” деб жовдираб турган Кумушбибини эслайман.

Юлдузнинг фақат танбур жўрлигида ижро этиладиган “Онам йиғлар” деган кўшиғи бор. Ҳар гал шу кўшиқни эшитганда яна кўз ўнгимга ёлғиз сирдошию ёлғиз ҳамдарди Офтобойим кўксига бош қўйиб хўрсинаётган Кумушбиби келаверади.

Асл кўшиқ, мангуликка даҳлдор кўшиқ тоза кўнгилдан, дардли юракдан чиқади. Юлдузнинг куйлагани — юракдан чиққан нолалар, завқу эҳтирос, инсоний гўзал илҳомлар шаршараси, овознинг беҳад ёрқин товланишлари, қалб удининг нозик тебранишларидир... Кумушнинг беҳад гўзал қалбида ҳам шундай сирли олам яшарди...

САҲНА — САЖДАГОҲ

Хонанданинг концерти ёзилган янги видеотасмаларидан бирида шундай манзара кўрдим. Саҳнага чиқиш олдидан бўладиган таранг вазият.

Пардозчилар, машшоталар елиб-югуриб сўнгги тайёргарлик ишларини кўришмоқда: кимдир Юлдузнинг тузатилган сочини қайта кўздан кечира туриб тузатган бўлади, кимдир кўйлак елкаларини тортиб қўяди. Юлдуз саҳнага очиладиган чўғдек духоба парда ёнига келиб бир зум тўхтаб қолади. Стулда ўтирган ўрта ёшлардаги одам (балки бадий раҳбардир) дуога қўл кўта ради. Юлдуз юзига фотиҳа тортиб, гулдурос қарсақлар остида саҳнага отилиб чиқади...

Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади.

Ҳадисдан

...Санъат оламига чақмоқдай отилиб кириб, биринчи, иккинчи қўшиғидаёқ кимсан фалончи бўлган хонандаларни кўп кўрдик. Уларнинг баъзилари қандай тез пайдо бўлсалар, шундай тез ғойиб бўлишди. Биз уларни надоматлар билан эслаймиз. Сабабини сўраб-суриштирмай, аттанг, деймиз. Яхши бир истеъдодни йўқотиб қўйдик, деймиз. Аслида-чи? Ҳаёт биз-у сиз ўйлагандан хийла мураккаб ва чигалдир.

Муҳтарам шоиримиз айтганларидек, “Ҳаёт ҳамма вақт ҳам бошимизни она бўлиб силамайди”.

Истеъдоднинг камолот поғоналарига кўтарила олмай аро йўлда қолиб кетиши, баъзи ҳолларда жувонмарг бўлишига биринчи сабаб, назаримизда, ноқобиллик, ҳаётнинг эртами-кечми бошига тушиши муқаррар бўлган синовларига тайёр эмаслик, фожианинг иккинчи сабаби — шуҳрат балосига гирифторлик. Шуҳрат кимларнинг бошини айлантирмаган? Кимларнинг кўзини кўр, қулогини қар қилиб осмонларга кўтармаган ва охиروқибатда эл назаридан қолдириб, чилпарчин этмаган.

Аллоҳ истеъдодни ҳар кимга ҳам беравермайди. Бу ноёб инъом учун яратганга шукур қилган, истеъдодига кун сайин, ой сайин, умр бўйи сайқал берган санъаткорларгина бахтлидир.

“Меҳнат ёқамдан ушлади...” Бобораҳим Машрабнинг бу ҳасрати санъат йўлига кирганларнинг барчаси учун бир умрлик хиргойи бўлмоғи зарур.

Бугун рўй-рост айтиш мумкинки, биз шартли равишда синов деб атаган ҳар учала босқичдан ҳам ЮЛДУЗ УСМОНОВА ёруғ юз билан ўтди. Ҳаёт ва ижод йўлининг аввалида бошига тушган барча сир-синоатлар қошида у довдирамади. Шўролар замонидаги мафкуравий тазйиқ-таъқибларни тишини тишига қўйиб ўтказди. Хатолар-чи, дейсизми? Ҳа, хатолар ҳам бўлган. Буни Юлдузнинг ўзи танқидчилардан кўра яхшироқ билади, тан олади. Баъзан ҳақсизлик, фирромликни кўриб “портлаб кетган”, “тилига бойланган” пайтлари бўлган. Буларнинг барчаси ортда қолди. Қолаверса, ойдай равшан бир ҳақиқат бор: ишламаган одамгина хато қилмайди?

Юлдуз ҳаддан зиёд меҳнаткаш. Сўзу мусиқани қўшқанот қилиб, қўшиқ осмонига парвоз қилишнинг ўзи бўладими? Хонанда бир қўшиқни маромига етказиш учун баъзан ойлаб терлаган пайтлари бўлган. Ҳар бир қўшиғи битта кичик саҳна асарига айланади. У шавқ билан куйлайди. Юлдуз Усмонова Фарғона, Хоразм йўлларида ижро этиладиган “Фарғонага бораман”, “Менинг севгимга ишон”, “Қизил олма пишган экан”, “Шайдолик надир ўзи?”, “Ўйнагани қўймаслар” ва эстрада жанридаги деярли барча қўшиқларини рақсга тушиб айтади. Бир пайтнинг ўзида ҳам қўшиқ айтиш, ҳам рақсга тушиш санъаткордан нафақат

руҳий, катта жисмоний куч ҳам талаб этади. Футболчилар, муз устида чавгон сурувчиларнинг ўйин давомида тинимсиз ҳаракати 60—70 км га югуриши билан тенг бўлар экан. Юлдузники-чи, 3—4 соат ва баъзан ундан ҳам ортиқ давом этадиган концертларида рақсга тушиб, қўшиқ куйлаганида Юлдуз қанча масофага югураркан?...

Хонанда ҳар гал ижродан кейин энтикиб, ҳарсиллаб нафас олаётганида, пешона терларини арта-арта мухлисларига таъзим қилаётганида ҳаёлимдан доим шу савол кечади.

Юлдузни яқин-яқинларгача ёш хонанда дейишарди. Санъатдаги умрини ҳисобласак, Юлдуз, албатта, ёш эмас. У Тамарахоним, Саодат Қобулова, Гавҳар Раҳимовалар билан ҳамнафас бўлган. Концертларда бирга иштирок этган. Юлдуз устозлари билан фахрланади, ҳам... пушаймон қилади. Пушаймони шундаки, устозларидан у кўпроқ ўрганиши мумкин эди. Начора, шу ёғига ҳам шукур. Унинг ижрочилик маҳоратидан ташқари устозларидан олиб қолган бойлиги — касбга садоқат, фидойилик, ихлос, эътиқод. Шунчаки куйлаш Юлдуз Усмоновага тўғри келмайди. У — қуруқ суврат — фотомодел эмас. Саҳнага ёнгани, ёндиргани чиқади. Қўшиқ Юлдуз Усмонова учун инсон қалбига мурожаат, яратганга муножот, саҳна эса саждагоҳдир.

ОВРУПОДА ҚОЛОЛМАЙМАН...

Ўзбек эстрадаси қандай бўлиши керак? Бу ҳақда кўп баҳслар бўлган, турлича фикрлар айтилган. Бир нарса аёнки, эстраданинг миллий заминга қурилиши кераклигини ҳеч ким инкор этмайди.

Миллий руҳ, миллий колорит бу ҳар бир халқнинг ўзлиги, ўз қиёфаси.

Ҳар бир миллат ўз тарихи, турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, санъати билан умумбашарий уйғунликка эришади.

Юлдуз Усмонованинг Голландия сафаридан ёзиб келинган концертларида минглаб томошабинларнинг унга жўр бўлиб, рақсга тушганини, “браво, браво” деб қичқиришганини кўрдик, эшитдик. Мусиқа дил билан англашиладиган умумбашарий тилдир. Нидерландлар қўшиқ воситасида ўзбекнинг юрагини, завқу шавқини, кимлигини англашди, тушунишди.

Юлдузнинг мусиқа дастаси таркибида миллий чолғу асбоблар баробарида электр гитара, синтезатор, барабан, кларнет, ҳаттоки, африка там-та-мигача бор. Не ажабки, уларнинг барчаси ўзбекона садо бериб, овруполиклар қалбини ҳам забт этмоқда.

Юлдузнинг Оврупо сафари ўтган йили анча чўзилиб кетди. Бунинг муайян сабаблари бор эди. Албатта: шартнома бўйича келишилган концертлар, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган овоз ёзиш студияларида янги қўшиқларни мумгардишга тушириш, шинам лаппак (компакт-диск)ка тушириш, видеоклиплар ва ҳоказо ташвишлар...

Машҳур инсонларнинг ўзига яраша дўст-душмани бўлади. Чет эл сафарида юрганда миш-миш гаплар тарқалди. Эмишким, Юлдуз Усмонова Лондонга ҳижрат қилган эмиш, “Миш-миш”чиларга Юлдузнинг энг яхши жавоби:

*Соғинаман, Марғилонга боролмайман,
Мен барибир Оврупода қололмайман.*

Юлдузга оқ ювиб, оқ тараган ёлғиз онасисиз, дилбанди — қизисиз, Марғилони, Ўзбекистони-сиз ҳаёт — ҳаёт эмас. Қачон, қаерда бўлмасин, у Ўзбекистон фарзанди эканлигини, ўзбек қизи эканлигини унутмаган.

Қайси бир давлатнинг саҳнасида бўлмасин, юракдан, тоза кўнгилдан куйлади, Ўзбекистон нафасини, ғурурини олиб борди.

Юлдуз шахснинг миллий ўзлигини англаш учун ҳам, унинг истиқбол йўлларини кўра билиш учун ҳам, инсоният тараққиётидаги тарихий ўрнини мукаммал билиши, билдириш учун ҳам ёниб, жўшиб куйлагиси келади.

Мустақиллик майдонидаги тантаналарни эс-лайман. Ранго-ранг нурлар ғужғон ўйнаган, ос-монда мушаклар гул очган буюк шодиёна, улут байрам.

7 йил мобайнида 70 йилда ҳам кўрилмаган та-рихий ўзгаришлар намоёйиши — ўша шодиёна хотимасида Юлдуз Усмонова куйлади. “Ўзинг-дан айланай, халқим” деб қўшиқ айтди:

*Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам, шунча қадринг сездим,
Қайда юрсам, ёду меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.*

Озодлик учун ўтказилган уйқусиз тунлар, юрил-ган беҳисоб йўллар, курашлар эвазига келган халқнинг руҳиятидаги кўтарилишни чуқур ҳис этиб саҳнага кўтарилган Президент Ислом Ка-римов оталик меҳри билан Юлдузни ҳам бағир-ларига босдилар. Юлдузнинг кўзларидан дув-дув ёш оқди.

— Санъат деб умр бўйи чеккан ширин азобларим, изтиробларимнинг қудратини сездим, — дейди хонанда ўта ҳаяжонли лаҳзаларини эслаб, — отамнинг нафасини сезгандай бўлдим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Юлдуз Усмоновага Ўзбекистон халқ артисти фахрий унвони берилди.

Ўзбек халқининг суюмли, эҳтиросли, жўшқин қўшиқчиси, саҳна юлдузи **ЮЛДУЗХОНИМ**га ярашган бу улуг иззат, муносиб рағбат муборак бўлсин! — деймиз.

КАШТАЛАРДА БАҲОР СУВРАТИ

Хорижий журнал — “Бурда моден”ни варақлаётиб, ундаги кўрпаю ёстиқлар сувратига эътибор бердим. Уларни онамга кўрсатиб, қаранг, зўр экан-а! — дедим. Онам, бизда қадим-қадимдан ишлатилган хонкўрпа фарангларда энди русум бўлибди-да, дедилар.

Агар сиз Хоразм бозорларини кезсангиз, миллий нақшлар билан жило берилган каровату диванлар, стол-стуллар, хонтахтаю сандиқлар, бешиклару эшиклар кўзингизни қамаштиради. Қадимий чўгирмаю чопонлар, хонкўрпа ва унга уйғун гулёстиқлар сизни ҳайратга солади.

Бу юртда халқ амалий санъатининг гиламдўзлик, каштадўзлик, кулолчилик, ўймакорлик, наққошлик, ганчкорлик, заргарлик, мисгарлик, сандиқсозлик, бешикчилик каби минг бир тури яшаб келмоқда. Улар тарихи бой улкан элнинг жарангли кўшиғидек туюлади менга. Айниқса, кўрпаларга гул солиб қавиш санъати жуда ривожланган. Халқ тилида у хонкўрпа дейилади.

Хонкўрпа хоразмликлар учун шодиёна кунларнинг рамзидай туюлади. Келин-куёвнинг чимилдиғига, суннат тўйлари ва азиз меҳмонларга хонкўрпа ёйишади.

Хонкўрпа устаси деб ном чиқарган аёл ҳақида сизга сўзлаб берай. Яқинда юртдошлари уни

ташкилотчи ва ташаббускор аёл сифатида ҳам кашф этишди. Шакаржон опа Юсупова Урганч туманида ўтказилган “Маҳалланинг тадбиркор аёли” кўрик-танловида ғолиб бўлди. Унинг кўргазма учун чиқарган хонкўрпалари шу қадар маҳорат билан тикилган эдики, нақшлари, шаклларианинг аниқлиги билан ажралиб турар, ранглари, тикилиш усуллари ранг-баранг эди. Кўрпажияк нусха безаклар, тўрлар, мағизлар билан жилоланганди.

Шакаржон асли ҳунарманд оиласида ўсиб улғайган. Кўрпа қавиш унга момомерос. Ўттиз йил ҳамшира бўлиб ишлаган бўлса-да, бўш пайтларида кўрпа тикиб рўзғор тебратиб турарди. Сўнг у “Мадатжон” хусусий фирмасини очди. Бу ерда тўрт ўғил, қизи ва уч келини билан бирга ишлаб, хонкўрпа қавиш, тикувчилик, каштачилик, сураткашлик, радио-телевизор ва мусиқа асбобларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланишди. Ўғилларидан бири Баҳодир кўрпаларга гул чизиш, бадийий безаш ишларини бажаради.

— Бир кунда ўнлаб кўрпаларга нақшлар чизаман,— дейди у.— Уларни опам ва келинлар тикишади. Онам қавийдиган кўрпаларга нақш чиқишнинг кераги йўқ. Улар тўғридан-тўғри ўзлари нақш солиб тикиб кетаверадилар.

Кичик ўғил Мадатжон Тошкент Давлат консерваториясининг учинчи курс толиби, соатсозликни ҳам билади. Тадбиркор аёл оила аъзолари билан вилоятда ўтказилган “Ташаббус” кўрик-танловида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни олди. Мукофотга гилам берилди. Кредит олиш сертификатига ҳам эга бўлди. Бу кредитга у ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзламоқда.

ЗАМОНАВИЙ ВА МИЛЛИЙ

Болалигим ўтган кўчалар Урганч шаҳрининг бир чеккаси саналарди. Бугунги кунда бу ерлар шаҳарнинг қоқ маркази. Ўтган чорак аср ичида Урганч анча раванқ топди. Мустақиллик шарофати билан бу ўзгариш янада кучайди. Янги масивлар, кўчалар, маҳаллалар пайдо бўлди. Ҳар борганимда янги бир ўзгаришни туяман. Бешмерган ана шундай янги маҳаллалардан бири. Суҳбатдошим — Урганч туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раисаси Гулнора Ражабова ана шу маҳалладаги “Санжар” хусусий фирмасига бошлаб келди. Тикув цехи. Кенг, ёруғ хонага ўнта тикув машинаси қўйилган. Қизларнинг бири тикаяпти, бири бичаяпти, бири дазмол босаяпти. Илдиргичлардаги қўйлақларга разм соламан. Замонавий, чоклари бир текис, пухта.

— Неча кунда тикасизлар, — сўрайман.

— Хоҳласангиз, икки соат ичида тикиб беришади. Булар конвейер усулида ишлашади, — дейди Гулнорахон. — Шаҳарнинг энг яхши тикувчилари шу ерга йиғилган.

Фирма эгаси Гулсара Рўзметованинг асосий касби ўқитувчи, илгари тил-адабиётдан дарс берарди. Отасининг ишини қабул қилиб олганида, аввало, эплармикинман, деб чўчиди. Сўнгра ғайрат билан ишга киришиб кетди.

Бу фирма биносининг ҳар бир ғиштида раҳматли отасининг изи борлигини ҳис этади. Нимаки иш қилаётган бўлса отаси кузатиб тургандек. Бу унга руҳий мадад беради ва масъулият юклайди.

Гулсара шаҳарда ўтказилган “Маҳалланинг тадбиркор аёли” кўрик танловида қатнашиб, ғолиб бўлди.

Фирмада тикувчиликдан ташқари новвойхона, радио-телевизорларни таъмирловчи цех, саргарошхона, дўкон ва тўй-ҳашамлар ўтказишга мўлжалланган 200 ўринли ошхона ишлаб турибди. Маҳалладошлари учун хизмат ҳақлари 50 фоизга арзонлаштирилган. “Санжар” фирмаси

Аёлнинг сариштаси — рўзгорнинг фариштаси.

Ўзбек мақоли

маҳалладаги 16-мактабни ва 11-болалар боғчасини оталиққа олган. Уларга таъмирлаш ишларида ёрдам бериб туради.

Гулнорахоннинг айтишича, шаҳарда 1986 нафар тadbиркор бўлса, уларнинг 688 нафари — аёллар. Аксарияти гиламчилик, гулкўрпа қавиш, каштачилик, зардўзлик, тикувчилик ва тўкувчилик билан шуғулланишади. 1998 йилда 143 нафар хотин-қизларга янги иш ўринлари яратилди ва 31 нафар қизлар замонавий касблар бўйича қайта тайёрлов курсларида хунар ўргандилар.

КОМИЛАНИНГ ОРЗУЛАРИ

Комила билан танишишимизга пискентлик тadbиркор Адолат Аҳмедова сабабчи бўлди.

— Сиз у аёл билан бир учрашинг, жуда тиришқоқ ва билимдон аёл. Бир ой Италияда бирга бўлиб жуда ёқтириб қолдим,— деганди у. Уни излаб йўлга тушдим. Шовотлик бу аёл тўрт боласи билан тўрт хонали давлат уйида турар экан. Уй атрофини гир айлантириб боғ-роғ қилиб олган. Бир чеккада темирчилик цехи. Бу ерда унинг умр йўлдоши Абдулла турли ашёлар — лаган, белкурак, кетмон ясайди. Уйнинг энг катта хонаси ишлаб чиқариш цехига айлантирилган. Гилам ҳам

шу ерда тўқилади, зардўзлик, тикувчилик цехи ҳам шу ерда. Кичик цех очилиб қишлоқнинг йигирма нафар қизи иш билан таъминланган. — Зар чопонларни фақат тўю тантаналарда кўпроқ олишади, — дейди Комилахон Эшчонова. — Биз яқинда зардўзликнинг янги йўналишини топдик. Ас-лида у янги ҳам эмас, кашта-чилик элимизда азалдан бор. Уни биз қайта тикладик, холос. Кўкракбурма кўйлакнинг олд ва енг қисмларига зар кашталар тўқиймиз. Айниқса, атласларга, оқ шоҳи ва сидирға газламаларга тикилган зар кашталар чиройли кўринади.

Тайёр кийимларни кузатамиз. Зангори барқутдан тикилган ўзбекча кўйлакка тўқилган кашта чарақлаган юлдузли осмонни эслатади. Каштали кўйлак тикиш анча мураккаб жараён. Унга ҳали тикилмасдан олдин жило берилади. Кашталар инсон дилига завқ, кўзига нур бахш этади. Кайфиятни кўтаради, зар кашталар кўздан, суқдан асрайди, деб ҳисоблашади хоразмликлар.

— Каштачилик оддий тикиш эмас — бу ўйлаш, рангларни, гўзалликни ҳис қилиш, тасвирга қалбни жо этишдир, — дейди Комила суҳбатни давом эттириб. Зардўзлик цехи ташкил этдим. Зар кашта билан безалган ёпинчиқлар ва ёстик жилдлари айниқса харидоргир.

— Қадимги маданиятимизни, кўҳна санъатимизни, момоларимиз чеварлигини, маҳоратини ёшлар қайта тиклаётганидан хурсанд бўласиз. Ҳар бир маҳаллада бундай ёшлар бор. Сизга “Меҳнатобод” жамоа хўжалиги ҳисобидаги гиламчилик цехини ҳам кўрсатай. Бу ерда машҳур туркман

*Яхши хотин кулиб боқар
юзингга,
Минг жон қурбон анинг ҳар
бир сўзига,
Оро берар даргоҳига,
ўзига,
Қозонидан, товоғидан
беллидир.*

МАХТУМҚУЛИ

гиламлари тўқилади. Жаҳон бозорида туркман гиламларининг нархи жуда баланд, — изоҳ беради Шовот тумани ҳокими ўринбосари Тамара Воисова.

Бу ерда ишлаётган Сўнажон Рўзметова бошлиқ йигирма нафар қизнинг қўли-қўлига тегмайди. Тўққизта дастгоҳнинг ярмида туркман нусха гилам, ярмида хоразм нусха гилам тўқилмоқда. Лайло Ниёзмуродова, Муҳаббат Сотимова, Назокат Абдирова, Назокат Ражабова, Гулистон Широқова, Карима Шержонова каби моҳир тўқувчилар ҳар дастгоҳда ўн беш-йигирма кунда битта гилам тўқишмоқда.

Ҳунармандчиликда миллий руҳ билан замонавийлик уйғунлашиб бормоқда. Ҳунарманд халқ ўз моҳирлигини, ижодкорлигини намоиш этмоқда. Ўз ақли, қўллари, юрагининг эзгулиги билан ҳаётни қизиқарли, турмуш тарзини гўзал ва файзли қилмоқда.

Тадбиркор, ҳунарпеша хоразмлик опа-сингилларим ижод намуналарини кўриб, уларни ноёб истеъдодли мусаввирга ўхшатдим. Ҳаётини тўғри созлаган бастакорга менгзадим. Ҳунарни санъат даражасига кўтараётган замондошларим меҳнатидан бир гурур туйдим.

АЛЛА

Бу шундай бир қўшиқчи, уни ҳеч замонда ҳеч бир шоир ёзолмаган. Бахшилар тўқиб чиқаролмаган. Созандалар ўз мулки сифатида ўзлаштиролмаган. Бу — жон билан бирга, қон билан бирга инсон ботинига сингиган қўшиқ. Уни ҳар бир юрак ўзича куйлайди. Бу қўшиқ ер юзидаги оналар қанча бўлса, рўйи заминда аёл зоти қанчалар ёйилган бўлса, у шунчалар сочилиб кетган. Бу қўшиқ аёли бор ҳар бир хонадонда худди баҳорги дарахт янглиғ гуллайди. Ҳа, ишонинг, ҳар бир дилнинг тубида яширинган тоза қўшиқ гуллайди. Оҳанги ўзи билан унинг. Бу қўшиқ Аллоҳ томонидан мунис ва мукаррам волидаларнинг жони-танига сингдирилганким, Яратганга илтижоли нидолардан сўнг, дунёни титратадиган энг гўзал ва энг тоза моҳият шу қўшиқда мужассам.

Бу қўшиқни ҳар бир аёл ўзи билан олиб юради, дедик. Қайғу кўланкаси қоплаган бошлардан қисмат маломат тошини ёғдирган кезлар, борлиқни тир-тўзғитувчи нола Оналарнинг фарёди бўлади. Ҳамма нарсага чидаш мумкин. Бироқ, Онанинг йиғиси, Онанинг ҳайқириви олдида тошга айланиб бўлган одам ҳам бардош беролмайди. Оналар ўзларида меҳр ва бардош туйғуларини кўтариб юрганлиги билан ҳам тириклик салтанатининг улуғларидир.

Нега биз бу ҳақда гапиряпмиз? Сабаби, аёл меҳри булоқларининг тиниқ ранги ва оҳанги, она сутининг поклиги ва илоҳий таъмига қоришиқ Алла бобида икки-уч жумла қалбда мавж урди, булоқдай қайнаб тошди.

Онажон! Мен гўдаклигимни эслайман. Олти ёшга тўлгунимга қадар кечалар бошимда алла айтардингиз:

*Кўзимнинг қораси Сен,
Элимнинг сараси Сен,
Жоним болам, ухла,
Имоним, болам, ухла...
Полвоним, ботирим,
Шоним болам, ухла!
Қароғимсан, кўзимсан,
Сўзим болам, ухла.
Уйимдаги буғдойим,
Тузим болам, ухла...*

Мени оҳанг элитарди. Ўзимни аллақандай қудратли бир куч ҳимоясида сезардим...

Онажон, йиллар ўтди... Бугун ўзим ота бўлдим. Келинингиз она бўлди. Ўша ўтли, юракдан тўкилган самимий сўзларнинг қудратини энди тушунаяпман. Бир-икки жумла қоралаб, шоир бўлдим, деб юрган шу кунларимда алла айта билган аёлларнинг ҳаммаси зўр шоир деган хулосага келдим.

Алла — фарзанд тарбияси учун битилган шоҳ асар.

Болаларимизнинг руҳияти, кўнглига имонни, қандай ниятларни солсак, уларнинг камолоти шунга қараб бўй кўрсатади. Ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша тарбия йўриғи бор... Фарзанд келажаги учун энг муҳими, у туғилган кезлариданоқ

қай йўсинда тарбия бермоқликдадир. Сут билан кирган нарса, жон билан чиқади, дейишади. Алла, аввало, гўдакнинг борлиғига маънавий озуқа сифатида сингади. Мана, гап қаерда. Маънавий ёруғликдан баҳраманд бўлишнинг илк даъфаси, бош бўғини алла билан боғлиқ. Алла эшитмай тарбия топиш, улғайиш, тафаккурни ажойиб тамойилларга чоғлантиришда кемтиклик мавжуд бўлади.

Келинг, ҳаммамизга таниш манзарани кўз олдимизга келтирайлик... Бешик. Бешикда гўдак. Аёл бешикни тебратиб алла айтаяпти. Бундан гўзал ва бундан чиройли ҳолатни топиш қийин. Онанинг кўшиғидан буткул чарху дун чайқалиб айланаётгандай... Айниқса, бу кўриниш халқимизнинг яна бир ўзига хос томонига мухтасар ва таъсирли изоҳдир.

Фарзанд учун ўз онасидан меҳрибон зот йўқ. Демак, унинг алласидан, унинг оҳангидан-да ёқимли куй-қўшиқ ҳам бўлиши мумкин эмас.

Қўшиқчилигимизда алла билан боғлиқ қўшиқ йўқ, ҳисоби. Раҳматли санъаткор Ҳабиба Охунованинг тасмада қолган биргина қўшиғини инobatга олмаганда, бу мавзу санъатимиз фидойиларининг ёдидан кўтарилганга ўхшайди. Кечкурунлари болаларимизга мўлжаллаб бериладиган “Оқшом эртаклари” кўрсатуви тутагач, ойнаи жаҳонда алла янграйди. Қўшиқ куйловчининг овози ёқимтойлигига шак келтирмаган ҳолда, шуни айтиш керакки, оналар айтадиган қўшиқни ёшгина синглимиз куйлаётгани эриш туюлади. “Булбулқуш(?)нинг боласи...” — деб бошла-

Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради.

Ислом КАРИМОВ

надиган бу алла матнида ўзбекона тарбия руҳи, жасорат, ватанпарварлик, миллатпарварлик тушунчаларига соя ташланган. Ўзбек болалари оқшомлари телевидение орқали мунтазам равишда тинглайдиган “Алла”га енгил қараб бўлмайди. Болалар тарбияси билан ҳазиллашиш келажак билан ўйнашишдир.

Бугунги ёш оналарнинг неча фоизи гўдакларига алла айтади, аниқроғи, улар аллани билишадими, деб сўраб-суриштириш анча кулгили туюлади. Бу, оналаримиз фарзандларига сут бераяптими, уларни парваришлашаяптими, деган гап билан баробар. Она бўлгандан кейин, албатта, парваришлайди, вояга етказди, дейишимиз тайин. Она бўлгандан кейин, албатта, фарзандига алла айтади-да, аллани билмаган аёл аёлми, дейишга эса бироз иккиланамиз. Ишонч билан айтолмаймиз.

Давр ўзгариши мумкин. Одамлар онги тараққий этиб, шаклланавериши мумкин. Цивилизация тобора чўққилаб, юксалиши бор гап. Лекин меҳр деган тушунчанинг ҳеч бир ўлчовга тааллуқли жойи йўқ. Оналар ҳамма замонда ҳам она бўлиб қоладилар. Аллани Оналар тирилтиради. Ҳамма замонда ҳам фарзандлар туғилганда улар билан биргаликда аллалар дунёга келади. Ҳар бир гўдакнинг ўз алласи бўлади. Доимо шундай бўлиб қолган. Биз ўзбекларда шундай бўлиб келган. Бугун-чи? Бугун? Ана шу “Бугун” деган сўзимиздан кейин мулоҳаза айтишни ўқувчига қолдирамиз...

ТОНГЛАРДАН БАХТ ОВОЗИ КЕЛАР

...Баъзан мен бугунги Аёл ҳақида ўйлаб қоламан. У кечаги кун аёлидан нимаси билан фарқ қилади? Аёл қай тарзда яшаяпти? Кўнглида не орзу-ўйлар бор? Давраларда бўлган чоғларимда уларга зимдан разм соламан, юракларига кулоқ тутаман. Ёнгинамда ўтирган аёлнинг кўзлари чақнаб турган бўлади. У мен билан Вақт ҳақида баҳслаша бошлайди. “Эрта тонгдаёқ ҳар кунимни лаҳзама-лаҳза тақсимлаб чиқаман”, дейди у. Мен унинг бир кунда қилажак юмушлари билан қизикаман. У бирма-бир санаб кетади: умр йўлдошини ширин сўз билан идора хизматига, катта ўғлини лицейга, қизалоғини эса боғча-гимназияга кузатиши, улар қайтгач, навбатдаги сабоқ учун инглиз тили муаллимасини уйга чорлаши, сўнг ўзи компьютер машғулотига киришиши, китоб мутолаа қилиши, пардозхонаю сартарошхонага бориши...

Бошқа бир суҳбатдошимнинг сўзлари анча кескир. У менга кичик корхонасининг юмушлари билан кечагина Туркияга бориб қайтгани ҳақида гапиради. “Турк аёлларининг урф-одатлари бизникига ўхшаш экан. Аммо, уларда савдо-сотик билан фақат эркаklar шуғулланаркан”, дейди. Сўнг мендан сўрайди: “Бизларнинг тижорат қилишимиз ўринлимикин?” Шунда дейман: “Аёллари тадбиркор юрт бадавлат бўла боради. Ҳатто

Ҳадисларда ҳам “Турмуш дунёсида уқувли аёллар рўзғорга қут-барака киритишда эрларига ёрдам бермоқлари даркор” деб айтиб ўтилган.

Тадбиркорлик ҳақидаги суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиқ кетади. Ахир бугунги кунда тадбиркор аёл атамаси ҳеч кимни ажаблантирмайди. Турли соҳаларда бизнес қилаётган, катта жамоаларга бош бўлиб савдо ишини юритаётган аёллар орамизда кўп. Фактларга кўра, Ўзбекистонда 65 минг тадбиркорнинг 20 минг нафари аёллардир. Улар бу соҳадаги фаолияти билан жамият тараққиётига катта улуш қўшишяпти. Ҳозирги аёлларимизнинг фикрлари теран, мушоҳадалари бой. Ҳар ишда етакчиликни билишади. Улар ички имкониятини, куч-иқтидорини намоён этишиб, чин маънода ўзларини кашф қилиб яшаяптилар. Шу жиҳатдан улар кечаги кун аёлларидан фарқ қилади.

* * *

Самарқанддан қайтаётганимда йўл-йўлакай қатор қилиб қурилган жажжи, безакдор дўкончаларга кўзим тушди. Номлари ҳам чиройли. “Сайёра”, “Наргиз”, “Дилором”, “Озода”, “Офтобхон”... Эҳҳе, улар шунчалик кўпки! Бу дўконларда савдо-сотиқ ишларини бошқараётган ҳар бир аёл аслида хонадониди жонкуяр бека, суюмли рафиқа, меҳрибон она. У тунлари бешик тебратиб, гўдагига алла айтади. Тўнғич ўғлига “Сен илм эгалла, дунёни тани, ўз юртингни яшнат” деб ўгит беради. Қизига эса “Сен ҳадемай ўзга бир боққа қуш каби учиб кетасан. Ҳозирдан ҳунар ўрган. Хушодобликни машқ қил”, деб қайта-қайта уқтиради. Бу аёлларнинг юрагида чинакам шарқона оилани шакллантириш, шу хонадонда маъ-

сума гулларни — ширин каломли, хушчеҳра қизларни вояга етказиш, мард ва жасур, ҳақиқий ўғлонларни тарбиялашу уларни элга қўшишдек тоза ниятлар бор.

... Далилларда келтирилишича, асримиз бошида шарқшунос В. Москалев ўзбек аёллари ҳақида тарихий этнографик очерк ёзишни мўлжаллаб, турли тадқиқотлар ўтказган ва ушбу иқтибослари натижасида шундай хулосага келган экан: “ўзбек аёлининг табиатида туғма фаоллик, туғма қизиқувчанлик ва туғма ақл мавжуддир”. Агар биз тарихни варақласак, аجدодларимиз орасида не не донишманд ва зукко, тийрак ва жасур туркиғўй аёллар ўтганини кўрамиз ва шунда шарқшунос олимнинг эътирофида заррача муболаға йўқлигини фаҳмлаймиз.

Бизда давлат тизимининг асосий бўғини мамлакатда аёллар аҳволини яхшилашга йўналтирилган. Негаки, аёл — она, у бир халқни дунёга келтиради, тарбиялайди. Халқнинг улуғ миллат бўлиб оёққа туриши биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ва саломатлиги билан боғлиқ. Юртимизда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармонида ҳам оналикнинг мартабасини улуғлаш, она ва бола муҳофазасини давлат сиёсати даражасига кўтаришдек ҳикматли мазмун мужассамдир. Шу ўринда республика Хотин-қизлар қўмитаси қошида тузилган “Олима аёллар”, “Ҳуқуқшунос аёл”, “Иқтисодчи ва тадбиркор аёл”, “Аёл ва экология” уюшмалари иши ва “Оила” илмий-амалий маркази фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Арнасой туманининг “Фарғона” жамоа хўжалигида тўққиз ўғилнинг онаси Қирмизой ая Тўрабекова билан учрашдим. Хонадондаги тўққиз ўғлоннинг бариси турли соҳаларда бизнес юмушлари билан банд эканлар. Улар эрталаб кекса оналари ҳузурига тўпланишиб, унинг дуосини сўрашади, “Ҳалол ишланглар. Тўғри қадам босинглар. Бировнинг дилини беҳуда оғритманглар. Ана шунда Аллоҳ мартабангизни баланд, ризқингизни улуг қилгай” дея уларни дуо қилади Қирмизой ая.

Эл-юртдаги хотиржамлик, меҳрпарварлигу дин-ёнатлилик, яхшиликлар ва эзгуликларнинг ҳаммаси Оналарнинг қутлуғ дуоларидан бўлса, ажаб эмас.

...Ўзбекистонда йирик енгил саноат корхонаси ҳисобланган Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган 12 минг ишчи-хизматчиларнинг асосий қисми аёллардир. Бу ерда фаолият кўрсатаётган “Анконтекст” қўшма корхонасида замонавий дастгоҳларни бошқараётган малакали чеварлар йилига бир миллиондан ошиқ 10 хил турдаги эркаклар кўйлагига, ярим миллиондан кўпроқ харидорбоп чойшаблар ишлаб чиқарадилар. Маҳсулотнинг 50 фоизи чет мамлакатларга экспорт қилинади. Жаҳон иқтисодиёти интеграциясига қўшган ҳиссаси учун бу жамоа “Олтин глобус” соврини ва республикада илк бор ташкил этилган Гран при мукофоти билан тақдирланган. Буларнинг бариси корхонада Аёл меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

...Мен аёлнинг юрагида бемисл товлангучи минг бир рангларни кўраман. Жумлаи олам ана шу ранглардан қувват олиб яшнайди, яшилланади. Юрагидаги ранглар аёл чехрасига кўрк, улуглик бахш этади. Шунинг учун ҳам аёл қай ёшда бўлмасин, қалбан гўзаллигича қолаверади. Зеро, Чўлпон сатрларида аёл тасвири янада мукаммалроқ ифодаланади:

*Бир кўрдим мен уни, шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!*

Ҳар бир тонгдан бахтнинг овозлари келади. Бу овозни эшитсам, юрагимдаги ранглар янада қуюқлашади. Тошқин ранглардан чарақлаган кўзларимда Истиқлолнинг бўйлари янада узаяётганини ҳис этаман. Сўнгра ич-ичимдан ҳаяжонга тўлиб дейман: “Мен бу рангларни асрамоғим керак!”

Президент стипендияси совриндори:

ГУЛЧЕХРА

Тошкент Давлат техника университети иқтисод-муҳандислик факультетининг тўртинчи курсида бир қиз ўқийди. Компьютер унинг жону дили. Ҳатто уйидагиларни қўярда-қўймай компьютер олдирган.

Сухбатдошимиз Гулчеҳра Ҳошимованинг иқтидорию интилишлари алақачон тенгқурлари, устозларининг эътиборига тушган. Гулчеҳра табиатан қувноқ, ҳамма билан тил топишиб кетадиган қиз.

— Иккинчи курсда ўқиб юрган кезларимда, — дея ҳикоя қилади у, — Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида амалиёт ўтаган эдим. Қарасам, ҳамма юмушлар компьютерда бажариляпти. Мутахассислигим шу бўлганлиги учун ҳам компьютернинг барча сирларини пухта ўрганишимга тўғри келди. Чунки ЭҲМ ёрдамида аксарият масалалар ўз муаммосини осонгина топади. Ахир ХХI аср компьютерлар, техникалар асри бўлиши аниқ-ку.

— *Биз бугун шиддатли, тезкор замонда яшамоқдамиз. Ана шундай дамларда йигит-қизлардан нималар талаб этилади?*

— Фикримча, бир неча хорижий тилни биладиган, компьютер саводхонлиги мукаммал бўлган кишига ҳайратланиб қарайдиган замонлар ўтиб кетган. Ҳозир ҳар бир ёш ўз мутахассислигини пухта билишдан ташқари инглиз тилини ҳам,

компьютерда ишлашни ҳам билиши зарур. Айниқса, иқтисодиёт, банк соҳасида хизмат қилувчи ёшлар учун бу жуда муҳимдир. Устига устак компьютерингиз ИНТЕРНЕТ тармоғига уланган бўлса борми, бутун жаҳон билан тиллашиш имконияти туғилади. Имкониятлардан унумли фойдаланишга нима етсин!

— *Президентимиз стипендиясининг совриндори бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бундай юксак шарафнинг масъулияти, сизнингча, нималардан иборат?*

— Энг аввало, биз олий ўқув юртида олган билимлар билан чекланиб қолмасдан, тафаккур доирамиз, дунёқарашимизни тобора кенгайтириб боришимиз керак. Изланиш, ўз устида тинимсиз иш олиб боришдан чарчамаслигимиз шарт, дея ўйлайман. Муайян билимлар чегараси билан чекланиб қолишдан ёмони бўлмаса керак.

— *Президентимизнинг ташаббуслари билан 1999 йил — Аёллар йили, деб эълон қилинди. Шу йил Сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирмоқда?*

— Йўлбошчимизнинг бу қарорини мамлакатимиз аёлларига бўлган жуда катта ғамхўрликнинг яққол ифодаси, деб биламан. Дунёнинг ҳеч бир давлатида хотин-қизларга нисбатан бундай ишонч билдирилмаган. Ўйлайманки, аёлларни бундай эъозлаш маънавий ҳаётимизда ёрқин из қолдиради.

Президент стипендиясини олиш осонмас, албатта. Лекин, бу юксак номга муносиб бўлиш кишидан янада катта масъулият талаб этади. Шунинг учун бутун куч-ғайратимни ўқишга сарфлаб, юксак ишончни оқлашга ҳаракат қилаётирман.

— *Ўқишдаги муваффақиятларингизнинг боисини қандай изоҳлайсиз?*

— Биз ёшларга Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз катта ишонч билан қарамоқда. Аъло ўқишимиз учун эса барча шароитлар яратиб берилган. Ана шу ишончга жавобан астойдил билим олишимиз, ўзимизни яхши маънода кўрсатишимиз керак-ку. Менимча, сидқидилдан меҳнат қилган

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Ислом КАРИМОВ

одам, албатта, ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Ҳеч қайси ютуқ, муваффақият ўз-ўзидан, осонлик билан келмайди.

— *Сизнингча, ҳозирги ёшларнинг муаммолари нималардан иборат?*

— Куруқ дипломнинг ўзи билан ҳеч қандай иш қилиб бўлмайди. Ҳозир қаерга ишга борманг, албатта, синов муддати билан ишга олишади. Ундан ташқари, йигит-қизлар суҳбатдан ўтказилиб, тест саволларига тўғри жавоб беришлари керак. Ахир таниш-билишга, дипломига ишониб юрган “мутахассислар” куни келиб панд бериб қўймайди, деб ким айта олади.

— *Менимча, ёшларнинг муаммолари вақтни тўғри тақсимлай билмаслик оқибатида ҳам келиб чиқади. Шундай эмасми?*

— Кўпчилик ёшлар “Вақтим йўқ, вақтим кам”, дея нолишади. Аслида эса улар вақтдан унумли фойдаланишни, ҳар фурсатнинг ғанимат эканини билишмайди. Чет элда ҳатто бадавлат одамларнинг фарзандлари ҳам ўқиш билан бир вақтнинг ўзида бирор ташкилотда ишлайди. Эътиборли жиҳати шундаки, улар қайси иш тўғри келса, уни бажариб кетаверишади. Айтайлик, кўчада газета сотишни ёки идиш-товоқ ювувчиликни сира ор, уятли деб билишмайди. Ана шу йўл би-

лан улар ота-онасига ҳамда ўзининг билим олишига моддий рағбат кўрсатишади.

— *Гулчеҳрахон, бу муваффақиятларингизда ота-онанинг, оиланинг роли катта бўлса керак?*

— Албатта, мен зиёли оилада вояга етганман. Оилада ота-онам мен учун ҳамма шароитни яратиб берганлар. Орзу-ҳавасларимни қўллаб-қувватлаб келганлар. Ҳамма ютуқларим шундан бўлса керак.

— *Келгусида орзуларингиз қандай?*

— Ўқишни тугатиб, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ишламоқчиман. Шу билан бирга илмий ишимни ҳам давом эттирмоқчиман. Иқтисодда ахборот тизимларига оид изланишларимни ҳам янада кенгайтириш ниятим бор.

— *Орзуларингиз амалга ошишига тилакдошимиз.*

Назокат УСМОНОВА суҳбатлашди.

МУНДАРИЖА

**АЁЛНИ УЛУҒЛАШ —
ОИЛАНИ, ВАТАННИ,
ҲАЁТНИ УЛУҒЛАШДИР**

5

**ОЛАМДА АЁЛ МАДҲИГА
ДОСТОН ТУГАМАЙДИ**

73

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

121

**АЁЛ БОРКИ,
ОЛАМ МУНАВВАР**

141

АЁЛГА ЭЎТИРОМ

Нашр учун масъул: Ж. РАЗЗОҚОВ

**Суратлар муаллифлари
Ф. ҚУРБОНБОЕВ, А. ТЎРАЕВ, Р. ШАГАЕВ**

Муҳаррирлар Т. НАЗАРОВ, К. БЎРОНОВ

Мусаввир О. СОИБНАЗАРОВ

Бадий муҳаррир Ж. ГУРОВА

Техник муҳаррир С. СОБИРОВА

Мусахҳиҳлар М. РАҲИМБЕКОВА, Н. УМАРОВА

Копьютерда тайёрловчи Е. ГИЛЬМУТДИНОВА

Теришга берилди 22.03.99. Босишга рухсат этилди 21.04.99.
Қоғоз формати 60×90¹/₁₆. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма т. 20,0. Нашр босма т. 27,73. Тиражи 40000.
Буюртма № К-927. Баҳоси шартнома асосида.

**"Ўзбекистон" нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий, 30.
Нашр. № 43-99.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент. Навоий кўчаси, 30.**